

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА ДИЗАЙНИ”
йўналиши**

**“УЧ ЎЛЧОВЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ
РАҚАМЛИ ТАСВИЛАШ УСУЛЛАРИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-У СЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ - 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“УЧ УЛЧОВЛИ
ОБЪЕКТЛАРНИ РАҚАМЛИ
ТАСВИРЛАШ УСУЛЛАРИ ВА
АЛГОРИТИМЛАРИ ”**
модули бўйича

ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 20__ йил ____даги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тақризчи: ТАТУ, ф-м.ф.д. Ф.М.Нуралиев ТАТУ,
“Телевизион технологиялар” факультети декани,
т.ф.н. Н.Мирзаев,
“Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказы”
катта илмий ходими.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (20__ йил ____ даги __ - сонли баённома)

МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
Методлари

3

Назарий
Материаллар

4

Амалий
Машғулот
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Адабиётлар
руйхати

I. БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

Курснинг мақсади ва вазифалари

“Уч ўлчовли объектларни рақамли тасвирлаш усул ва алгоритмлари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини объектларни уч ўлчовли моделлаштириш ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, объектларни рақамли тасвирлаш, сиртларни ифодалаш моделлари, маҳсус эфектларни моделлаштириш, объектларни ёритиш, ёруғликлар билан ишлаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Уч ўлчовли объектларни рақамли тасвирлаш усул ва алгоритмлари” модулининг вазифалари:

- уч ўлчовли моделлаштиришнинг назарий асосларини, математик аппаратини, усул ва услубиятларини ўргатиш;
- уч ўлчамли реал борлиқни математик ва дастурий аппарат ёрдамида визуал тасвирлаш ва уларга рақамли ишлов бериш усулларини ўргатиш;
- визуал тасвирлар орқали реал объектларни таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- амалий масалаларни қўйиш ва уларнинг ечимларни замонавий амалий дастурий воситалардан фойдаланиб топиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- рақамли тасвирлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, маълумотларга ишлов бериш ва хulosалар ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Уч ўлчовли объектларни рақамли тасвирлаш усули усул ва алгоритмлари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- рақамли тасвирга ишлов беришнинг назарий асосларини;
- уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмларини;
- асосий ранг моделларини;
- аудиовизуал ахборотни компьютерда тасвирлашни;
- тасвирларни кайта ишлашни;

- 3D моделлаштириш ва анимациялар ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- полигонлар, сплайнлар ва NURBS тизимини;
- сиртнинг қисмларини моделлаштиришнинг усулларини;
- сиртларни ифодалаш моделларини;
- вектор полигонал модел тизимини;
- воксель моделини ва унинг асосий хусусиятларини;
- текис тўр, нотекис тўр усулларини;
- ҳажмий тасвирларни визуаллаштириш усулларини;
- маҳсус эфектларни моделлаштириш технологиясини;
- ёруғлик ва рангдан фойдаланиш усулларини;
- ёритишнинг асосий турларини билиш ва амалиётда қўллаш **кўникмаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- содда примитивларни моделлаштириш;
- ҳажмий тасвирларни мустақил равишда мақсадли визуаллаштириш;
- маҳсус эфектларни моделлаштира олиш;
- уч ўлчовли обьектлар анимациясини ҳосил қилиш;
- амалий дастурий воситалардан фойдаланиш;
- тасвирлар яратиш ва уларни харакатга келтириш **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмларини шакллантиришда сиртларни тасвирлаш, ҳажмга эга обьектларни визуаллаштириш ва сиртларни бўяш;
- Безье эгри чизиги учун геометрик эгри чизиқлар ва уларни ҳосил қилиш алгоритмларидан фойдаланиш;
- маҳсус эфектларни моделлаштиришда портлашларни симуляциялаш Вокселлардан фойдаланиш;
- рангли расмларни шакллантиришда 3D моделидан фойдаланиш;
- медиа манбаларидаги ахборотларни критик қабул қилиш ва таҳлил этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Уч ўлчовли обьектларни ракамли тасвирлаш усул ва алгоритмлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник ва дастурий воситалардан, дастурлаш тилларидан, компьютер графикасининг амалий дастурий воситаларидан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Уч ўлчовли объектларни рақамли тасвирилаш усул ва алгоритмлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Компьютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда компьютер графикасининг назарий асослари, турли объектлар билан ишлашда графиканинг усул ва алгоритмларини тадбиқ этиш, ҳажмга эга объектларни визуаллаштириш ва сиртларни бўяш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар уч ўлчовли объектларни рақамли тасвирилаш усул ва алгоритмларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда масалаларни ечишда қўллаш ва натижа олишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан	
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	Мустакил тальим
1.	3D-моделлаштириш асослари.	4	4	2	2	-	-
2.	Содда примитивларни моделлаштириш.	4	4	2	2	-	-
3.	Ҳажмий тасвирларни визуаллаштириш.	8	4	2	2	2	2
4	Maxsus эфектларни моделлаштириш	10	6	2	4	2	2
5	Ёритиш ва ёруғликлар билан ишлаш.	8	6	2	4	2	-
		34	30	10	14	6	4

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: 3D-моделлаштириш асослари

Уч ўлчовли моделлаштириш моделларининг ўзига хослиги, модел қуришда реал картинанинг синтез қилинган тасвири ўхшашилиги. Физик, физиологик, психологик ўхшашилик. Объектларни тасвирлаш жараёни ва босқичлар. Примитивларни фазовий қирқиб олишлар. Полигонлар, сплайнлар ва NURBS. Сиртнинг қисмларини моделлаштириш. Сирт қисмларининг асосий моделлари. Қисмларнинг оралиқ моделлари. Фазовий ҳаракатларни алмаштириш.

2-Мавзу: Содда примитивларни моделлаштириш

Компьютер графикаси тизимларида уч ўлчовли объект сирт шаклларини тасвирлаш усуллари, уларнинг математик ифодасини мисоллар орқали берилиши. Иккинчи тартибли сиртлар. Декарт координаталари билан боғлиқлик. Вектор полигонал модел. Аналитик модел. Воксель модели. Текис тўр. Нотекис тўр. Сиртларни тасвирлаш моделларини алмаштириш.

3-Мавзу: Ҳажмий тасвирларни визуаллаштириш

Каркасли визуализация. Сузиб юрувчи горизонт усули. Z-буфер усули. Векторлар алгебраси. Бирлик вектор. Векторларнинг скаляр кўпайтмаси. Векторларнинг вектор кўпайтмаси. Нормаларни ва қайтиш бурчакларини хисоблаш. Диффуз қайтиш. Силлиқ қайтиш. Гуро усули. Фонг усули.

4-Мавзу: Махсус эфектларни моделлаштириш

Портлашларни симуляциялаш учун Вокселлардан фойдаланиш. Объектларни полигон ёки NURBS парчалаш. Суюқлик. Атмосфера эфекти. Олов эфекти. Электр эфекти. Сув ҳавзалари эфекти.

5-Мавзу: Ёритиш ва ёруғликлар билан ишлаш.

Ёруғлик интерференцияси. Когерент тўлқинлар. Ёруғлик дифракцияси. Ёритиш турлари. Ёруғликнинг қайтиши. Ёруғликнинг синиши. Синган нур векторини ҳисоблаш. Ҳолатларни ёритиш. Саҳна ёруғлигини яратиш Ранг моделлари. Аддитив модель. Субтрактив модель. HSB ранг модели.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Дизайн турлари ва уч ўлчовли моделлаштириш (2 соат)

Режа

1. Дизайнга хос лойиҳалаш жараёни.
2. Тасвир моделлари. Файлларнинг турлари.
3. Уч ўлчовли мухаррирлар турлари. Уч ўлчовли моделлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари. Уч ўлчовли саҳналар яратиш алгоритми.

2-амалий машғулот: 3D Studio Max дастурида билан танишиш (2 соат)

Режа

1. Autodesk 3D Studio Max дастури интерфейси.
2. Бош меню ва буйруқлар панели тузилиши.
3. Проекциялар ойнаси, унинг тузилиши ва хусусиятлари.

3-амалий машғулот: 3D Studio Max дастурида стандарт объектлар таснифи (2 соат)

Режа

1. 3D Studio Max дастурида Create (яратиш) буйруқлар панели.
2. Shapes туридаги икки ўлчовли объектлар яратиш.
3. 3D Studio Max дастурида объектлар билан ишлаш.

4-амалий машғулот: Compound objects (таркибли объектлар) (2 соат)

Режа

1. Морфинг (morph). Бул операциялари (boolean).
2. Loft объектларини яратиш.
3. Таркибли объектларнинг бошқа турлари.

5-амалий машғулот: 3D Studio Max дастури модификаторлари.

Объектларни қуриш (Mesh, Poly, Patch, Splain, Nurbs моделлаштиришлари) (2 соат)

Режа

1. Modify (ўзгартериш) саҳифасининг тузилиши.
2. Объектларни моделлаштириш.
3. Сплайнларни моделлаштириш.

6-7-амалий машғулот: 3D Studio Max дастурида материаллар яратиш ва тахрирлаш (4 соат)

Режа

1. Текстура ва материал тушунчаси. Материал турлари.
2. Материал параметрлари бўлмаси, харита турлари.
3. Объектга харита қоплаш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини хисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил ишларнинг тахминий мавзулари:

- мураккаб тузилишга эга бўлган объектларни лойиҳалаш;
- 3DS Max дастурида ёруғликлар билан ишлаш;
- 3DS Max дастурида кўпқатламли монтаж;
- 3DS Max дастурида объектларни клонлаштириш.

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8балл

Ш. БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Мультиедиа иловаларининг яратиш ва фойдаланишда SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Мультиедиа иловаларини яратиш ва фойдаланишнинг кучли томонлари	Мультимедиа иловаларини яратиш техник ва дастурий воситаларининг турли туманлиги. Улардан мақсадли қўлланилиши натижасида иш самарадорлигининг ортиши...
W	Мультиедиа иловаларини яратиш ва фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Баъзи техник носозликлар, техникадан фойдаланиш имкониятларининг чегараланганини
O	Мультиедиа иловаларини яратиш ва фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Мультимедиа иловаларини яратиша рағбатлантирувчи давлат грантларининг мавжудлиги...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Муаллифлик хуқукини олмаган ҳолда илованинг ўзгалар томонидан ўзлаштирилиши...

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармокли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Мультимидали анимацион ролик яратувчи дастурлар

Adobe Flash		Autodesk 3ds Max		GoAnimate	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Кейс. Бирор бир мавзуни ўргатувчи мультимедияли ўқув дарсини яратиш.

Кейсни бажарилиш босқичлари ва топшириқлари:



Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳларда);



Мультимидали илова яратиш учун дастурий таъминотни танлаш ва ўрнатиш кетма-кетлигини белгиланг;



Мультимидали илованинг аидео ва аудилавҳаларини яратиш ва иловага жойлаштириш;



Мультимидали илова тақдимотини тайёрлаш ва ўтказиш.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



Тест

Мультимедианинг дастурий воситалари неча турга бўлинади?

- A. 2
- B. 3
- C. 4



Киёсий таҳлил

- Мультимедиали ўқув дарсини яратувчи дастурий воситалар кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Мультимедиали ўқув дарсини яратиш жараёнида овознинг синхронизацияси



Амалий кўникма

- Мультимедиали ўқув дарсини яратувчи дастурий воситаларни ўрнатинг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириши мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

--	--	--	--

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини такқослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Анимация	тасвирлар кетма-кетлиги натижасида харакат ҳосил қилинади	
Ахборот технологиялари	ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, чиқариш ва тарқатишида қўлланиладиган дастурий-аппарат ва усуллар мажмуи	
Виртуал борлик	компьютерда яратилган 3 ўлчовли муҳит бўлиб, муҳит ва фойдаланувчи орасидаги ўзаро мулоқотни ўрнатиб берувчи модель ҳисобланади	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Видеотехнология	харакатни амалга оширувчи тасвиirlар кетма-кетлигини яратиш ва намойиш технологияси.	
Аудио-видеотизимлар	матн, тасвир ва аудио маълумотларни қайта ишловчи тизимлар	
Мультимедианинг аппарат воситаси	мультимедиа компоненталари билан ишлашга мўлжалланган катта хотирага эга компьютер аппарат воситалари	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалashiб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини танишириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Adobe Flash дастурини ўрнатиш					
Autodesk 3ds Max дастурини ўрнатиш					

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

GoAnimate дастурини ўрнатиш				
Pinnacle Studio дастурини ўрнатиш				
Ulead VideoStudio дастурини ўрнатиш				

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

- Тақдимот қисми.
- Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қўйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. БҮЛІМ

НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: 3D-моделлаштириш асослари

Режа

1. Уч ўлчовли модельлаштиришнинг асосий элементлари
2. Объектни ҳосил қилиш учун модельлар қуриш.
3. Яратиш жараёнида сиртларни тортиш, ёпиштириш, олиб ташлаш амаллари.

Таянч иборалар: Объект, геометрик модель, примитив, атрибут, текстура, схема, синтез, алматириши модели.

1. Уч ўлчовли модельлаштиришнинг асосий элементлари

Объект тасвирни синтез қилишдан аввал, график тизимга унинг тузилиши (топологияси), геометрияси, текстураси (таркибий тузилиши), визуал хоссалари ва уни ўраб турган объектлар орасидаги муносабатлар (фазодаги жойлашуви) ҳақидаги маълумотларни киритиш керак бўлади. Бу маълумотлар объектнинг геометрик моделини ташкил этади. Қатъий айтганда, модель қуриш жараёни бир қанча босқичларда амалга оширилади, модельнинг ўзи эса иерархик тузилишга эга ва бу иерархиянинг ҳар хил даражасида (тасвирлаш жараёнининг ҳар хил босқичларида) у модельлаштириш тилининг ҳар хил конструкцияларида ифодаланади.

Аввалимбор, акслантириш моҳиятини формаллаштириб олиш керак. Абстракция қилиш йўли билан уларнинг ички тузилиши ва ўзаро алоқаларидан улар ташқи кўриниши ва ҳолати ҳақидаги тасаввурларни шаклантириб олинади. Бундай тасаввурларни визуал-ҳолат ахборот модели деб аташ мумкин. Улар асосан яратувчи мутахассис тафаккурида шакланади. Кейинги қадамда акслантирилаётган объективни аппроксимация ва акслантириш амали ёрдамида маълум масала учун муҳим бўлмаган элементлари олиб ташланади ва тизим ҳажмий ўлчами индексациясига келтирилади. Ҳажмий тасвир деб аталувчи ахборот модели пайдо бўлади. У расм, чизма шаклида бўлиши мумкин. Ҳажмий тасвирни қуриш қонунияти математика тилида ифодаланади, натижада объективнинг математик модели пайдо бўлади. У бир нечта доимий ташкил этувчилардан иборат бўлади: булар объектив тузилиши, уларни ташкил этган примитивлар ва атрибутлар, текстураси кабилардир. Уларнинг мазмунни кириш тили воситасида график маълумотлар базаси ташкил қилиниб унга киритилади. Тасвирлаш жараёнида объективлар шакли ва уларнинг ташқи кўриниши ўзгармайди ва уларга мос математик модельлар ҳам ўзгармайди. Бироқ объектив ва унинг атрофидагилар орасидаги муносабатлар сезиларли даражадаги ўзгаришларга учраши мумкин: объективнинг саҳнадаги жойлашиш ўрни, ориентацияси, ёритилганлик интенсивлиги ва бошқа параметрлари ҳар хил қийматларни қабул қилиши мумкин. Шунга ўхшаш параметрлар ҳақидаги маълумотлар

ҳам объектнинг математик моделига тааллукли бўлади ва унинг яна бир ташкил этувчисини – саҳнавий ташкил этувчисини ҳосил қиласи.

Юқорида санаб ўтилган математик моделнинг ташкил этувчилари акс эттирилаётган объектга ҳар хил даражадаги иерархияда тегишли бўлади: саҳнага, объектга, примитивларга. Компьютер графикасида қўлланиладиган моделлаштириш тили функциялари аниқланган фазонинг соҳаси модел олами деб аталиши мумкин. График тизимларда мавжуд реал олам – физик ва техник объектлар эмас, балки модел олам мавжудлиги, яъни реал мавжудотнинг модели акслантирилади. Бошқача айтганда, олам – бу график тизимда ўзининг модели билан берилиб, тасвирлари чиқариш майдонида параллел ёки вақтга нисбатан кетма-кет акс эттирилувчи объектлар мажмуасидир.

Саҳна – бу модел оламининг қисми бўлиб, ўзининг модели билан бериладиган ва акс эттириш масаласида етакчи ҳисобланувчи объектлар мажмуасидир. Саҳнани тавсифини бир вақтда график маълумотлар базасидан олинадиган акс эттирилувчи объектлар мажмуаси деб аташ мумкин.

Саҳна график объектлардан ташкил топади. Объект деб қаралаётган масала ечими нуқта назаридан функционал умумийлиги бўйича бирлаштирилган модел фазосининг нуқталари мажмуасига айтилади. Объект таърифига примитивлар жиҳатидан ёндашиш мумкин: объект – бу битта ном билан аталувчи ва ягона визуал хосса билан характерланувчи примитивлар мажмуасидир.

Примитив тушунчаси қарашларнинг икки асосий жиҳатига эга. Биринчидан, примитив мураккаб объектларни тасвирлашда “қурилиш ғиши” бўлиб хизмат қиласи, иккинчидан, график тизим аппарати ёки процедураси шакллантирадиган содда тасвир. Шунинг учун, геометрик ва график примитивларни фарқлаш талаб қилинади. Геометрик примитив – бу объектларни қуриш учун ишлатиладиган формал тавсифга эга содда геометрик шакллар (нуқта, вектор, сирт ёки ҳажмий жисм)дир. График примитив – бу содда тасвир бўлиб, уларни шакллантириш учун график тизим маҳсус аппарат блокка эга. Ҳар хил график тизимларда график примитив сифатида нуқта, вектор, трапеция ва бошқа шаклдаги тасвирлар киритилган.

2. Объектни ҳосил қилиши учун моделлар қуриши

Уч ўлчовли моделлаштириш моделларининг ўзига хослиги фазо ичкариси ва объектларнинг фазовий шакли ҳиссиётини бериш зарурлигидир. Модел қуришда реал картинасининг синтез қилинган тасвири ўхшашибли талаб қилинадиган даражаси муҳим рол ўйнайди. Учта бундай даражада фарқланади: физик, физиологик, психологик ўхшашиблик.

Физик ўхшашиблик даражасида модел қуришда реал картина характеристикаларига синтез қилинган тасвир характеристикалари геометрик нуқтаи назардан қараганда тўлиқ мос келиши талаб қилинади. Мисол учун, чойник кўринишидаги объектни тасвирлаш учун, реалликка мос келадиган мураккаб шаклли эгри чизиқли сиртлардан фойдаланиш зарур бўлади.


Физиологик ўхшашликда модел ва реал картина мослиги кўриб ҳис қилиш даражасида ўрнатилади. Модель реал картина характеристикасини тахминан беради, аммо, кўриш аппарати имкониятининг чегараланганлиги туфайли кузатувчи пайдо бўладиган фарқларни сезмайди. Мисол учун, чойник модели кузатиш масофасидан кўз билан фарқлаб бўлмайдиган унча катта ўлчамли бўлмаган текис соҳалар мажмуасидан ташкил топади. Охиргиси, психологик ўхшашликда, модель характеристикиси билан реал картинадан тубдан фарқ қилгани ҳолда кузатувчига унга ўхшаш кўриниш ҳиссини беради. Мисол учун, чойник текисликда яхши “бўяш” моделида берилган, бироқ уни қарама қарши томондан кўриш мумкин бўлмайди. Интерактив компьютер графикасида реал картина синтез қилинган объекти физиологик ўхшашлиги (иккинчи даражали ўхшашлик)дан фойдаланилади. У уч ўлчовли олам қонуниятларини ишончли акс эттирувчи моделлар қуришга ва керакли вақтда мумкин бўлган соддалаштиришлар асосида маъқул сарф-харажатлар билан уни амалга оширишга имкон беради.

Фазовий обьектларни моделлаштириш учун қўлланиладиган усусларни таҳлил қилиб, компьютер графикаси математик моделларини қисқача обзорини кўрайлик. Обзорни обьектни тасвиrlашдаги чекли сондаги мантиқий бир-бирини инкор қилмайдиган белгилар асосида келтирамиз. Моделлар тамоили 1.1 – расмда келтирилган.

Биринчидан обьект моделларини обьектлар конфигурацияси тавсифи тўлалигига боғлиқ бўлган топологик хоссалари бўйича фарқлаш лозим. Шунинг учун, белгиларни қаттиқ жисм, сирт, каркас ва нуқтавий моделларга ажратиш мумкин. Қаттиқ жисм моделлари узлуксиз жисм кўринишидаги обьектларни, яъни обьект эгаллаб турган фазонинг барча нуқталарининг яхлитлиги кўринишидаги ҳажмий жисмни ифодалайди. Сирт моделлари фазонинг обьект сиртига тегишли барча нуқталари ҳақидаги ахборотларни ўзида мужассам этади, унинг ичидаги нуқталар эса ҳисобга олинмайди. Каркас модели ҳам фақат обьект сирти ҳақидаги тасаввурни беради, бироқ сиртни унга тегишли бўлган каркаснинг дискрет элементлари – нуқта ёки чизиқлар комбинацияси кўринишида ифодалайди. Бунда сиртнинг каркас элементлари орасидаги нуқталари ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмайди. Нуқтавий обьектларни ифодалаш учун нуқтавий модел деб аталувчи модель киритилган. Улар фақатгина обьектнинг жойлашуви ҳақидаги геометрик ахборотни беради (фазода обьект жойлашган нуқтанинг координатаси).

Моделнинг тузилиши ва мураккаблигига примитивларни танлаш муҳим рол ўйнайди. Ташқи кўриниш, демак примитивларнинг тасвиrlаш имконияти уларни ифодаловчи функция (кўпҳад) даражасига боғлиқ. Бу белгини моделларни уни ташкил қилган примитивлар шакли бўйича таснифлаш учун қўллаш мумкин. Примитивлари нолинчи, биринчи ва юқори даражали ифодага эга моделларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фазовий объектлар моделларининг таснифлари



1.1-расм. Фазовий объектлар моделлари таснифи ва ўзаро алокалари

Нолинчи даражали ифода нукта учун характерлидир. Етарли даражадаги зичликда берилган нукталар мажмууси билан ихтиёрий мураккабликдаги ва шаклдаги сиртни ҳосил қилиш мумкин. Фазовий элементлар (вокселлар) мажмууси билан қатта жисмли объектлар берилади. Бундай мажмуу ифодаси сифатида элементлари фазонинг нукталарини объектга тегишилигини кўрсатувчи уч ўлчовли матрица олиниши мумкин. Бундай моделлар рецепторли деб аталади. Биринчи даражали кўпхад аргументлар сонига қараб фазода тўғри чизиқни ёки текисликни ифодалайди. Тўғри чизиқ кесмалари каркасли моделда, текислик соҳалари эса сиртли моделларда объект сиртларини ифодалаш учун ишлатилади. Каттиқ жисмли моделларда текисликлар билан чегараланган ярам фазолар примитивлар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Каркас моделларда эгри чизиқлар, сиртли моделларда эгри чизикили сиртлар, каттиқ жисмли моделларда – эгри чизикили сирт билан чегараланган фазонинг қисми примитив бўлиши мумкин.

Акс эттирилаётган объектлар камдан кам ҳолларда битта примитивдан иборат бўлади, улар одатда мураккаб шаклли бўлади. Ҳар хил мураккабликдаги объектларни ҳар хил ифодалашга тўғри келади. Объектларни моделда қабул қилинган ифодалаш шакллари уларни таснифлашдаги муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бу белгилар бўйича уларни жадвалли, аналитик ва бўлакли анализатор моделларга ажратиш мумкин.

Жадвалли моделда объектларни ифодалашда бу объектлар учун характерли бўлган фазовий координаталар элементлари мажмуусидан фойдаланилади. Аналитик моделлар объектни аналитик ифодалар (тенгламалар) ёрдамида тасвирлайди. Бўлакли анализатор модел анализатор ва

мантиқий тасвирлаш амаллари уйғунлигидан фойдаланади (бунга R-функция имкониятларини көлтириш мүмкін).

3. Яратиш жараёнида сиртларни тортиши, ёпишиши, олиб ташлаш амаллари

Тасвирлаш жараёнини кенг маңнода тушинилса, уни икки босқичга ажратиш мүмкін: тайёрлов босқичи ва рендерлаш босқичи. Тайёрлов босқичида саҳнадаги объектлар тавсифи тузилади, кодланади ва график тизимга киритилади, яғни уларнинг математик модели тузилади. Рендерлаш босқичида объект тавсифи аниқ алгоритм асосида тасвирга айлантирилади. Тасвирлашнинг биринчи босқичида объектнинг саҳнада жойлашуви ва ташқи кўриниши киритилади, иккинчи босқичда эса уларнинг хусусиятлари берилади. Бу хусусиятлар қатор график алмаштиришлар ёрдамида ифодаланади.

Алмаштиришларнинг моделли, тасвирий ва растрли турларини айтиб ўтиш жоиз. Моделли алмаштириш барча объектларга асосланади ва уларнинг саҳнадаги ҳолати ўзгаришини ифодалайди. Тасвирий алмаштириш кузатувчи координалар системасида объектлар ва примитивлар тасвирини кўчириш, ҳамда фазовий объектларнинг картина (экран) текислигига текис проекциясини шакллантириш билан боғлиқ. Растр алмаштиришлари ёрдамида дисплей экраннда объектнинг ускуна координаталар системаси растр панжарасига боғланган реал кўриниши олинади.

Примитивларни фазовий қирқиб олишлар

Умуман олганда, саҳна объектлари кузатувчига нисбатан олтита эркинлик даражасига эга. Худди шундай кузатувчи ҳам, мисол учун учиш аппарати учувчиси, объектга нисбатан олтита эркинлик даражасига эга. Нисбийлик принципидан фойдаланиб, бундай ҳар бир ҳолатлар учун уларга қарама-қаршисини келтириш мүмкін ва саҳна объектларини энг қулай бўлган координаталар системасида қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тасвирни чиқариш соҳаси (дисплей экрани) чегараланганигидан саҳнанинг ҳамма объекти ҳам кузатувчи назар доирасига тушмаслиги мүмкін. Кузатувчига кўринмайдиган объектлар ва уларнинг қисмлари қирқиб олиш амали ёрдамида аниқланади ва кейинчалик қайта кўрилмайди. Тавирлашнинг реал тизимларида саҳна перспективада ифодаланади, шунинг учун кесик пирамида кўринишидаги фазовий ойна ичига тушадиган саҳнанинг объектлари ва примитивлари кўринувчи ҳисобланадилар. Пирамиданинг ён ёқлари кўринувчанлиги кузатув нуқтаси (бу пирамиданинг учи) ва экран томонлари орқали ўтади. Кесик пирамиданинг кичик асоси экран текислигига ётади, катта асоси эса экран текислигига параллел ва ундан объект геометрик ўлчамларига боғлиқ ҳолдаги масофада бўлади. Интерактив графикада одатда примитивлар сифатида қирралари билан бериладиган текис полигонлардан фойдаланилади. Шунинг учун қирқиб олиш масаласи, биринчидан кўринувчанлик пирамидасига яхлит тушмаган

объектларни аниқлаш ва олиб ташлаш, иккинчидан – кузатувчига қисман кўринадиган объектларга кирган примитивлар қирраларининг кўринадиган қисмларини аниқлаш ҳисобланади.

Текис примитивларни фазовий қирқиб олиш алгоритмлари компьютер графикасида етарлича ўрганиб чиқилган. Улар таянч графика деб аталувчи графикага тегишилдири. Таянч графика алгоритмлари стандарт график процедураларга қўшилади ва график системанинг техник воситалари (график процессор) томонидан қўллаб-қувватланади. Шунинг учун фойдаланувчи улардан тайёр ҳолида фойдаланади.

Интерактив графика тизимларида саҳна ўзгариши ҳар бир фазаси учун (ҳар бир кадр учун), яъни реал вақт режимида қирқиб олиш амалини бажариш зарур бўлади. Қирқиб олиш алгоритмини соддалаштириш ва тезлаштириш учун объектлар содда геометрик жисм (кўпёклар, параллелепипедлар, эллипсоидлар) кўринишидаги қобиқقا ўралади.

Қобиқлар босқичма-босқич бўлиши мумкин. Бу содда қилиб айтганда, саҳнада умумий қобиқда қамраб олинувчи объектларнинг ихчам гуруҳлари ажратилади. Мумкин бўлганда гуруҳлар бирлаштирилади ва бу бирлашмалар ўзларининг қобиги билан ўралади ва х.к. Қобиқнинг кўриш пирамидасига тушишини текшириш иерархиянинг юқори (объектлар гуруҳидан) босқичидан бошланади ва қуи босқичигача (алоҳида объектларгача) етиб боради. Кузатувчи томонидан объектларни кўринувчанлигини аниқлашда қобиқлардан фойдаланиш айрим хатоликларга олиб келади. Қобиқларнинг объект сиртларига тифиз ёпишиб турмаганлиги сабабли, қисман кўринарли объектларнинг айримлари қайта ишлашдан сўнг кузатувчи назарига тушмай қолади.

Замонавий график тизимларда қирқиб олиш кузатувчи фазоси(кузатувчи координаталар системаси)да бажарилади. Бу фазода кўриш пирамидаси ёқлари ҳар хил вазиятда бўлади ва бу қобиқнинг кўринувчанлигини аниқлашни қейинлаштиради. Кузатувчи фазосини перспектив трансформациялаш ёрдамида бу амални анча соддалаштириш мумкин бўлади. Унинг мазмуни кузатувчи координаталар системасида перспективалар қонунияти бўйича барча қобиқлар тораяйишидан иборат. Бу ҳолатда кўриш пирамидаси кўриш параллелепипедига айланади ва экран текислигига қобиқнинг перспектив проекцияси параллел проекцияга айланади. Саҳнада қобиқлар сони деярли кўп бўлмайди ва қобиқнинг ўзи бир нечта геометрик параметр билан ифодаланади. Мисол учун, параллелепипед – қобиқ саккизта учларнинг координатаси билан ифодаланади. Шунинг учун перспектив қонуният бўйича қобиқни қайтадан санаш унча кўп ҳисоблашларни талаб қилмайди.

Фазовий ҳаракатларни алмаштириши

Қирқиб олиш ва кейинчалик график амалларни бажариш учун кузатувчи фазосида кўриниш соҳасига, қисман бўлса ҳам, тушган барча объектларнинг примитивлари берилиши лозим. Дастрлаб примитивлар объект координаталар системасида ёки примитив координаталар системасида

ифодаланади. Уларни график тизимда кузатувчи координаталар системасига ўтказиш фазода объект эволюциясини ҳисобга олувчи хуссий аффин алмаштиришлари суперпозицияси асосида амалга оширилади. Бу алмаштиришларни бир жинсли координаталарда матрица шаклида ёзиш ва бажариш қулай бўлади.

$$R^* = R \cdot M \quad (1.1)$$

бу ерда R - вектор-бошланғич координатлар қатори: $R = |x \ y \ z \ 1|$;

R^* - вектор-қайта ҳисобланган координатлар қатори (h – скаляр кўпайтувчи):

$$R^* = |x^*h \ y^*h \ z^*h \ h|;$$

M – ўлчами 4×4 бўлган алмаштириш матрикаси.

Фазода асосий аффин алмаштиришларига масштаблаштириш, кўчиш, буриш (булардан ташқари акслантириш ёки симметрия) кабилар киради. Булардан ташқари кирқиб олиш амалидан олдин ва ундан кейин примитивларни картина текислигига марказий проекциялаш бажарилади. Бу амал аффин алмаштиришига кирмайди, бироқ алмаштириларга ўхшаш ифодаланганилиги сабабли улар билан бирга кўрилади. Масштаблаштириш (DL), кўчиш (TR), буриш (RT) алмаштириш матрикалари ва проекциялаш (PR) матрикаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned} DL &= \begin{vmatrix} M_x & 0 & 0 & 0 \\ 0 & M_y & 0 & 0 \\ 0 & 0 & M_z & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} & TR &= \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ x_0^* & y_0^* & z_0^* & 1 \end{vmatrix} \\ RT &= \begin{vmatrix} t_{11} & t_{12} & t_{13} & 0 \\ t_{21} & t_{22} & t_{23} & 0 \\ t_{31} & t_{32} & t_{33} & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} & PR &= \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & \frac{1}{z_v^*} \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} \end{aligned} \quad (1.2)$$

бу ерда M_x, M_y, M_z – координаталар ўқлари бўйлаб масштаблаштириш коэффициентлари;

x_0^*, y_0^*, z_0^* – объект ва кузатувчи координаталар бошини туташтирувчи вектор координатлари;

t_{11}, \dots, t_{33} – объект координаталар системаси ўқларининг кузатувчи координаталар системасидаги йўналтирувчи косинуслари;

z_v^* - экран текислигини кузатиши масофаси.

Йўналтирувчи косинуслар объект координаталар системасининг ўз ўқлари атрофидаги буралиш бурчаги функцияси ҳисобланади: x (φ бурчак), y (ψ бурчак), z (θ бурчак). Бурчак ҳисобининг бошланиши ва буралишлар кетма-кетлигига боғлиқ ҳолда йўналтирувчи косинусларни ҳисоблаш учун ифоданинг кўриниши ҳар хил бўлади. Компьютер графикасида мураккаб бурилишлар бурилишнинг хуссий ҳоллари: координата ўқлари атрофидаги бурилишларнинг қўшилиши кўринишида

ифодаланади. Бу алмаштиришларни ифодаловчи матрицанинг кўриниши кузатувчи фазосида координаталар боши ва кузатиш нуқтасининг жойлашишига боғлик бўлади.

Ўнг ва чап координаталар системаси мавжуд бўлиб, уларда алмаштириш матрицаси кўриниши ҳар хил бўлади. Ўнг координаталар системасида биринчи чоракдан қаралганда x ўқининг z ўқи атрофида, y ўқининг x ўқи атрофида бурилиши соат стрелкаси ҳаракати йўналишига қарама-қарши бўлади. Чап координаталар системасида эса бу буралишлар соат стрелкаси ҳаракати йўналишида бўлади. Агарда кузатувчи координаталар системаси боши экран текислигига ётса, чуқурлик ўқи (z , y ўқи) унинг марказидан ўтади, кузатув нуқтаси чуқурликнинг манфий ярим ўқида жойлашади, унда чап координаталар системаси ўринли. Бунинг учун буриб алмаштириш матрицаси қўйидаги кўринишда бўлади:

$$RT_x = \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \cos \varphi & -\sin \varphi & 0 \\ 0 & \sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}, \quad RT_y = \begin{vmatrix} \cos \psi & 0 & \sin \psi & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ -\sin \psi & 0 & \cos \psi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}$$

$$RT_z = \begin{vmatrix} \cos \theta & -\sin \theta & 0 & 0 \\ \sin \theta & \cos \theta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}$$

Ўнг координаталар системасида улар қўйидаги кўринишини олади:

$$RT_x = \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \cos \varphi & \sin \varphi & 0 \\ 0 & -\sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}, \quad RT_y = \begin{vmatrix} \cos \psi & 0 & -\sin \psi & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ \sin \psi & 0 & \cos \psi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}$$

$$RT_z = \begin{vmatrix} \cos \theta & \sin \theta & 0 & 0 \\ -\sin \theta & \cos \theta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}$$

Умумий ҳолда натижавий алмаштириш матрицаси M келтирилган матрицаларнинг кўпайтмасидан (суперпозициясидан) аниқланади. Суперпозицияга матрицаларни киритиш ифодаланаётган алмаштиришлар кетма-кетлигига мос ҳолда чапдан ўнга қараб амалга оширилади. Мисол учун, координаталари (x_p, y_p, z_p) бўлган фазовий P нуқтанинг қўйидаги алмаштиришлардан сўнг экранда жойлашишини топиш талаб қилинсин: 1) экраннинг (x_a, y_a) нуқтасидан ўтувчи ва чуқурлик ўқига параллел бўлган ўқ атрофида β бурчакка буриш, 2) экран текислигига перспектив (марказий) проекциялаш. Қаралаётган RT_z матрица z ўқи атрофида бўриш учун мўлжалланган, демак RT_z ни қўллаш учун чуқурлик ўқи билан P нуқтани буриш ўқини бирлаштириш керак. Бунинг учун уни горизонтал ва вертикал бўйлаб мос равища ($-x_a$), ($-y_a$) га силжитиш керак бўлади. Худди шундай кўчишни P нуқта ҳам олади. Бунинг учун унинг координаталарини

TR_1 матрицага кўпайтириш амалга оширилади. Кейинги қадамда β бурчакка буриш, ундан сўнг P нуқтани ($+x_a$), ($+y_a$) га қайтариш орқали биринчи кўчишни бартараф этиш, яъни TR_2 матрицага кўпайтириш бажарилади. Энг сўнги амал PR матрицасига кўпайтириш билан амалга оширилувчи проекциялаш бўлади. Натижада P нуқтанинг динамикаси (ҳаракати) (1.1) ифода билан тасвирланади ва бу ерда алмаштириш матрицаси M қўйидаги кўринишда бўлади: $M = TR_1 \cdot RT \cdot TR_2 \cdot PR$. Суперпозицияга кирувчи буриш ва кўчиш матрицалари қўйидаги кўринишда бўлади:

$$TR_1 = \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ -x_a & -y_a & 0 & 1 \end{vmatrix}, \quad TR_2 = \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ x_a & y_a & 0 & 1 \end{vmatrix}$$

$$RT = \begin{vmatrix} \cos \beta & -\sin \beta & 0 & 0 \\ \sin \beta & \cos \beta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix}$$

Назорат саволлари

1. Уч ўлчовли моделлаштириш элементлари?
2. Объектларни тасвирлаш жараёни ва босқичлар?
3. Примитивларни фазовий қирқиб олишлар?

Адабиётлар ва интернет ресурслари

1. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Uch o'lchovli modellashtirish, Ilm ziyo, Toshkent, 2012.
2. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Rasulbayev M.M. Flash texnologiyalari, Cho`lpon, Toshkent, 2012.
3. J. Lee, B. Ware. Three-dimensional graphics and animation. -2nd ed. - M.Williams, 2002. – 640 p.

2-Мавзу: Содда примитивларни моделлаштириш

Режа

1. Уч ўлчовли стандарт геометрик объектларнинг математик ифодаси
2. Сиртларни ифодалаш моделлари
3. Вектор полигонал модел. Воксель модели.

Таянч иборалар: аналитик модел, параметрик тасвирлаш, сиртлар, сплайнлар, Безье сплайни, тўғри чизиқ кесмалар (векторлар), синиқ чизиқлар,

полигоналар, полигонал сиртлар.

1. Уч ўлчовли стандарт геометрик объектларнинг математик ифодаси

Компьютер графикаси тизимларида уч ўлчовли объект шаклларини тасвирилашни кўриб чиқайлик. Сирт шаклларини тасвирилаш учун ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин.

Аналитик модел

Сиртларни математик формулаларда тасвирилашни аналитик модел деб атаемиз. Компьютер графикасида бундай тасвирилашнинг турли хил кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Мисол учун, иккита аргументнинг функцияси $z = f(x, y)$ кўринишида ёки $F(x, y, z) = 0$ тенглама кўринишида.

Кўп ҳолларда сиртни тасвирилашнинг параметрик формаси ишлатилади. Уч ўлчовли декарт координаталар системаси (x, y, z) учун қўйидаги формулани ёзамиш:

$$x = F_x(s, t), \quad y = F_y(s, t), \quad z = F_z(s, t)$$

бу ерда s ва t лар маълум оралиқда ўзгарувчи параметрлар, F_x, F_y, F_z функциялар сирт шаклини аниқлайди.

Параметрик тасвирилашнинг афзаллиги бир қийматли бўлмаган функцияларга мос келувчи ёпиқ сиртларни тасвирилашнинг қулайлигидир. Тасвириларни шундай қилиш мумкинки, сиртларни бурганда, ўлчамларини ўзgartирганда формуладаги ўзгаришлар сезиларли бўлмайди. Мисол сифатида шар сиртини аналитик тасвирини кўрайлик.

Бошида иккита аргументнинг функция сифатида:

$$z = \pm\sqrt{R^2 - x^2 - y^2}$$

кейин тенглама кўринишида:

$$x^2 + y^2 + z^2 - R^2 = 0$$

ҳамда параметрик шаклда:

$$\begin{aligned} x &= R \sin s \cos t, \\ y &= R \sin s \sin t, \\ z &= R \cos s. \end{aligned}$$

2. Сиртларни ифодалаши моделлари

Мураккаб сиртларни тасвирилаш учун сплайнлардан фойдаланилади. Сплайнлар бу маҳсус функция бўлиб, сиртнинг алоҳида фрагментларини аппроксимациялаш учун керак бўлади. Бир нечта сплайнлар мураккаб сирт моделини ҳосил қиласди. Бошқача айтганда, сплайн – бу ҳам сирт бўлиб, унинг нукталари координаталарини ҳисоблаш анча содда амалга оширилади. Одатда кубик сплайнлардан фойдаланилади. Нима учун айнан куб сплайлар? Бунга сабаб, учинчи даражажа ихтиёрий шаклни тасвирилашга имкон берувчи даражалардан энг кичиги эканлиги, сплайнларни улашда биринчи тартибли узлуксиз ҳосилани таъминлаш мумкинлиги, яъни бундай

сиртларда уланиш жойларида узилишлар бўлмайди. Кўп ҳолларда сплайнлар параметрик берилади. $x(s, t)$ компонентаси учун кубик сплайн формуласини s ва t параметрларининг учинчи даражали кўринишида ёзамиз:

$$\begin{aligned} x(s, t) = & a_{11}s^3t^3 + a_{12}s^3t^2 + a_{13}s^3t + a_{14}s^3 + \\ & a_{21}s^2t^3 + a_{22}s^2t^2 + a_{23}s^2t + a_{24}s^2 + \\ & a_{31}st^3 + a_{32}st^2 + a_{33}st + a_{34}s + \\ & a_{41}t^3 + a_{42}t^2 + a_{43}t + a_{44}. \end{aligned}$$

Математикага оид адабиётларда берилган хоссага эга сплайнлар учун a_{ij} коэффициентларни аниқлаш усуллари билан танишиш мумкин. Сплайн кўринишиларидан бири Безье сплайнини кўрамиз. Аввал уни умумий шаклда - $m \times n$ даражалари кўринишида келтирамиз.


$$P(s, t) = \sum_{i=0}^m \sum_{j=0}^n C_m^i s^i (1-s)^{m-i} C_n^j t^j (1-t)^{n-j} P_{ij}.$$

Бу ерда P_{ij} - таянч нуқталар мўлжал: $0 \leq s \leq 1$; $0 \leq t \leq 1$.

C_m^i , C_n^j - Ньютон биноми коэффицентлари ва улар қуидаги формула билан хисобланади:

$$C_a^b = \frac{a!}{b!(a-b)!}$$

Безъенинг кубик сплайнни $m = 3, n = 3$ қийматларга мос келади. Унинг аниқланиши учун 16 та P_{ij} тачнч нуқталари зарур бўлади. $i, j = 0, 1, 2, 3$ қийматлар учун C_m^i , C_n^j лар 1, 3, 3, 1 га тенг бўлади.



2.1-расм. Безъенинг кубик сплайнни

Аналитик моделни аниқлаб шуни айтиш мумкинки, бу модел сиртни таҳлил қилишдаги қўргина амаллар учун жуда қулайдир. Компьютер графикаси нуқтаи-назаридан бу моделнинг ижобий кирраларини кўрсатиш мумкин: Сиртнинг ҳар бир нуқтаси координатасини ва нормалини хисоблаш амалининг соддалиги, етарлича мураккаб шаклни тасвирлаш учун ахборотлар оқимининг кичиклиги.


Унинг камчилклари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

компьютерда секин ҳисобланувчи функциядан фойдаланиб тасвиранадиган мураккаб формулалар тасвираш операцияларнинг бажарилиш тезлигини секинлаштиради; кўпгина ҳолларда бу шаклларни бевосита сиртларнинг тасвирини қуриш учун қўллаб бўлмаслиги. Бу ҳолларда сирт кўпёқ сифатида акс этади, тасвираш жараёнида қирра учлари координаталарини ҳисоблаш учун аналитик тасвираш формулаларидан фойдаланилади, бу эса полигонал модел тасвирига нисбатан секин бўлади.

3. Вектор полигонал модел. Воксель модели.

Вектор полигонал модели

Фазовий объектларни тасвираш учун бу ерда қуйидаги элементлар ишлатилади: тўғри чизиқ кесмалар (векторлар), синиқ чизиқлар, полигонлар, полигонал сиртлар.



3.2-расм. Вектор полигонал модельнинг асосий элементлари

“Учи” элементи (vertex) - тасвирашнинг асосий элементи, қолганлари эса унинг натижаси.

Уч ўлчовли декарт координаталар системасидан фойдаланилганда учлар (x_i, y_i, z_i) каби аниқланади. Ҳар бир объект ўзининг учлари билан бир қийматли аниқланади.


Учлар алоҳида олинган (ўлчами аҳамиятга эга бўлмаган) нуқтавий объектни моделлаштириши мумкин, ҳамда чизиқли объектлар ва полигонлар учун четки нуқталар сифатида ишлатилиши мумкин. Икки нуқта билан вектор берилади. Бир қанча векторлар синиқ чизиқни ташкил этади. Синиқ чизиқ қалинлиги ҳисобга олинмайдиган алоҳида олинган чизиқли объектни моделлаштириши мумкин ёки полигон контурини ифодалаши мумкин. Полигон юзали объектларни моделлаштиради. Битта полигон ҳажмга эга объектни бирор бир текис ёғини тасвираши мумкин. Бир қанча ёқлар полигонал сирт кўринишдаги ҳажмий объектни-кўпёқни ёки очиқ сиртни тасвирилайди (адабиётларда кўп ҳолларда “полигонал тўр” деган ном ишлатилади).

Уч ўлчовли компьютер графикасининг замонавий тизимларида векторли полигонал моделлар жуда кенг тарқалган. Ундан автоматлаштирилган лойиха тизимларида, компьютер ўйинлари ва тренажёрларда, геоахборот тизимлари ва шу кабиларда кенг фойдаланилади.

Векторли полигонал моделда ишлатиладиган маълумотлар тузилмасини кўриб чиқайлик. Объектга мисол сифатида кубни оламиз. Маълумотлар тузилмасида бундай объектни тасвирашни қандай ташкил

қилишни кўрайлил.


Биринчи усул. Ҳамма ёқларни алоҳида сақлаймиз.



3.3-расм. Кубни тасвирлашнинг биринчи усули

$$\begin{aligned}A \text{ ёқ} &= \{(x_{A0}, y_{A0}, z_{A0}), (x_{A1}, y_{A1}, z_{A1}), (x_{A2}, y_{A2}, z_{A2}), (x_{A3}, y_{A3}, z_{A3})\} \\B \text{ ёқ} &= \{(x_{B0}, y_{B0}, z_{B0}), (x_{B1}, y_{B1}, z_{B1}), (x_{B2}, y_{B2}, z_{B2}), (x_{B3}, y_{B3}, z_{B3})\} \\C \text{ ёқ} &= \{(x_{C0}, y_{C0}, z_{C0}), (x_{C1}, y_{C1}, z_{C1}), (x_{C2}, y_{C2}, z_{C2}), (x_{C3}, y_{C3}, z_{C3})\} \\D \text{ ёқ} &= \{(x_{D0}, y_{D0}, z_{D0}), (x_{D1}, y_{D1}, z_{D1}), (x_{D2}, y_{D2}, z_{D2}), (x_{D3}, y_{D3}, z_{D3})\} \\E \text{ ёқ} &= \{(x_{E0}, y_{E0}, z_{E0}), (x_{E1}, y_{E1}, z_{E1}), (x_{E2}, y_{E2}, z_{E2}), (x_{E3}, y_{E3}, z_{E3})\} \\F \text{ ёқ} &= \{(x_{F0}, y_{F0}, z_{F0}), (x_{F1}, y_{F1}, z_{F1}), (x_{F2}, y_{F2}, z_{F2}), (x_{F3}, y_{F3}, z_{F3})\}\end{aligned}$$

Бу схемани қуйидаги тасвирлаймиз:



3.4-расм алоҳида ёқлар

Компьютер дастурида объектни бундай тасвирлаш усулини турлича амалга тадбиқ қилиш мумкин. Барча ёқларни элементлари вектор бўлган массивда ёзиш мумкин. Алоҳида ёқларни тасвирлаш учун ёки бутун объектни тасвирлаш учун (класлардан) синфлардан (С++ тилидан) фойдаланиш ҳам мумкин. (x, y, z) учликни бирлаштирувчи тузилма ташкил қилиш мумкин, ёки координаталарни алоҳида сақлаш мумкин. Буларнинг барчаси қайсиdir маънода дастурчига, унинг таъбига боғлиқдир.


Кубни тасвирлаш учун зарур бўладиган хотира ҳажмини қуйидаги чисоблаймиз.

$$\Pi_1 = 6 \times 4 \times 3 \times P_b.$$


Бу ерда P_b координатани тасвирлаш учун зарур бўладиган соннинг разряди. Олтига ёқ бу ерда 24 та уч (вершина) билан тасвирланади. Бундай тасвирлашда ортиқалик бор, яъни ҳар бир уч уч мартадан ёзилади. Бу ерда ҳар бир ёқда умумий учлар борлиги хисобга олинмайди.

Иккинчи усул

Бу вариантда саккизта учнинг координаталари такрорланишларсиз сақланади. Улар номерланади (3.5-расм), ҳар бир ёқ учларнинг индекслари рўйхати кўринишида берилади.



3.5-расм. Учларнинг номерланиши



3.6-расм. Ёқлар массивида учларнинг индекслари сақланади

Хотира сарфини баҳолаймиз:

$$\Pi_2 = 8 \times 3 \times P_b + 6 \times 4 \times P_{\text{индекс.}}$$

Бу ерда P_b – учлар координаталари разряди, $P_{\text{индекс}}$ – индекс разряди.


Учинчи усул

Бу усул (адабиётларда чизиқли-боғлама модел деб аташади) иерархияга асосланади: уч, қирра, ёқ.

Хотира сарфини баҳолаймиз:

$$\Pi_2 = 8 \times 3 \times P_b + 12 \times 2 \times P_{\text{инд.учлар}} + 6 \times 4 \times P_{\text{инд.қирра}}$$

Бу ерда P_b – координата разряди, $P_{\text{инд.учлар}}$ ва $P_{\text{инд.қирра}}$ – учлар индекси разряди ва қирралар индекси разряди.



3.7-расм. Чизиқли-түгун модели

Бу учта вариантида хотиралар ҳажмини таққослаш учун маълумотлар разрядини аниқлаб олиш зарур бўлади. Фараз қилайлик координаталар ва индекслар разряди тўрт байтни ташкил этади. Бу координаталар учун бутун тип long (бу типлар C, C++ тилларидан олинган) га мослигини англатади. У холда хотира сарфи байтларда қуидагича бўлади:

$$\Pi_1 = 6 \times 4 \times 3 \times 4 = 288$$

$$\Pi_2 = 8 \times 3 \times 4 + 6 \times 4 \times 4 = 192$$

$$\Pi_3 = 8 \times 3 \times 4 + 12 \times 2 \times 4 + 6 \times 4 \times 4 = 288.$$

Координаталар учун 8 байт (double типи), индекс учун 4 байт ажратилган. У холда:

$$\Pi_1 = 6 \times 4 \times 3 \times 8 = 576$$

$$\Pi_2 = 8 \times 3 \times 8 + 6 \times 4 \times 4 = 288$$

$$\Pi_3 = 8 \times 3 \times 8 + 12 \times 2 \times 4 + 6 \times 4 \times 4 = 384 \text{ бўлади.}$$

Координата разряди индекс учун разрядга нисбатат катта бўлганда иккинчи ва учинчи варианtlар афзалиги юқорироқ бўлади. Бундай холосага куб учун келганлигимизни таъкидлаш лозим. Бошқа тип объектлар учун варианtlар ўртасидаги юқоридаги муносабат бошқача бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маълумотлар тузилмаси қуришнинг қуийдаги варианtlарини ҳисобга олиш зарур: барча объектлар учун ягона массив ишлатилганми ёки ҳар бир объект учун алоҳида массив мўлжалланганми (дастурлашнинг объектга-йўнтирилган стилида ҳар бир объектни алоҳида (класс) синфда саклаш мумкин). Бу эса индекслар учун ҳар хил разрядлар зарурати деганидир.

Энди эса, векторли полигонал моделнинг бу учта ҳар хил кўринишини бошқа аспектларни ҳисобга олган ҳолда таққослаймиз.

Воксель модели

Воксель модели-бу уч ўлчовли растер, 2D тасвир текислигига пикселлар жойлашгани каби, вокселлар берилган ҳажмда уч ўлчовли объектларни ҳосил қиласди (2.2-расм). Воксель – бу ҳажм элементи (voxel-volume element). Биз биламизки, ҳар бир пиксел ўз рангига эга бўлиши керак. Ҳар бир воксель ҳам ўз ранги ва ундан ташқари ёрқинлигига ҳам эга ҳам бўлиши керак. Воксельнинг тўлиқ ёрқинлиги ҳажмнинг мос нуқтаси бўшлигини билдиради.

Ҳажмни моделлаштиришда ҳар бир воксель маълум ўлчамга эга ҳажм элементини ифодалайди. Берилган ҳажмда қанча кўп вокселлар ва бу вокселлар ўлчами киччик бўлса, уч шлчовли объект модели шунча аниқроқ бўлади.



2.2-расм. Пикселлар ва вокселлар

Замонавий компьютер графикаси усули истиқболли усуллардан бири ҳисобланади. Мисол учун, томографияда сканерлашда (computer tomography) объект кесимларининг кесими олинади ва кейинги таҳлилар учун учун ҳажм модели кўринишида улар бирлаштирилади. Воксель усули геологияда, сейсмологияда, компьютер ўйинларида қўлланилади. Вокселлар ҳақиқатда ҳажмий тасвиirlарни ҳосил қилувчи тасвиirlашнинг график қурилмалари учун ишлатилади.

Воксель моделининг ижобий томонлари.


- ✓ мураккаб объектлар ва сценалар етарлича содда тасвирилашга имкон беради; ҳажмий сценаларни акс эттиришнинг содда процедураси;
- ✓ алоҳида объектлар ва умуман сценалар устида топологик амалларнинг содда бажарилишилиги. Мисол учун, кесимларнинг намойиши содда бажарилади-бунинг учун мос вокселларни ёрқинлаштириш(прозрачный) мумкин.

Воксел моделининг камчилиги.

- ✓ Ҳажмий маълумотларини тасвирилаш учун зарурий ахборотлар миқдорининг катталиги. Мисол учун, $256 \times 256 \times 256$ учун катта бўлмаган разрешающую способность, лекин 16 миллиондан ортиқроқ воксел талаб қилинади;
- ✓ Катта хотира сарфи таралиш имконияти ва моделлаштириш имконияти чегаралайди; вокселлар миқдорнинг қўплиги ҳажмий сценада тасвир яратиш тезлигини камайтиради;
- ✓ Ҳар қандай растирда бўлган каби, тасвирни катталаштирганда ёки кичикитирганда муаммо пайдо бўлади. Мисол учун, катталаштирганда тасвирнинг таралиш имконяти пасаяди.

Текис тўр

Бу модель сиртнинг алоҳида нуқталари координаталарни қўйдаги усулда ифодалайди (2.3-расм). Тўрнинг (i,j) индексли ҳар бир тугунига баландикларнинг z_{ij} қиймати ёзиб чиқилади. (i,j) индексга координатанинг (x,y) маълум қиймати мос келади. Тугунлар орасидаги масофа x ўки бўйича dx ва y ўки бўйича dy бир хил бўлади.




2.3-расм. Текис ўлчамли тўр тугунлари

Амалда, бу модель элементларида баландлик қийматлари сақланадиган икки ўлчовли массив, растр, матрица. Ҳар қандай сирт ҳам бу модельда ифодаланавермайди. Агарда ҳар бир тугунда баландликнинг фақат битта қиймати ёзиладиган бўлса, у ҳолда сирт $z = f(x,y)$ бир қийматли функция билан ифодаланади. Бошқача айтганда, бу шундай сиртқи оху текилигидан ўтказилган ҳар қандай вертикал чизиқ сиртни факт бир маротаба кесиб ўтади.

Вертикал ёқларни ҳам моделлаштириб бўлмайди. Такидлаш лозимки, тўр учун фақат декарт координаталаридан фойдаланиш шарт эмас. Мисол учун, шар сиртини бир қийматли функцияда ифодаланиш учун поляр координаталардан фойдаланиш мумкин. Тенг ўлчовли тўр ер сирти рельефини ифодалаш учун кенг ишлатилади.

Тўрнинг чегараси ичидан олинган ихтиёрий нуқта учун баландлик қийматини қандай ҳисоблашни кўрайлик. Унинг координаталари (x, y) бўлсин. z нинг мос қийматини топиш керак. Бундай масалани ечиш z координата қийматларини яқин тугунларда интерполяциялаш ҳисобланади (2.4-расм).



2.4-расм. (x, y, z) координаталар тўрида нуқта

Аввал битта тугуннинг i , ва j индексларини ҳисоблаш зарур.

$$j = \lceil \frac{x - x_0}{dx} \rceil,$$

$$j = \lceil \frac{y - y_0}{dy} \rceil$$

Бу ерда $\lceil a \rceil$ -а нинг бутун қисми, яъни a дан ошмайдиган энг катта бутун сон.

Кейинги қадамда чизиқли интерполяциядан фойдаланамиз. Бунинг учун, аввал A ва B нуқталарда z нинг қийматини топамиз.

$z = \frac{z - z_{i,j}}{z_{i,j+1} - z_{i,j}} = \frac{x - x_j}{x_{j+1} - x_j}$ пропорциядан $x_{j+1} - x_j = dx$ лигини ҳисобига олиб, $z_A = z_{ij} + (x - x_j)(z_{i,j+1} - z_{i,j})/dx$ ни топамиз. Шунга ўхшаш z_B ни топамиз $z_B = z_{i+1,j} + (x - x_j)(z_{i+1,j+1} - z_{i+1,j})/dx$.

Шундан сўнг AB кемани у қийматига пропоционал бўлиб z нинг қийматини топамиз.

$$\frac{z - z_A}{z_B - z_A} = \frac{y - y_i}{dy} \text{ дан } z = z_A + (y - y_i)(z_B - z_A)/dy$$

ни ҳосил қиласиз.

Текис тўрнинг ижобий томонлари.

- ✓ Сиртларни тасвирлашнинг соддалиги;
- ✓ Содда интерполяциялаб сирт ихтиёрий нуқтасининг баландлиги тез билиб олиш имконяти;

Текис тўрнинг камчиликлари.

- ✓ Бир қийматли бўлмаган функцияларга мос келувчи иртлардаги тўрларнинг тугунлари баландликларини моделлаштириб бўлмаслиги;
- ✓ Мурракаб сиртларни ифодалаш учун миқдордаги тугунлар зарур бўлади, бу эса компьютер хотираси ҳажми чегараланганилиги сабабли нокулайликни юзага келтиради;
- ✓ Айрим турдаги сиртларни тасвирилаш бошқа модделларга нисбатан мураккаброқ бўлади. Мисол учун, кўпёкли сиртларни тасвирилашда полигонал моделга қараганда кўплаб ортиқчф қўшимча маълумотлар талаб қилинади.

Нотекс тўр. Изолиниялар

Сиртда ётувчи алоҳида нуқталар $\{(x_0, y_0, z_0), (x_1, y_1, z_1), \dots, (x_{n-1}, y_{n-1}, z_{n-1})\}$ тўплами кўринишида сиртни тасвирилаш моделини нотекис тўр деб атаемиз. Бу нуқталар маълум қурилма ёрдамида бирор бир объект сиртни ўлчаш натижасида аниқланиши мумкин.

Бу моделни юқорида кўрилган айрим моделлар учун умумлашган модел деб ҳисоблаш мумкин. Мисол учун, векторли полигонал модель ва текис тўрни нотекис тўрнинг кўринишларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳар хил кўринишлар компьютер графикаси масалаларини ечишда муҳим аҳамиятига эгалиги сабабли уларни алоҳида кўриб ўтилди. Умуман олганда, сиртларни ифодалаш усулларини синфлаштиришнинг кўпинча вариантлари мавжуд. Сирт моделлари рўйхатини қилганимизда маълум шартлашувни (условность) ҳисобига олиш лозим, моделлар рўйхати кетма-кетлиги бошқачароқ бўлиши мумкин. Мантикий ўзаро ҳеч қандай боғликка эга бўлмаган. Нуқтавий қийматлар тўплами кўринишидаги сирт моделини кўрамиз. Таянч нуқталарнинг нотекис берилиши таянч нуқталар билан устмайст тушмайдиган сиртнинг бошқа нуқталари учун координаталарни аниқлашни қийинлаштиради. Фазовий интерполяциянинг маҳсус усуллари керак бўлади. Мисол учун, қуйдаги масалани кўриш мумкин берилган координаталар (x, y) бўйича z координатанинг қийматини ҳисоблаш. Бунинг учун бир нечта жуда яқин (x, y) проекцияда бу нуқталарнинг ўзаро жойлашишидан келиб чиқиб, z нинг изланаштирилган қиймати ҳисобланади. Юқорида кўрганимиз каби.

Текис тўр учун бу анча содда- қидирув деярли бўлинмайди, биз бирданига жуда яқин таянч нуқталари индексларини ҳисоблаймиз. Яна бир масала- сиртини акс эттириш. Бу масалани бир нечта усул билан ечиш мумкин, шу жумладан триангуляция билан. Триангуляция жараёнини қуидагича тушиниш мумкин (2.5-расм). Авваломбор биринчи бир-бирига жуда яқин учта нуқтани топамиз ва битта текис учбурчак ёқ ҳосил қиласиз. Кегин бу ёққа яқин нуқта топамиз ва унга қўшни ёқ ҳосил қиласиз. Ва ҳокозо, жараённи бирорта ҳам алоҳида нуқта қолмагунича давом этамиз. Бу умумий схема, адабиётларда триангуляциянинг кўпинча турли усуллари келтирилган. Кўп ҳолларда Делоненинг триангуляцияга мурожаат қиласиз.



2.5-расм. Нотекис түр триангуляцияси

Сиртни учбұрчакли ёқлар билан ифодалашни векторлы полигонал моделининг күринишиләридан бири деб ҳисоблаш мүмкін. Инглиз тилидаги адабиётларда унинг учун қуидиган номланиш учрайди: TIN (Triangulated Irregular Network). Триангуляциядан сүнг акс эттириш анча содда бўлган полигонал сиртни ҳосил қиласиз.

Сиртларни ифодалашнинг яна бир варианти-баландликлар изолиниясини қўрайлик. Ҳар қандай изолиния бирор бир қўрсаткичнинг битта сон қийматини қўрсатувчи нуқталаридан ташкил топади ва берилган ҳол учун баландлик қиймати қаралади. Баландлик изолинияларини сиртни горизантал текислик билан кесишдан ҳосил бўлган контур сифатида тасаввур қилишимиз мүмкін (шуниг учун баландлик золиниясида “горизантал” атамаси тез-тез ишлатилади).

Нотекис тўрнинг ижобий қирралари: сиртнинг берилган шакли учун муҳим бўлган алоҳида таянч нуқталаридан фойдаланиш бошқа моделлар билан тақосслаганда ахборотлар ҳажмининг камлиги билан характеристиранади, мисол учун, текис тўр билан; Харитиларда чизмаларда (планда) сирт рельефини изолиниялари орқали кўрсатиш яққолроқ бўлади.

Камчиликлари: Сиртлар устида кўпинча амаллар бажаришининг мураккаблиги ёки имконяти йўқлиги; сиртларни тасвирлашнинг бошқа шаклига айлантириш алгоритимининг мураккаблиги.

Назорат саволлари

1. Сиртнинг қисмларини моделлаштириш.
2. Сирт қисмларининг асосий моделлари.
3. Қисмларнинг оралиқ моделлари.

Адабиётлар ва интернет ресурслари

4. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Uch o`lchovli modellashtirish, Ilm ziyo, Toshkent, 2012.
5. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Rasulbayev M.M. Flash texnologiyalari, Cho`lpon, Toshkent, 2012.
6. J. Lee, B. Ware. Three-dimensional graphics and animation. -2nd ed. - M.Williams, 2002. – 640 p.

3-Мавзу: Ҳажмий тасвиirlарни визуаллаштириш

Режа

1. Каркас модели. Күринмас нұқталарни олиб ташлаш.
2. Ёруғлик тушишини ҳисобга олиб ёқларни буяш.
3. Буяш орқали силлиқ сиртларни имитациялаш.

Таянч иборалар: Каркас модели, күринмас нұқталарни олиб ташлаш, каркасли визуализация, Диффуз қайтиши, Векторлар алгебраси, Нормаларни ва қайтиши бурчакларини ҳисоблаш.

1. Каркас модели. Күринмас нұқталарни олиб ташлаш.

Ихтиёрий объект, шу жумладан ҳажмга эга объект турли ҳил усулларда тавирланиши мүмкін. Бунда объектининг ички тузилишини күрсатиши керак, бошқасида объектнинг ташқи шаклини, учинчисида –реал воқеликнинг имитация қилиш, түртнинчисида-күрүвчининг тасаввурига бирорбир нарсаны бериш керак бўлади. Шартли равишда визуализацияси усулларини тасвир характеристи бўйича мос алгоритмлари мураккаблиги даражаси бўйича қуидаги босқичларига ажратамиз:

1. Каркас (Ип) модели (проволчания);
2. Сиртларни текис ёқли қўпёклар ёки күринмас нұқталари олиб ташланган сплайнлар кўринишида кўрсатиши;
3. Иккинчи босқич каби ва унга қўшимча ёруғлик акси, соя тушиши, ёрқинлик, текстурани имитация қилиш учун объектни бўяш.

Содда каркас модели ҳажига эга объектларни таҳрирлаш жараёнiga кенг қўлланилади. Иккинчи босқич визуализация ҳажмига эга объектларни содда кўрсатиши учун фойдаланилади. Мисол учун, $z=f(x,y)$ функция графиги учун (сирт рельефи кўринишида) кўп ҳолларда тўртнинг барча ёқларини бир хил рангда кўрсатиши етарли, бироқ күринмас нұқталарни олиб ташлаш зарур бўлади. Бу эса каркас тасвирни чиқариш билан таққослагандага мураккаб жараёндир.

Компьютер графикаси учун бирор бир идеалга яқинлашиш, яъни табиий жонни, реал тасвиirlарнинг тўлиқ иллюзиясини яратиш талаби бўйича график чиқариш жараённи мураккаблиги ортиб бормоқда.

Жаҳондаги кўпгина олимлар ва инженерларнинг сайи ҳаракатлари юқоридаги мақсадга эришиш усул ва воситаларни яратишга йўналтирилган. Шу жиҳатдан, компьютер графикасининг табиий билан, хусусан бизни ўраб турган оламни ўрганишга бағишлиланган фанлар билан алоқаси тўлиқ таҳлил килмоқда. Мисол учун, реал тасвирни яратиш учун ёруғлик ва соя, синиш ва (кайтиш) аксланишини ифодаловчи оптика қонунларни ҳисобга олиш зарур. Компьютер графикаси кўпгина фан бўлимлари ва дисциплиналари кесимида жойлашади.

Каркасли визуализация

Каркас одатда түғри чизиқ кесимларидан ташкил топади. Каркасни егри чизиқ асосида ҳам күриш мумкин, хусусан, Безье сплайн эгри чизиги асосида. Чиқариш ойнасида күрсатилган барча ёқлар яқиндагиси каби, узоқдагиси ҳам күринарлы бўлади.

Каркас тасвирини күриш учун халқаро координаталар системасида барча учларининг координаталарнинг билиш керак. Шундан кейин, ҳар бир учнинг координатасини танланган проекцияга мос ҳолда экран координаталарига айлантирилади. Кейинги қадамда учга бирлаштирилган барча қирраларини түғри чизиқ кесмаси (ёки эгри чизик) сифатида экран текислигига чиқариш цикли бажарилади.

Кўринмас нуқталарни олиб ташлаб тасвирлаш(кўрсатиш)

Бу ерда сиртни кўпёклар ёки полигонал қўринишида қараймиз. Кўринмас нуқталарни олиб ташлаш билан тасвирлашнинг қуидаги усуллари мавжуд: ёқларнинг чуқурлиги бўйича саралаш, сузиб юрувчи горизонт усули, Z буфер усули чуқурлиги бўйича саралаш. Бу энг узоқдан энг яқинга тартибида ёқлар полигонларини чизишни билдиради. Бу усул универсал ҳисобланмайди, яъни айрим ҳолларда қайси ёқ яқиндалигини аниқ ажритиб бўлмайди. Бу усулнинг тахрирлангани ҳам мавжидки, унинг ёрдамида юқоридаги тасвир ёқларин аниқ чизиш мумкин бўдади. Чуқурлиги бўйича саралаш усули $z=f(x,y)$ функция билан берилган сиртларни тасвирлаш учун самарали ҳисобланади.

Сузиб юрувчи горизонт усули. Юқоридаги усулдан фарқли ҳолда бу усулда ёвлар яқиндагидан узоқдагига кетма-кетлигига чиқарилади. Ҳар бир қадамда ёқларнинг чегаралари иккита синиқ чизиқ хосил қиласи-юқоридаги горизонт ва қуий горизонт. Ҳар бир янги ёвни чиқариш вақтида фақатгина юқорига горизонтдан.


Тепадагилари ва қуий горизонтдан пастдагилари яизилади. Мос ҳолда, ҳар бир янги ёқ юқориги горизонтни кўтаради, пастки горизонтни туширади. Бу усул $z=f(x, y)$ функция билан ифодаланувчи сиртларни кўрсатиш учун кўп кўлланилади.

Z-буфер усули. Бу усул растрнинг ҳар бир пиксели учун Z координаталар сақланадиган қўшимча массив, хотира буферидан фойдаланишга асосланади. Z координаталар фазовий обьект нуқталардан бўлган масофани белгилайди. Мисол учун, агарда z экран текислигига порпендикуляр бўлса, (x у z) экран координаталар системасида у z экран координатаси бўлиши мумкин.

Бу усулга кўра обьектлари чизиш алгоритмини кўрайлик. Фазо нуқтаси проекция текислигига қанчалик яқин бўлса, z нинг қиймати шунчалик катта бўлсин. У ҳолда z- буфер минимал қийматлар билан тўлдирилади.

Кейин барча обьектларни чиқариш бошланади. Бу ерда обьектларни чиқариш кетма-кетлиги тартиби ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ҳар бир обьект учун унинг барча пикселлари ихтиёрий тартибида чиқарилади. Ҳар бир пикселни унинг (x, y) координатаси бўйича чиқариш вақтида z нинг жорий қиймати топиади. Агар чизилаётган пиксел z-буфердагига нисбатан катта z

қийматига эга бўлса, бу нуқта объектга яқинроқ эканлигидан далолатдир. Бу ҳолда пиксел ҳақиқатда чизилади, унинг z-координатаси буферга ёзилади. Шундай қилиб, барча пикселлар чизилгандан сўнг растр тасвирининг барча объектлари объектнинг энг катта z координата қийматларига мос пикселлардан ташкил топади, яъни кўринадиган бизга яқин нуқталардан ташкил топади.



3.1-расм Ёруғликнинг ойнавий акси

Сирт жуда ойнадек силлиқ ҳисобланади, агарда унга ҳеч қандай нотекисликлар, ғадир-будурликлар бўлмаса. Бундай сиртларда хусусий ранглар кузатилмайди. Тушувчи нур ёруғлик энергияси фақат қайтувчи нур чизиги бўйлаб аксланади. Бу чизикдан ташқарига ҳеч қандай ёйилиш бўлмайди. Табиатдан жуда силлиқ сирт бўлмайди, шунинг учун агарда ғадир-будурликлар чуқирлиги нурланиш тўлқини узунлигидан етарлича кичик бўлса, у ҳолда тарқалиш кузатилмайди. Кўринувчи спектлар учун, ойна сирти ғадир-будурлиги чуқурлигини жуда кичик 0,5 мкм деб қабул қилиш мумкин.

Агар ойна сирти жуда текис бўлмаса, у ҳолда қайтувчи ёруғлик интенсивлиги тўлқин узунлигига боғлиқлиги қузатилади - тўлқин узунлигига қанча катта бўлса, акс шунча яхши бўлади. Мисол учун, қизил нурлар кўк нурга нисбтан кучлироқ аксланади. Ғадир-будурликлар бўлганда, қайтувчи ёруғлик интенсивлигининг тушуш бурчагига боғлиқлиги мавжуд бўлади. 90 градусга яқин θ бурчаклар учун ёруғлик қайтиши масимал бўлади.

Реал ойнанинг енгил ғадир-будур сиртига тушган нур битта эмас, балки турли йўналишлар тарқалган бир нечта қайтувчи нурларни ҳосил қиласди. Тарқалиш соҳаси текисланиш ифатига боғлиқ ва бирор-бир тақсимлашни қонуняти билан ифодаланиши мумкин. Тарқалиш соҳаси шакли жуда ойнадек қайтган нур чизигига нисбатан симметрик бўлади. Содда ва етарлича кўп ишлатиладиган моделларга Фанга тақсимоти эмперлик модели киради. Бу моделга кўра ойнали акс нурланиши интенсивлиги $(\cos\alpha)^P$ га пропорционал бўлади ва бу ерда α - идеал акс нури чизигиан оғиш бурчаги. Р кўрсаткич силлиқ лилик даражасига боғлиқ ҳода 1 дан 200 гача оралиқдан топилади. Уни қўйдагича ёзамиз:


$$I_s = I \cdot K_s \cdot \cos^p \alpha$$

Бу ерда I - манба нурланиши интенсивлиги,

K_s - пропорционналлик коэффициенти.

Диффуз қайтиши. Бу кўринишдаги қайтиши жилосиз сиртларга хосдир. Жилосиз деб шундай сиртга айтиладики, унда содир будурлилик

үлчамлари шунчалик каттаки, тушувчи нур ҳамма томонга текис тарқалади. Бундай тоифали қайтиши, мисол учун, гипс, қум, қофозучун ҳосдир. Диффуз қайтиши Lambert қонуни билан ифодаланади. Бунга кўра, қайтувчи ёруғлик интенсивлиги сирт нормали ва ёруғлик нуқтавий манбай йўналиши орасидаги бурчак косинусига пропорционал бўлади (3.2-расм).



3.2- расм. Жилосиз сирт

$$I_d = I \cdot K_d \cdot \cos\theta$$

Бу ерда I - ёруғлик манбай интенсивлиги, K_d - сирт материали хоссанини ҳисобига оловчи коэффициент. K_s қиймат о дан 1 гача оралиқдантопилади. Қайтувчи ёруғлик интенсивлиги кузатувчи жойлашувига боғлиқ бўлмади.

Жилосиз сирт ўз рангига эга. Жилосиз сиртдан кузатилаётган ранг сиртнинг ўз ранги ва ёруғлик манбай нурланиши ранги комбинацияси билан аниқланади.

Реал тасвирини яратишда табиатдан идеал силлиқ ёки идеал жилосиз сирт мавжуд эмаслигини ҳисобга олиш лозим. Компьютер графикаси воситасида объектларни тасвирлашда одатда аниқ материал учун характерли бўлга силлиқлик ва диффуз тарқалиш мутаносиблиги уйғунлиги моделлаширади. Бу ҳолатда қайтиш модел диффуз ва силлиқлик компьютерларни йиғиндиси кўринишида ёзилади:

$$I_{otp} = I(K_d \cdot \cos\theta + K_s \cdot \cos_\alpha^p)$$

Бу ерда K_d, K_s -ўзгармаслар материалнинг қайтарувчанлик хусусиятини белгилайди. Ушбу формулага кўра айрим θ ва α бурчаклар учун қайтувчи ёруғлик интенсивлиги нолга текнг бўлади. Асилида, реал ҳолатда тўлиқ қорайтирилган объектлар йўқ фан рангини, бошқа объектлардан қайтувчи тарқалган ёруғлик ёритишнин ҳисобга олалиш лозим. Бу ҳолатда интенсивлик қўйидаги формулада эмтерик ифодаланади:

$$I_{otp} = I_\alpha K_\alpha + I(K_d) \cdot \cos\theta + K_s \cdot \cos_\alpha^p$$

Бу ерда I_α – тарқалувчи ёруғлик интенсивлиги, K_α -ўзгармас.

Қайтиш моделини яна такомиллаштириши мумкин бўлади, агарда ёруғликнинг нуқтавий манбай энергияси масофа квадратига пропорционал камайишини ҳисобга олинса. Бу қоидадан фоидаланиш айрим мураккабликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун амалиётда қўйидаги эмтерикформулада ифодаланувчи модел ишлатилади:

$$I_{otp} = I_\alpha \cdot K_\alpha + \frac{I}{R \cdot K} (K_d \cdot \cos\theta + K_s \cos_\alpha^p)$$

Бу ерда R – проекция марказидан сиртгача бўлган масофа, к-ўзгармас.

Берилган модел мос ҳолда объект нуқталарини бўяш ранги қандай

аниқланади? Кулиранг рангининг градациясида ҳисоблаш ишлари анча содда бажарилади. (Мисол учун, кулранг объектлар ва оқ рангли ёруғлик манбалари учун).

Бу ҳолда учун қайтувчи ёруғлик интенсивлиги ёрқинликка мос келади. Ранги сиртларини ёрутувчи ёруғликнинг рангли манбалари билан иш анча мураккаб бўлади. Мисол учун ($R C B$ модели учун) Ҳар хил ранг компоненталари учун қайтувчи ёруғлик интенсивлигини ҳисоблашнинг $R G B$ модели учун учта формуласи тузилади. K_α ва K_d коэффициентлар ҳар хил компоненталар учун ҳар хил бўлади-улар сиртнингўз рангини ифодалайди. Силлик (зеркальный) нур қайтишиниг ранги ёруғлик манбай рангига тен бўлса, у ҳолда K_s коэффициент ранг модельнинг барча компоненталари учун бир хил бўлади. Ёруғлик манбай ранги мос ранг компонентаси учун I интенсивлик қийматларида ифодаланади.


Векторлар алгебраси

Бу ерда мавзудан бироз чекиниш ўринлидир. Векторлар алгебраси элементларини кўрамиз. Вектор деб фазонинг қандайдир А ва В нуқталарини бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмасига айтилади. Вектор йўналишибошланғич А нуқта охирги В нуқтага қараб йўналади. R радиуси вектор-бу бошланғич нуқтаси координаталар бошида бўлган вектордир. Радиус вектор координаталари векторнинг охирги нуқтаси координаталари бўлади. Радиус вектор узунлиги модул деб ҳам аталади, $|R|$ каби белгиланади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$|R| = \sqrt{X_R^2 + Y_R^2 + Z_R^2}.$$

Бирлик вектор –бу узунлиги бирга teng бўлган вектор. Векторлар устундаги асосий амалларини санаб ўтайлик.

1. B ни сонга кўпайтириш $\vec{v} = \vec{v} \cdot \alpha$ натижа \vec{x} вектор бўлиб, унинг узунлиги $|\vec{v}|$ вектор узунлигига α март катта бўлади. Агарда α мусбат бўлса, γ ҳолда \vec{x} ва \vec{v} йўналишлари устма-уст тушади. $\alpha < 0$ бўлганда \vec{x} вектор \vec{v} векторга тескари йўналишда бўлади. Агарда \vec{v} радиус вектор бўлса, γ ҳолда натижавий векторнинг координаталари $(\alpha \cdot x_v, \alpha y_v, \alpha z_v)$ бўлади. Яни \vec{v} векторнинг ҳар бир координатаси α сонига кўпайтирилади.



3.3-расм. Векторларни қўшиш

2. Векторнинг қўшиш $\vec{c} = \vec{a} + \vec{b}$ Кўиш натижасида ҳосил бўлган

вектор – бу томонлари \vec{A} ва \vec{B} вектордан ҳосил қилинган параллелораси диогонасларидан бири билан мос тушувчи вектордир.

Барча учта вектор битта текислиқда ётади. \vec{A} ва \vec{B} радиус вектор бўлганда натижавий вектор координаталари қуидагича аниқланади:

$$x_c = x_A + x_B$$

$$y_c = y_A + y_B$$

$$z_c = z_A + z_B$$


Икки вектор айрилмасини $\vec{C} = \vec{A} - \vec{B}$ қўшилиш амали оралиқ

$\vec{C} = \vec{A} + (-\vec{B})$ аниқлаш мумкин. Айирма вектор 3.4-расмда тасвиirlанган параллелограмнинг бошқа диагоналига мос тушади. Радиус векторлар айрмаси бўлганда қуидагича бўлади:

$$x_c = x_A + x_B$$

$$y_c = y_A + y_B$$

$$z_c = z_A + z_B$$



3.4-расм. Векторларни айриш

3. Векторларнинг скаляр қўпайтмаси $c = \vec{A} * \vec{B}$

Скаляр қўпайтириш амали натижасида икки вектор узунликлари ва улар орасидаги бурчак косинус қўпайтмаларга teng (скаляр) сон ҳосил бўлади:

$$c = \vec{A} * \vec{B} = |A| * |B| * \cos \varphi$$

Агарда \vec{A} ва \vec{B} векторлар радиус векторлар бўлса, у ҳолда натижани қуидагича ҳисоблаш мумкин:

$$c = \vec{A} * \vec{B} = x_A * x_B + y_A * y_B + z_A * z_B$$

4. Векторларнинг вектор қўпайтмаси $\vec{C} = \vec{A} \times \vec{B}$

A ва B вектор қўпайтириш натижасида томонлари \vec{A} ва \vec{B} векторларга қурилган параллелограм текислигига перпендикуляр бўлган вектор ҳосил бўлади, бу векторнинг узунлиги параллелограм юзасига teng. 4.33 расмдаги каби.


$$|\vec{C}| = |A| * |B| * \sin \varphi$$

\vec{A} ва \vec{B} векторлар радиус векторлар бўлса, натижавий \vec{C} векторнинг координаталари қуидагича ҳисобланади:

$$x_C = y_A * z_B - z_A * y_B$$

$$y_C = z_A * x_B - x_A * z_B$$

$$z_C = x_A * y_B - y_A * x_B$$



3.5-расм. Вектор кўпайтма.

$\vec{A} \times \vec{B} = -\vec{B} \times \vec{A}$ бўлишлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бошқача айтганда, кўпайтувчилар тартиби натижавий вектор йўналишини белгилайди. Бунга юқоридаги координаталар формуласида \vec{A} ва \vec{B} векторлар координатарининг ўрнини алмаштириш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бундан ташқари, $\vec{A} \times \vec{B}$ амал натижасидаги векторнинг йўналиши координаталар ўқининг олинишига ҳам боғлиқ бўлади (3.5-расмда ўнг координаталар системаси келтирилган).

у ўқини x , x ўқини y деб атаб (чап координаталар системасини ҳосил қилиш мумкин) ва \vec{A} ва \vec{B} векторларнинг вектор кўпайтмаси формуласида x ва y координаталар ўринларини мос равища алмаштириб олайлик. Координаталарни бу каби алмаштиришда \vec{C} вектор қарама-қарши йўналишда бўлади.

Нормаларни ва қайтиши бурчакларини ҳисоблаш

Нормал вектор координатарини ҳисоблаш. Ёруғликнинг қайтиш моделини кўриб, сирт норомали унинг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Сиртнинг берилган нуқтадаги нормал векторни аниклаш ҳар хил усулларда бажалиши мумкин. Қайсиdir маънода бу сиртни ифодалаш модели типини белгилайди. Аналитик шаклда берилган сирт учун функция ҳусусий ҳосилаларини ҳисоблашга асосланган дифференциал геометрия усуллари маълум. Мисол учун, агарда сирт параметрик функцияларда берилган бўлса,

$$\begin{aligned} x &= x(s, t) \\ y &= y(s, t) \\ z &= z(s, t) \end{aligned}$$


у ҳолда, нормал вектор координатарини қўйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$X_N = \begin{vmatrix} \frac{\partial y}{\partial s} & \frac{\partial z}{\partial s} \\ \frac{\partial y}{\partial t} & \frac{\partial z}{\partial t} \end{vmatrix} = \frac{\partial z}{\partial s} * \frac{\partial z}{\partial t} - \frac{\partial y}{\partial t} * \frac{\partial z}{\partial s}$$


$$Y_N = \begin{vmatrix} \frac{\partial z}{\partial s} & \frac{\partial x}{\partial s} \\ \frac{\partial x}{\partial t} & \frac{\partial x}{\partial t} \end{vmatrix} = \frac{\partial z}{\partial s} * \frac{\partial x}{\partial t} - \frac{\partial z}{\partial t} * \frac{\partial x}{\partial s}$$

$$Z_N = \begin{vmatrix} \frac{\partial x}{\partial s} & \frac{\partial y}{\partial s} \\ \frac{\partial x}{\partial t} & \frac{\partial y}{\partial t} \end{vmatrix} = \frac{\partial x}{\partial s} * \frac{\partial y}{\partial t} - \frac{\partial x}{\partial t} * \frac{\partial y}{\partial s}$$

Сирт вектор-полигонал моделда ифодаланганда нормални аниқлаш учун вектор алгебраси усулларидан фойдаланиш мумкин.



3.6-расм. Сиртнинг бир ёғи.



3.7-расм. Радиус-векторлар.

2. Ёргалик тушишини ҳисобга олиб ёқларни буяш.

Фазода бирор-бир кўпёкли сирт берилган бўлсин. Унинг уч бурчак кўринишидаги текис ёқларидан бирини кўрайлик (3.6-расм). Нормал вектор координаталарини ҳисоблаш учун бу ёқ текислигига ётган ихтиёрий иккита векторнинг вектор кўпайтмасидан фойдаланамиз. Бундай вектор сифатида ёқнинг қирраларидан фойдаланамиз, мисол учун 1-2 ва 1-3 қирралар. Бироқ, вектор кўпайтма учун формулани радиус векторлар учун келтирган эдик. Радиус-векторга ўтиш учун координата маркази 1-учга тушувчи ва олдинги система ўқларига параллел бўлган янги координаталар системасига ўтилади. Учларнинг янги системадаги координаталари қуийдагича бўлади:

$$\begin{aligned}x'_i &= x_i - x_1 \\y'_i &= y_i - y_1 \\z'_i &= z_i - z_1\end{aligned}$$

3.7-расмда келтирилганидек, (1-2) қиррани \vec{A} вектор, (1-3) қиррани \vec{B} вектор деб атаемиз. Шундай қилиб, фазода ёқнинг нормал ҳолати \vec{N} радиус-вектор билан ифодаланади. Унинг (x', y', z') системадаги координаталарини вектор кўпайтмалар учун формуласаларда ифодалаймиз:

$$\begin{aligned}X'_N &= (y_2 - y_1)(z_3 - z_1) - (z_2 - z_1)(y_3 - y_1) \\Y'_N &= (z_2 - z_1)(x_3 - x_1) - (x_2 - x_1)(z_3 - z_1) \\Z'_N &= (x_2 - x_1)(y_3 - y_1) - (y_2 - y_1)(x_3 - x_1)\end{aligned}$$

бу ерда ёқлар учларининг кўчиришгача бўлган координаталаридан фойдаланилган.

Текис ёқ ҳар хил ёндашувларда тасвирланиши мумкин. Ҳар бир ҳолат учун ёқнинг кўринадиган томонига мос нормал йўналишини танлаш зарур бўлади. Агарда текис ёқ тескари томондан кўринадиган бўлса, у ҳолда қайтувчи нур ҳисобида нормал сифатида тескари векторни, яъни $(-\vec{N})$ ни танлаш лозим. Агарда полигонал сирт учбурчак ёқ бўлмаса, мисол учун, текис тўртбурчак бўлсин, у ҳолда нормал ҳисоби ёқнинг ихтиёрий учта уни бўйлаб амалга оширилиши мумкин.

Диффузли қайтиш. Ёруғлик манбаи йўналиши ва нормал вектори орисидаги бурчак косинусини аниқлайлик.

Биринчи мисол (энг содда мисол). Ёруғлик манбаи z ўқидаги чексизликдаги нуқтага жойлаштирилади. Агарда кўринарли координаталар системаси учун ҳисоб амалга оширилса, у ҳолда бу ёруғлик манбаи камера билан битта ўқда жойлаштирилганлигини билдиради. z ўқи билан ёқнинг нормали орасидаги бурчак косинуси радиус-векторининг z координатасини радиус-вектор узунлигига нисбатига teng.

$$\cos \theta = \frac{Z_N}{|N|} = \frac{Z_N}{\sqrt{X_N^2 + Y_N^2 + Z_N^2}}$$

Иккинчи мисол. Ёруғлик манбаи чексизликда жойлашган ва у z ўқида ётмайди. Бу ҳол учун ёруғлик манбаига йўналиш бериш усули муҳим ҳисобланади. Агарда ёруғлик манбаи жойлашувини камералардаги кабииккита (α_c ва β_c) бурчакда ифодаланса, у ҳолда координаталарни шундай буриш мумкинки, z ўқи ёруғлик манбаига йўналади ва биринчи мисол учун келтирилган фолмулани қўллаш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, нормал вектор координаталарини алмаштириш зарур. Бу ерда буришда вектор ўзгармаслигидан фойдаланилади, шунинг учун Z_N нинг координатасини бурилган координаталар системасида ҳисоблаш етарлидир.

Агарда ёруғлик манбаининг жойлашуви ёруғлик манбаига йўналтирилган вектор билан ифодаланса, у ҳолда нормал вектор билан бурчак косинусини қўйидагича ҳисоблаш мумкин. Аввал ёруғлик манбаига

йўналган радиус-векторни аниқлаш зарур. Уни \vec{S} каби белгилаймиз. Кейин, \vec{S} ва \vec{N} радиус-векторлар орасидаги бурчак косинусини ҳисоблаш учун векторларни скаляр кўпайтириш формуласидан фойдаланамиз.

Шундай қилиб, $\vec{S} * \vec{N} = |\vec{S}| * |\vec{N}| * \cos \theta$ ҳамда

$$\vec{S} * \vec{N} = x_S * x_N + y_S * y_N + z_S * z_N$$

куйидагини оламиз:

$$\cos \theta = \frac{x_S * x_N + y_S * y_N + z_S * z_N}{|\vec{S}| * |\vec{N}|}$$

Кўриниб турибдики, ҳисоблашларни соддалаштириш учун бирлик узунликдаги \vec{S} вектордан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни $|\vec{S}| = 1$.

Учинчи мисол. Ёруғлик манбаи фазонинг (x_c, y_c, z_c) координатали чекли нуқтасига жойлаштирилади. Нормал билан ташкил қилган бурчак косинусини аниқлаш учун ёруғлик манбаи координатаси шундай кўчириладики, сирт нуқтасидаги нормал вектор ва ёруғлик манбаига йўналтирилган вектор битта умумий марказдан чиқсин. Юқорида уч бурчакли ёқга нормал радиус-векторини координатларни $(-x_1, -y_1, -z_1)$ га кўчириш (параллел кўчириш) йўли орқали қуриш кўрилган эди. Ёруғлик манбаига йўналган ва ҳисоблашлар учун ишлатиш мумкин бўлган радиус-вектор $(x_c - x_1, y_c - y_1, z_c - z_1)$ координаталарга эга. Кейин, қидирилаётган бурчак косинусини, олдинги мисолдаги каби, скаляр кўпайтма орқали ҳисоблаш мумкин.

Силлиқ қайтиш. Ёруғлик манбаига йўналтирилган \vec{S} радиус-вектори берилган ҳамда \vec{N} нормал радиус-вектори ҳам маълум деб ҳисоблайлик. Қайтувчи нур ва камера йўналиши орасидаги бурчак косинусини топиш талаб қилинади. Аввал қайтувчи нур радиус-векторини ҳисоблаш зарур.


Уни \vec{R} деб белгилаймиз 4.36-расмда кўрсатилгани каби қатор геометрик ясашлар бажарилади.

Юқоридаги масалани ечиш учун аввал \vec{R}_1, \vec{S}_1 ва \vec{N}_1 бирлик векторларини кўрамиз. Тушувчи ва қайтувчи нурлар нормаллари бир текисликда ётишлигидан $\vec{R}_1 + \vec{S}_1 = \vec{N}'$ ни ёзиш мумкин, бу ерда \vec{N}' ромб диогоналига мос ва йўналиши нормал билан устма-уст тушувчи вектордир. \vec{N}' векторнинг узунлиги $2 * \cos \theta$ га teng. \vec{N}' вектор йўналиши \vec{N}' билан мос тушганлигидан

$$\vec{N}' = \vec{N}_1 * 2 \cos \theta$$

ёки

$$\vec{R}_1 + \vec{N}_1 = \vec{N}_1 * 2 \cos \theta$$



3.8-расм. Бирлик зунликтаги $\vec{R}_1, \vec{S}_1, \vec{N}_1$.

Бундан қайтувчи нурнинг бирлик векторини топамиз:

$$\vec{R}_1 = \vec{N}_1 * 2 \cos \theta - \vec{S}_1 = \frac{\vec{N}}{|\vec{N}|} * 2 \cos \theta - \frac{\vec{S}}{|\vec{S}|}$$

$\cos \theta$ ни топамиз. \vec{N} ва \vec{S} векторларнинг скаляр кўпайтмасидан фойдаланиб буни амалга ошириш мумкин.

$$\cos \theta = \frac{\vec{N} * \vec{S}}{|\vec{S}| |\vec{N}|}$$

Бу топилган қийматни \vec{R}_1 учун ифодага қўямиз:

$$\vec{R}_1 = \vec{N} * 2 \frac{\vec{N} * \vec{S}}{|\vec{N}|^2 |\vec{S}|} - \frac{\vec{S}}{|\vec{S}|}$$

Қидирилаётган қайтувчи нур вектори узунлиги тушувчи нур вектори узунлиги билан бир хил деб фараз қилсак, яъни $\vec{R} = |\vec{S}| \vec{R}_1$ десак, қуидагини оламиз.

$$\vec{R} = \vec{N} * 2 \frac{\vec{N} * \vec{S}}{|\vec{N}|^2} - \vec{S}$$

Бу вектор шаклидаги ечим. \vec{R} векторнинг координаталарини ёзамиз.

$$X_R = 2x_N = \frac{x_N * x_S + y_N * y_S + z_N * z_S}{x_N^2 + y_N^2 + z_N^2} - x_S$$

$$Y_R = 2y_N = \frac{x_N * x_S + y_N * y_S + z_N * z_S}{x_N^2 + y_N^2 + z_N^2} - y_S$$

$$Z_R = 2z_N = \frac{x_N * x_S + y_N * y_S + z_N * z_S}{x_N^2 + y_N^2 + z_N^2} - z_S.$$

Энди камера йўналиши ва қайтувчи нур орасидаги бурчак косинусини

топиш қолди. Камера йўналган радиус-векторни \vec{K} билан белгилаймиз. \vec{K} ва \vec{R} векторларнинг скаляр кўпайтмасидан фойдаланиб, изланаётган бурчак косинусини топамиз:

$$\cos \alpha = \frac{\vec{K} * \vec{R}}{|\vec{K}| * |\vec{R}|} = \frac{x_K * x_R + y_K * y_R + z_K * z_R}{\sqrt{x_K^2 + y_K^2 + z_K^2} * \sqrt{x_R^2 + y_R^2 + z_R^2}}$$

Кўриниб турибдики, ҳисолашларни соддалаштириш учун \vec{S}, \vec{N} ва \vec{K} векторларни бирлик узунликда бериш мақсадга мувофиқ бўлади (шунда \vec{R} вектор ҳам бирлик бўлади).

3. Буяши орқали силлиқ сиртларни имитациялаши.

Гуро усули

Бу усул текис ёқли полигонал тўр ёки кўпёқликлар кўринишада тасвиirlанган силлиқ эгри чизиқли сиртни иллюзиясини яратиш учун мўлжалланган. Агар ҳар бир текис ёқ акс ҳисобга олган ҳолда аниқланган битта доимий рангга эга бўлса, у ҳолда қўшни ёқларнинг ҳар хил ранглари жуда сезиларли бўлади ва сирт айнан кўпёқ каби кўринади. Бу нуқсонни сиртни аппроксимациялашда ёқлар сонини кўпайтириш орқали беркитиш мумкиндек кўринади.

Бироқ инсон кўриши қўшни ёқлар чегарасида ёрқинликлар кўтарилиб тушишини (перепады) фарқлаш (подчеркивать) ҳисиятига эга, бундай эффект Махнинг йўлак (полос) эффекти деб аталади. Шунинг учун силлиқлик иллюзиясини яратиш учун ёқлар сонини анчагина ошириш лозим, бу эса визуаллаштиришни сезиларли даражада секинлаштиришга олиб келади. Ёқлар қанча кўп бўлса, объектни чизиш тезлиги шунча секин бўлади.

Гуро усули ҳар бир текис ёқни бир хил ранг билан эмас, балки қўшни ёқлар рангларини интерполяциялаш йўли билан ҳисобланувчи силлиқ ўзгарувчи ранглар жилосида бўяш ғоясига асосланади.

Гуро усулида ёқларни бўяш тўрт босқичда амалга оширилади.


* Ҳар бир ёқнинг нормали ҳисобланади.

* Учлардаги нормаллар аниқланади.

Учнинг нормали қўшни ёқлар нормаллари ўртачаси билан аниқланади (3.9-расм).

* Учларнинг нормаллари асосида ёруғлик қайтишининг танланган моделига мос ҳолда учлардаги интенсивлик қиймати ҳисобланади.

* Ёқларнинг полигонлари учлардаги интенсивлик қийматининг чизиқли интерполяциясига мос рангда бўялади.




3.9-расм. Учнинг нормали

(а) унинг нормал вектори қуйидагига тенг:

$$\vec{N}_a = (\vec{N}_1 + \vec{N}_2 + \vec{N}_3)/3$$

Ёқнинг ҳар бир нуқтасида (демак, ҳар бир пиксел ранги) қайтувчи нур интенсивлиги интерполяцияланган қийматини аниқлашни полигонни тўлдириш цикли жараёнида бажариш қулай бўлади. Экран координатасида ёқлар контурини горизонталлар билан тўлдиришни кўриб чиқайлик (3.10-расм).



3.10-расм. Ёқлар контурини тўлдириш

(x, y) нуқтага интерполяцияланган интенсивлик I қуйидаги пропорциядан аниқланади:

$$(I - I_1)/(x - x_1) = (I_2 - I_1)/(x_2 - x_1).$$

Бундан $I = I_1 + (I_2 - I_1)(x - x_1)/(x_2 - x_1)$.

Горизонтал кесма учларида I_1 ва I_2 интенсивлик қийматлари ёқнинг учлари интенсивлиги интерполяцияларида ифодаланади:

$$\begin{aligned} (I_1 - I_b)/(Y - Y_b) &= (I_c - I_b)/(Y_c - Y_b) \\ (I_2 - I_b)/(Y - Y_b) &= (I_a - I_b)/(Y_a - Y_b) \end{aligned}$$

ёки

$$\begin{aligned} I_1 &= I_b + (I_c - I_b)(Y - Y_b)/(Y_c - Y_b) \\ I_2 &= I_b + (I_a - I_b)(Y - Y_b)/(Y_a - Y_b). \end{aligned}$$

Фонг усули

Фонга усули Гуро усулига ўхшайди, бироқ Фонга усулидан фойдаланишда рангни аниқлаш учун ҳар бир нуқтада қайтувчи нур

интенсивлиги эмас, нормал векторлари интерполяцияланади.


* Ёқларнинг нормаллари аниқланади.

* Ёқларнинг нормаллари бўйича учларнинг нормаллари аниқланади.

Бўялаётган ёқнинг ҳар бир нуқтасида интерполяцияланган нормал вектори аниқланади.

* Нормал векторлари бўйича ёруғлик қайтишини танланган моделига мос ҳолда ёқнинг нуқталари ранги аниқланади.

Ёқнинг ҳар бир нуқтаси нормал векторини қандай олишни кўрамиз. Интерполяциялаш учун проекциялаш текислиги координаталари марказидан чиқувчи ва a, b ва c учларнинг мос $\vec{N}_a, \vec{N}_b, \vec{N}_c$ нормалларига параллел бўлган $\vec{N}'_a, \vec{N}'_b, \vec{N}'_c$ векторларга таянамиз (3.11-расм).



3.11-расм. Нормал векторларни интерполяциялаш

Назорат саволлари

- Сиртларни тасвирлаш моделларини алмаштириш.
- Каркасли визуализация. Z-буфер усули.
- Векторлар алгебраси. Бирлик вектор.

Адабиётлар ва интернет ресурслари

- Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Uch o`lchovli modellashtirish, Ilm ziyo, Toshkent, 2012.
- Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Rasulbayev M.M. Flash texnologiyalari, Cho`lpon, Toshkent, 2012.
- J. Lee, B. Ware. Three-dimensional graphics and animation. -2nd ed. - M.Williams, 2002. – 640 p.

4-Мавзу: Махсус эфектларни моделлаштириш

Режа

1. Портлаш эфекти.
2. Зарраларнинг ҳар хил эфектлари.

Таянч иборалар: Анимацион эффектлар, персонажлар анимациясин, портлаш эффекти, зарралар тизими, процедурали моделлашириши, Хаос ва тасодиғий функциялар, функционал әгри чизиклар.

1. Портлаш эффекти

Анимацион эффектларни яратиш учун аниқ ишлаб чиқилған қоидалар мавжуд әмас. Анимацион эффект яратувчилардан вақт, сабр, кузатувчанлик, ва яхшигина эстетик дид талаб қилинади. Келтирилған факторлардан бирортасининг етишмаслигини чукур назарий билим бадалига қоплаш мүмкін бўлади. Персонажлар анимациясини яратувчилар учун анъанавий тасвирий санъат асосларини билиш талаб қилинади, рақамли эффектлар билан шуғулланадиганлардин техник тажриба ва чукур математик билим, хусусан компьютер графикасининг математик асосларини билиш талаб қилинади. Математик билимлар – муваффақиятли ишнинг зарурий шартидир.

Зарралар тизими

Зарралар тизими биринчи марта 1983 йилда Тив томонидан булутлар, олов каби ноаниқ шаклдаги объектларни моделлашириш учун киритилган. Одатда, зарралар тизими – бу аниматор тафаккурида пайдо бўладиган, яшайдиган ва маълум вақтдан сўнг йўқоладиган (умри тугайдиган) элементлар тўпламидан ташкил топган объектдир. Ўз навбатида зарралар ҳам бошқа зарраларни ҳосил қилиши, умр кўриш вақтига боғлиқ ҳолда янги хоссаларни олиши ва берилган траектория бўйлаб ҳаракатланиши мүмкін. Шундай қилиб, зарранинг ранги, шаффофлиги, ўлчами ва ҳолати ўзгаришини назорат қилиб, математик функциялар ёрдамида ҳар хил визуал эффектларни олиш мүмкін.

Ўзига ҳос зарралар тизими элементлари қуйидаги параметрларга эга:

- ўрни, вазияти;
- тезлиги;
- ўлчами;
- ранги;
- шаффофлиги;
- шакли;
- яшаш муддати.

Замонавий график тизимлар имкониятлари нафақат санаб ўтилган параметрларни, балки ундан кўпроғини назорат қилиш имконига эга. Бундан ташқари улар олдиндан ўрнатилған эффектларга ҳам, мисол учун, Fire (олов), Flow (оким), Smoke (тутун) ва бошқаларга эга. Буларни қўллашнинг соддалигига қарамасдан дизайнер ва аниматордан маҳсус эффектлар яратишга имкон берувчи компьютер графикасининг асосий тамойилларини чукур тушиниш талаб қилинади.

Қуйида анъанавий геометрик ва зарралар усулларининг қиёсий таҳлили келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал

Тасвираш усули	Афзалиги	Камчилиги
Зарралар тизими	<p>Процедура ёрдамида ҳолатни бошқариш</p> <p>Катта ҳажмли элементлар тўпламини содда моделлаштириш</p> <p>Зарраларни осонлик билан геометрик обьектга айлантириш ва бу орқали бирор бир элементлар груухи анимациясини ҳосил қилиш, мисол учун күшлар галасини</p>	<p>Катта ҳажмли ҳисоблашлар</p> <p>Визуал назоратнинг чегараланганлиги, чунки фактик натижани баҳолаш учун рендерлаш талаб қилинади</p>
Геометрик обьектлар	<p>Объект шакли бўйича бевосита манипуляция қилиш</p> <p>Фойдаланувчи томонидан юқори даражали назорат</p>	<p>Катта ҳажмли обьектлар тўплами билан ишлаб бўлмаслиги, мисол учун, минглаб майсаларни яратиш</p> <p>Олов ёки тутун каби шакли ноаниқ обьектларни моделлаштиришнинг қейинлиги</p>

Энг муҳим қоидалардан бирига тўхталиб ўтайлик: агарда обьект (булут ёки олов) шаклини геометрик примитивлар ёрдамида аниқлаб бўлмаса, у ҳолда зарралар тизимидан фойдаланиш самарали бўлади. Бироқ, компьютер куввати унчалик катта бўлмаса ёки дастурий таъминотнинг функционал имкониятлари чегараланган бўлса, у ҳолда анча содда усулга мурожаат қилган маъқул бўлади: булут тасвири сканер қилинади, ундан текстура ҳосил қилинади ва уни содда геометрик жисмга қўйилади. Мос альфа-канал бериш орқали ҳақиқий булутни визуаллаштириш мумкин бўлади. Бу содда усулдан кўпгина аниматорлар усталик билан фойдаланадилар.

2. Зарраларнинг ҳар хил эффектлари.

Процедурали моделлаштириши

Бошқаришда қулайлик учун моделлаштиришда саҳнада унча кўп бўлмаган персонажлар жойлаштирилади, айтайлик битта ёки иккита. Бироқ процедурали моделлаштиришдан фойдаланилганда бундай муаммо ва чекланишларга ўрин қолмайди. Процедурали моделлаштириш ёки функция ёрдамида моделлаштириш содда ва тушунарли параметрли ягона модел ёрдамида объектларнинг катта синфини яратишга имкон беради. Бунда яратувчидан фақатгина бу параметрларнинг қийматларини кузатиб туриш талаб қилинади. Мисол учун, баргни имитацияловчи модел учун тарам-тарам йўл тури, барг ўлчами ва улар рангини бериш керак. Кейинчалик бирор бир қуюқ дарахт чизишда параметрларнинг мос қийматларини киритиш етарли бўлади.

Процедурали моделлаштириш тоғлар, дарахтлар, барглар, булутлар ва олов каби мураккаб объект ва кўринишларни конструкция қилиш учун қўлланилади.

Объектларни яратиш ва уларни бошқаришнинг процедурали модели компьютер графикасининг кўпгина муаммоларини ечиш учун ўринли, хусусан, саҳна анимацияси учун. Мисол учун, саҳнада ҳар бири мустақил ҳаракатланувчи мингтacha персонажлар мавжуд бўлса, керакли параметрлари билан процедурали моделни қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу процедурали модел ёрдамида саҳнадаги ҳаракатланувчи барча персонажларни яхлит бошқариш мумкин бўлади ва ҳар бир персонаж анимациясига вақт ва куч сарф қилишдан қутулинади.

Объектга текстура беришда процедурали модел тасвирнинг ҳар бир деталини тўлиқ назорат қилишга имкон беради. Типик мисол – градиент текстурани лозим топилганда олиб ташлаш ёки қўшиш мумкин. Процедурали текстуралаш растрлаш билан таққосланади. Растрли текстуралаш – бу фиксиранган тасвир юзасини қоплашдир. Фиксиранган тасвир расмни сканерлаш, дастурий пакет ёрдамида чизиш ёки рақамли камерада расмга олиш ёрдамида ҳосил қилинган бўлиши мумкин.

Хаос ва тасодифий функциялар

Оламда ҳеч нарса – одамлар ҳам, табиат ҳам, бизни ўраб турган предметлар ҳам мукаммал эмас. Бироқ бу номукаммаллик кўзни қувонтиради. Мисол учун, сув ва шамол таъсирига учраган тошлар қанчалик гузал қўриш олган. Уларнинг табиат ва вақт томонидан яратилган шакли ва ранги ўзига хос. Атрофда предметларга қунт билан назар ташлайлик. Мисол учун, иш столида турган компьютер мониторига қаралса, ундаги чанг зарралари, қирилишларни қўриш мумкин. Бу камчиликлар ҳаттоқи энг янги деб қараладиган объектларда ҳам мавжуд, факат уларни оддий кўз билан фарқлаб бўлмайди.

Шундай қилиб, реалликка тўлиқ мос тушувчи оламни тасаввурга келтиришда ҳамма жойда – табиат яратган объектларда ҳам, инсон

томонидан яратилғанларида ҳам тартибсизликлар мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Ойна абсолют силлиқ әмас, ёғоч идеал түғри әмас, ҳаттоғи инсон юзи ҳам симметрик әмас. Мұкаммал буюмлар фақат компьютер графикаси оламида мавжуд. Бирок, айнан компьютер тасвирларининг идеал күрениши дизайнерлар олдидаги муаммолардан бири ҳисобланади. Олам ўхшашигина ва реал анимацияни яратиш учун аниматорлар ўз сахналарига танлаб тартибсизликларни құшишлари зарур. Тартибсизликлар ҳамма жойда бўлгани ҳолда нима учун айнан танлаб қўшилади? Чунки, фотографиядаги каби фильмда томошабинни нафақат бирор обьектнинг нусхаси балки у ёки бу предметни ўзига хослигини реал ифодалашга қаратилган бадиий образи қизиқтиради.

Тартибсизликнинг мухим характеристикаси – унинг тасодифийлик табиатидир. Уни тасвирлашнинг энг содда йўли – тасодифий функциядан фойдаланиш ҳисобланади. Замонавий дастурий пакетларда ҳам, амалий дастурлаш тиллари компиляторларида ҳам олдиндан аниқланган тасодифий функциялар мавжуд. Бу имконият тасвирларда тасодифий тартибсизликларни қўшишда мухим аҳамиятга эга.

Функционал эгри чизиқлар


Анимацияда эслаб қолиш талаб қилинадиган бир нечта функционал эгри чизиқлар мавжуд. Улар ҳал қилувчи (муҳим) кадрни ўрнатмасдан персонажларни осон бошқаришга имкон беради. Мисол учун, сакраб турган коптокни моделлаштиришда бир нечта параметрларни ўрнатиб реал анимация яратишни таъминловчи синус функциясидан фойдаланиш мумкин. Агар кейинчалик бирор бир ўзгариш талаб қилинса, айтайлик, копток ҳаракатини персонаж қўли ҳаракатига мослаштириш талаб қилинса, у ҳолда синус функциясининг айрим параметрларини ўзгартириш етарли бўлади.

Синусоидал тебраниши

Компьютер графикасида синус ва косинус функциялари жуда мухим ҳисобланадилар. Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги формулани келтириш мумкин

$$y = \sin(\text{вақт} * \text{частота}) * \text{амплитуда} + \text{силжиш}$$

4.1-расмда бу формуладаги параметрларнинг ҳар хил қийматларига мос эгри чизиқлар тасвирланган.



4.1-расм. Ҳар хил частота ва амплитудали синусоидал тебранишлар

Бу әгри чизиқлар параметрларнинг қуйидаги қийматларида чизилган:

1-синусоида: частота=1; амплитуда=2; силжиш=0;


2-синусоида: частота=0,7; амплитуда=1; силжиш=0;

3-синусоида: частота=1; амплитуда=1; силжиш=2;

4-синусоида: частота=1; амплитуда=1; силжиш=5.

Сўнувчи тебраниши

Сўнувчи тебраниш синус функциясининг амплитудасини аста-секин камайишидан олинади. 4.2 – расмда сўнувчи тебраниш графиги келтирилган.



4.2-расм. Сўнувчи тебраниш

Бу график $y = (20 - x) \cdot \sin(4 \cdot x)/5$ функциядан ҳосил қилинди.

Табиатда кичик четлашишларсиз абсолют тўғри чизик бўйича ҳаракатланувчи предметларни қўриш жуда қейин. Демак, анимацияда объект

ҳаракатини бошқариш учун жуда зарур бўлган ночизиқли функциялар ҳосил қилишни билиш жуда муҳимдир. Юқорида санаб ўтилган мисоллардаги функцияларнинг ҳар хил комбинацияси кенг имкониятлар бериши мумкин.

Назорат саволлари

1. Ёруғлик интерференцияси. Когерент тўлқинлар.
2. Ёруғлик дифракцияси. Ёритиш турлари.
3. Ёруғликнинг қайтиши. Ёруғликнинг синиши.

Адабиётлар ва интернет ресурслари

10. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Uch o`lchovli modellashtirish, Ilm ziyo, Toshkent, 2012.
11. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Rasulbayev M.M. Flash texnologiyalari, Cho`lpon, Toshkent, 2012.
12. J. Lee, B. Ware. Three-dimensional graphics and animation. -2nd ed. - M.Williams, 2002. – 640 p.

5-Мавзу: Ёритиш

Режа

1. Ёруғлик ва ранг.
2. Рангли расмларни 3D воситасида ёруғликлар билан чизиш.

Таянч иборалар: Ёруғлик интерференцияси, когерент тўлқинлар, ёруғлик дифракцияси, ёруғликнинг қайтиши, ёруғликнинг синиши, ранг моделлари.

1. Ёруғлик ва ранг.

Руғлик интерференцияси

Интерференция — түлқин хоссаларининг ишончли асосларидан бири.

Интерференция ихтиёрий табиатли түлқинлар учун хос. Ёруғлик түлқинлари интерференцияси деб иккита когерент түлқинларнинг кўшилишига айтилади ва бунинг натижасида фазонинг ҳар хил нуқталарида натижавий ёруғлик тебраниши кучайиши ёки сусайиши кузатилади.

Бир хил частотага эга ва вақт бўйича фазалар фарқи ўзгармайдиган түлқинлар **когерент түлқинлар** бўлади.

Лазерлардан бошқа барча ёруғлик манбалари когерент эмас.


Ёруғлик интерференциясини кузатиш учун когерент ёруғлик тарамини ҳосил қилиш лозим.

Лазерлар пайдо бўлгунга қадар ёруғлик интерференциясини кузатиш учун когерент тарам бир ёруғлик манбаидан тарқалаётган ёруғликни ажратиб нурлар ташкил қилиш йўли орқали ҳосил қилинган. Бунинг учун тирқиш, ойна ва призмалардан фойдаланилган.


XIX асрнинг бошида инглиз олими Томас Юнг ёруғлик интерференциясини кузатиш тажрибасини ўтказган.

Тор тирқишдан ўтказилган ёруғлик орқасида экран турган иккита ўзаро яқин жойлашган тирқишга туширилган.

Экранда иккита тасма эмас, балки оралиқни тўлирувчи ва навбат билан ўзгариб ранг тасмаси ҳосил бўлади.




5.1-расм. Юнг тажрибаси схемаси



5.2-расм. Лаборатория шароитида интерференцияни кузатиш

Ёруғлик дифракцияси — кичик тирқищдан ўтишда тўлқиннинг тўғри чизиқли тарқалишдан оғиши ва кичик тўсиқларни айланиб ўтишидир.




5.3-расм. Дифракция ҳодисасини кузатиш

Дифракция ҳосил бўлиш шарти:

$$d^2 \leq \lambda L,$$

бу ерда d — тирқиши ёки тўсиқнинг ўлчами, L — экрандан тўсиққача ёки тирқишигача бўлган масофа.

Дифракция ёруғликнинг геометрик соя соҳасини ҳам эгаллашига олиб келади.




5.4-расм. Ёруғлик дифракциясини кузатиш

Ёруғликнинг қайтиши

Тушувчи тўлқин фронти AC ва қайтувчи тўлқин фронти BD икки мухит чегара сирти билан бир хил бурчак ташкил этади.

Бу бурчаклар мос ҳолда тушиш ва қайтиш бурчагига teng.

Тушиш ва қайтиш бурчаклари эса ўзаро teng (5.5-расм).




5.5-расм. Ёруғликнинг қайтиши

2. Ранги расмларни 3D воситасида ёруғликлар билан чизиш.

Ёруғликнинг синиши

Тушувчи тўлқин фронти АС икки муҳит чегара сирти билан қайтувчи тўлқин фронти ВD га нисбатан катта бурчак ташкил қиласди. Синиш бурчаги тушиш бурчагидан кичик (6-расм).



5.6-расм. Ёруғликнинг синиши


Оқ нурнинг шиша призмадан ўтишида унинг турли тўлқин узунлигидан иборат нурлардан ташкил топгани учун синиш бурчаклари турлича бўлади.




Оқ нурнинг шиша призмадан ўтиши

5.7-расм. Оқ нурнинг шиша призмадан ўтиши

Ёруғлик – бу электромагнит нурланиш. Ранг – бу инсон күзига нурланишнинг таъсири (5.8, 5.9-расмлар).




5.8-расм. Нурланиш ва ёруғлик.



5.9-расм. Нурланиш жараёни

Ранг моделлари. Аддитив модель


Аддитив инглиз тилидан add – бирлаштироқ деган маънони англатади. Ранг учта ранг йифиндиси сифатида олинади RED – қизил, GREEN – яшил, BLUE – кўк (10-расм).



5.10-расм. Аддитив ранг модели

RGB ранглар гаммасида ҳар бир ранг ўз интенсивлигини 0 дан 255 гача ўзгартириши мумкин. 0 – ранг интенсивлиги энг кичик 255 – ранг интенсивлиги энг юқори.

Аддитивликда – алоҳида ранг ёрқинлиги оширилганда натижавий ранг ёруғ бўлишлиги кузатилади.



5.11-расм. RGB-кодлашнинг ранг куби


5.1-жадвал. RGB ранглар жадвали

Кизил	Яшил	Кўк	Ранг
0	0	0	Қора
255	0	0	Кизил
0	255	0	Яшил
0	0	255	Кўк

0	255	255	Мовий
255	255	0	Сариқ
255	0	255	Қирмизи
255	255	255	Оқ

Субтрактив модель

Субтрактив модель инглиз тилидан “subtract” – «ажратмоқ» деган маънони англатади. Асосий ранглар: Cyan – мовий, Magenta – қирмизи, Yellow – сариқ.




5.12-расм. Субтрактив ранг модели


Уларнинг ҳар бири тушувчи оқ нурнинг маълум рангларини ютади (ажратади). CMY ранглар гаммасида ҳар бир ранг интенсивлигини 0 дан 255 гача ўзгартиради. 0 – минималь ранг интенсивлиги. 255 – максималь ранг интенсивлиги.

Субтрактивда – алоҳида ранг ёрқинлиги оширилганда якуний ранг қораяди.

Типография бўёқларининг ўзига хослигидан уч ранг аралашмаси қора бўлмаган – ифлосланган жигарранг ҳосил қиласи. Шунинг учун асосий рангларга – қора ранг ҳам қўшилади. Cyan – мовий, Magenta – қирмизи, Yellow – сариқ, Black – қора.



5.13-расм. CMYK ранг модели



5.14-расм. CMYK-кодлаштиришда ранг куби


5.2-жадвал. CMYK ранглар жадвали

Мовий (қызил йўқ)	Қирмизи (яшил йўқ)	Сарик (кўқ йўқ)	Ранглар
0	0	0	Оқ
0	0	255	Сариқ
0	255	0	Қирмизи
255	0	0	Мовий
0	255	255	Қизил
255	0	255	Яшил

255	255	0	Кўк
255	255	255	Қора


HSB ранг модели

График дастурларда ишлаганда бу модель ёрдамида рангни танлаш анча қулай, чунки унда рангни ифодалаш ва бу рангни инсон томонидан қабул қилишнинг мутаносиблиги мавжуд. Бу ранг модели: Hue — ранг туси (цвет.тон), Saturation — тўйинганлик, Brightness — ёрқинлик.



5.15-расм. HSB ранг модели

Тон 360 сатҳга эга, ранг ва ёрқинлик ҳар бири 100 сатҳга эга (5.16-расм). Ранг унинг туси (тон), тўйинганлиги, ёрқинлиги каби параметрлари комбинациясида ифодаланади.



5.16-расм. HSB ранг модели сатҳлари

IV. БҮЛШИМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалиёт. Дизайн турлари ва уч ўлчовли моделлаштириш

Дизайнерлик фаолиятининг тўртта асосий тури мавжуд:

1. График дизайн – турли хил визуал-ахборотли маҳсулот яратиш. Асосан, реклама материаллари (плакатлар, буклетлар, календарлар, рекламали видеолавҳалар ва б.) ни яратиш қўлланилади.

2. Саноат дизайнини – саноат ишлаб чиқариш маҳсулотларини лойиҳалаш ва яратиш. Лойиҳалаш жараёнида маҳсулотнинг ташки кўриниши, унинг тузилмавий ва функционал хусусиятлари ҳисобга олинади.

3. Ландшафт дизайнини – боғлаштирилган паркларни ўтказиш, шунингдек турлича кичик архитектуравий шакллар (ёргорликлар, фавворалар ва б.)ни ташкил этиш ва яратиш.

4. Ички (интерьер) дизайн – шинам турар жой ва иш ўрнини яратиш.

Дизайнга хос лойиҳалаш жараёни

Дизайнерлик фаолиятининг бошланишида маҳсулотларни лойиҳалаш билан алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳлардаги кишилар шуғулланишган. Вақт ўтиши билан вазият ўзгарди, ўзининг дизайнерлар жамоасига эга бўлган йирик компаниялар юзага келди (масалан: автомобилсозлик саноатида “General Motors” ва бошқалар, компьютер саноати “Microsoft Windows”, “Apple” ва б.).

Саноат маҳсулотларини лойиҳалаш жараёни:

1. Тайёрланадиган маҳсулот нусхасини яратиш. Кўпсонли нусхалар яратилгандан сўнг, энг яхшиси танлаб олинади.

2. Моделлар ва тажрибадан ўтган намуналар яратилади ва текширилади.

3. Маҳсулотларнинг биринчи тўпи (партия) чекли равишда чиқарилади. Тажриба учун чиқарилган тўплардан фойдаланилгандан сўнг кейинги тузатишлар киритилади.

Тасвир моделлари

Компьютер графикасида уч турдаги моделлардан фойдаланилади: тасвирнинг пикселли (нуқтали) модели, векторли (объектли) модели ва тўрсимон (полигонал) модел.


Пикселли модел

Тасвирнинг пикселли модели ўзида растр-тўрларни, яъни тасвирнинг бутун текислигини қопланишини намоён этади. Тўрнинг барча катаклари бир хил шакл ва ўлчамга эга бўлади.

Растрнинг битта катаги чегарасида жойлашган тасвирнинг қисми пиксел ёки нуқта деб аталади. Тасвирнинг сифати растрнинг битта катагида мавжуд пикселлар сонига боғлиқ ва dpi – dots per inch (дюмлардаги нуқталар сони) параметри билан характерланади. Рухсатдан (дюмлардаги нуқталар сони) ташқари тасвир ўзининг ўлчамига эга бўлади, бу ҳам унинг сифатига

таъсир кўрсатади.

Тасвир сифатини текшириш усулларидан бири масштаблаш ҳисобланади. Яхши тасвирни 15-20% га сифати йўқолмаган ҳолда катталаштириш мумкин. Масштаблаштирилган тасвирининг сифати бузилган холларда ўзига хос донадорлик пайдо бўлади (1.1-расм). Компьютерда фотосуратлар ва тасвирлар архивини сақлаш учун 75 dpi рухсат етарли, босмага чиқариш ва дизайнерлик фаолияти учун 150-300 dpi рухсатдан фойдаланиш маъқул.



1.1-расм. Пикселли тасвир


Растри тасвирларни қайта ишлаш учун айниқса Adobe Photoshop дастуридан кўпроқ фойдаланилади.

Махсуслаштирилган дастурларда тасвирлар билан ишлаганда, сиз асосан рангли ташкил этувчиларни ўзгартиришингиз мумкин. Бундан ташқари турлича кичик нуқсонлар (доғ, қирилган жой)ни ҳам олиб ташлаш, тасвирни монохром кўринишга ўтказиш, маълум услубга келтириш ва сифатини йўқотмасдан бироз масштаблаш мумкин.

Махсус дастур (CorelTRACE) ёрдамида растр тасвирларни векторли кўринишга ўзгартириш мумкин.

Векторли модел

Векторли модел ўзида узук чизиқлар ёки туташ контурлар (ташқи кўриниш)дан ташкил топган тасвирни намоён этади. Вектор объектлар индивидуал параметрларга эга бўлганлиги сабабли параметрик деб аталади: номи, геометрик ва ранг хусусиятлари.



1.2-расм. Векторли тасвир


Векторли тасвирларни яратиш учун айниқса CorelDRAW дастуридан кўпроқ фойдаланилади.

Вектор графикаси ёрдамида логотиплар ва турли схемаларни қулай тарзда яратиш мумкин. Векторли тасвирнинг ҳар қандай объектини, пикселли тасвирдан фарқли ҳолда сифатини бузмасдан ўзгаририш (жойини кўчириш, масштаблаш, атрибутлар қийматини ўзгаририш) мумкин.

Векторли тасвирни яратиб бўлгандан сўнг уни растли кўринишга ўзгаририш мумкин.

Тўрли (полигонал) модел

Полигонал модел ўзида полигонлар (кўпбурчак)дан таркиб топган яққол жисмни намоён этади. Қоида сифатида, тугалланган объект уни ташкил этувчи қисмлар мажмуи ҳисобланади. 1.3-расмда тана, кўз ва тишлардан иборат бўлган балиқ модели акс эттирилган. Объект яратилгандан сўнг унинг сирти маҳсус яратилган пикселли тасвир ҳисобланган текстура билан қопланади.



1.3-расм. Полигонал модел

Яратилган модел кўринишини деформациялар (шаклнинг ўзгариши) ва таркибий қисмларни қўшиш, шунингдек, текстура ва материаллар билан ишлаш йўллари орқали ўзгаририш мумкин. Уч ўлчовли саҳна яратилгандан сўнг, у пикселли тасвирда ёки видеолавҳада визуаллашади. Реалистик тасвирни яратиш учун, сифатли модел яратиш, реалистик материалларни кўллаш, ёритиш ва визуаллаштиришнинг альтернатив манбалардан

фойдаланиш зарур.

Полигонал моделлаштиришдан ташқари уч ўлчовли модел яратишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд, масалан NURBS-моделлаштириш ва б.


Уч үлчөвли сахналар яратиши алгоритми

Хар қандай уч ўлчовли саҳнани яратиш, қоида сифатида, қуидаги алгоритмлар бўйича амалга оширилади:

1. Дастьлабки тайёргарлик: Бадиий воситалардан фойдаланиб, лойихалаштирилаётан объект ёки бутун сахна эскизлари яратилади. Бу қандай воситалар ёрдамида сахна объектлари яратилишини ўйлаб олиш учун зарур (1.4-расм).

2. Объектларни моделлаштириш: Полигонал модел яратилади, бунинг устига яратилган модел түғри геометрия ва белгиланган сондаги полигонларга эга бўлиши лозим. Ортиқча деталлаштириш компьютерни секин ишлашга олиб қелиши мумкин.

3. Материалларни тайёрлаш ва тайинлаш: яратилған объектларга турли материаллар, шунингдек турли объектлардан ёруғликнинг қайтиши/синаиши реалистик алгоритмларини яратиш имконини берувчи процедуравий шейдерлар үзлаштирилади.



4. Ёритиш ва камерани созлаш: Ёритиш манбаларини жойлаштириш (реалистик ёритишни яратиш учун глобал ёритишдан (global illumination) фойдаланилади, қайсики объектлар нафакат турли манбалардан ёруғликнинг тўғри нурлари, балки саҳнадаги бошқа объектлардан бир неча бор аксланадиган ёруғлик нурлари билан ёритилади), шунингдек анча фойдали бўлган ракурслар ҳолатида камерани жойлаштириш ёки анимациялаш.

5. Саҳнани визуаллаштириш (Rendering): Яратилган объект ёки саҳнанинг тугалланган тасвирини пикселли тасвир ёки видеолавҳа кўринишида яратади (1.4-расм).

2-амалиёт. 3D Studio Max дастурида билан танишиш

Autodesk 3d studio max дастури интерфейси

Ушбу дастур интерфейсининг (2.1-расм) асосий элементлари проекциялаш ойнаси (Viewports), буйруқлар панели ва юқорида жойлашган меню ҳисобланади. Турлича ўзгартирилган мазкур элементлардан амалда барча уч ўлчовли график муҳаррирлар таркиб топган.

Autodesk 3D Studio Max интерфейси элементлари:

1. Бош меню (Main Menu). Ушбу менюдаги тушувчи пунктларда тематик жиҳатдан амалда барча буйруқлар ва ушбу график муҳаррирнинг бутун ускуналари тўпланган.

2. Ускуналар панели (Toolbar). Энг кўп фойдаланиладиган буйруқлар тўпланган тугмалардан иборат панел.

3. (Viewports) проекциялар ойнаси. Саҳна объектларини турли проекцияларда тасвирлаш ва улар билан ишлаш.


4. (Command panels) буйруқлар панели. Олтига саҳифада саҳна объектлари параметри ва созлаш, объектлар билан ишлаш учун буйруқлар таркиб топган.

5. Йўл кўрсатиш сатри. Фойдаланувчини кераклича иш тутиш ҳақида хабардор қиласди.

6. Вазият сатри. Танланган объектнинг саҳнада жойлашиш координаталарини ифодалайди.

7. Проекциялар ойналарини бошқариш. Саҳна объектларини кўриниши экранига тасвирланишини таъминловчи буйруқларнинг барчаси (катталаштириш/кичиклаштириш, масштаблаш, буриш).

Пастги қисмида анимацион видеолавҳалар яратиш учун ускуналар жойлашган.




2.1-расм. Autodesk 3D Studio Max график мухаррири интерфейси.

Изоҳ: Агар курсорни тутгамаларнинг бирини устига олиб борилса ва бироз кутилса, ушбу буйруқнинг вазифаси ҳақида ахборот пайдо бўлади.

Оддий тутгамалардан ташқари, белгиланган буйруқларни қўллашнинг турли вариантларини таклиф этувчи **суриладиган** панел ҳам мавжуд. **Суриладиган** панелнинг белгиси тутганинг пастги ўнг қисмида жойлашган қора рангдаги учбурчак ҳисобланади. Бундай панелни очиш учун курсорни унинг устига олиб бориш лозим, сичқончанинг чап тутмасини босиб (панел чиқади) турган ҳолда керакли буйруқ танланади.

2.2-расм.



Бош меню (main menu) ва буйруқлар панели (command panels) тузилиши

Бош меню (main menu)

Бош меню амалда барча дастурий маҳсулотлар интерфейсининг асосий қисми ҳисобланади.

Autodesk 3D Studio Max график пакетида бош меню ўн бешта банддан таркиб топади ва қуидаги тоифаларни бирлаштиради:

1. File (Файл) – файллар билан ишлаш, шунингдек саҳна ҳақида маълумотларни кўриш.

Асосий буйруқлар:

- 1.1. New (Яратиш) [Ctrl+N] – янги файл яратиш. Янги файл яратишда, жорий саҳнада ўзгаришларни сақлаш керакми-йўқми деган савол билан ойна пайдо бўлади. Сўнгра New Scene (Янги саҳна) ойнаси чиқади ва унда турли параметрларни танлаш мумкин: Keep Objects and Hierarchy (Объектлари ва

иерархияни сақлаш), Keep Objects (Фақат объектларни сақлаш), New All (Янги саҳна).

- 1.2. Reset (Ташлаш) – саҳнани ташлаб (сброс).
- 1.3. Open (Очиш) [Ctrl+O] – илгари яратилган саҳнани очиш.
- 1.4. Open Recent (Охирги файлни очиш) – охирги фойдаланилган файллар рўйхати.
- 1.5. Save (Сақлаш) [Ctrl+S] – саҳнани *.max кенгайтмаси билан сақлаш.
- 1.6. Save As (Қандай сақлаш керак) [Ctrl+S] – жорий саҳнани янги ном остида сақлаш.
- 1.7. Merge ... (Боғлаш) – жорий саҳнага бошқа саҳналарнинг файлларини қўшиш. Боғлаш давомида саҳнага қандай объектларни қўшиш зарурлиги ҳақидаги сўровли ойна пайдо бўлади. Агарда объектларнинг номи бир-бирига мос келмаса, куйидаги сўровлар берилган ойна чиқади: Merge – шу номлар билан бирлаштириш; Skip – объектни ўтказиб юбориш; Delete Old – эски объектни янги объект билан алмаштириш; Auto-Rename автоматик қайта номлаш ва қўшиш.
- 1.8. Import ... (Импорт) – файлни бошқа форматларга импорт қилиш. Масалан: *.fbx кенгайтмали файллар ёрдамида Maya график муҳарриридаги файлни Autodesk 3D Studio Max дастурига импорт қилиш. Худди шундай, *.ai (Adobe Illustrator) кенгайтмали файллар ёрдамида ҳам векторли контурларни импорт қилиш мумкин, бунда икки ўлчовли эгри чизиқлар ўзgartирилади.
- 1.9. Export ... (Экспорт) – файлни бошқа форматларга экспорт қилиш.
- 1.10. Summary info ... (Умумий ахборот) – саҳна ҳақидаги тугалланган ахборотлар (объектлар сони, фойдаланилаётган материаллар ва б.).
- 1.11. View Image File ... (Тасвирни кўриш) – график муҳитдан чиқмаган ҳолда визуаллаштирилган материалларни кўриш имконини беради.

2. Edit (Таҳрирлаш) – объектлар билан ишлаш буйруқлари.

Асосий буйруқлар:

- 2.1. Undo (Бекор қилиш) [Ctrl+Z] – охирги ҳарақатни бекор қилиш. Бу буйруқ орқали охирги бажарилган ўнта амални бекор қилиш мумкин. Орқага қайтишлар сонини Preference (Хусусиятлар) менюсида кўрсатиш мумкин, бу эса компьютер тезкор хотирасининг юкланувчанилигига таъсир кўрсатади.
- 2.2. Redo (Қайтариш) [Ctrl+Y] – Undo буйруғи билан бекор қилинган ҳарақатларни орқага қайтаради.
- 2.3. Hold (Кечиктириш) [Alt+Ctrl+H] – алмашиш буферида саҳнанинг жорий ҳолатини хотирада сақлаш.
- 2.4. Fetch (Олиш) [Alt+Ctrl+F] – буфердан саҳнанинг кечиктирилган ҳолатини олиш.
- 2.5. Delete (Ўчириш) [Delete клавиши] – объектни ўчиради.
- 2.6. Select All (Барчасини белгилаш) [Ctrl+A] – саҳнадаги барча объектларни белгилайди.

Изоҳ: Белгиланган объект оқ кўринишга келади ва унинг ўқлари координатада кўринади.


- 2.7. Select invert (Инвертираш) [Ctrl+I] – саҳнадаги белгиланмаган

объектлар белгиланган ва тескари бўлади.

3. Tools (Ускуналар) – объектлар ва уларнинг хусусиятлари билан ишлаш бўйича турли хилдаги ускуналар.

Асосий буйруқлар:

3.1. Transform Type-In ... (Клавиатура орқали кўчириш) [F12] – пайдо бўладиган ойнада мос ўқлар учун рақамли қийматларни бериш орқали саҳнада объектларни кўчириш юз беради (2.3-расм). Шунингдек ушбу панел экраннинг қути қисмидаги ҳолатлар сатрида жойлашган.




2.3-расм.




Параметрлар: Absolute – саҳнада объектнинг ҳолати; Offset – маълум масофада мос ўқлар бўйича объектларни силжитиш.

Изоҳ: Объектни кўчириш учун, объектни кўчириш, буриш ва масштаблашни танлаш зарур.

3.2. Spacing tool (Фазога хос ускуна) [Shift+I] – белгиланган йўл бўйича уч ўлчовли объектни жойлаштириш имконини беради (2.4-расм). Чиқадиган ойнада (2.5-расм) қуидаги асосий параметрлар ўзгартирилади: Pick Path – танланган объект бир текисда тақсимланадиган йўлни кўрсатиш; Pick Points – танланган объект жойлашадиган нуқтани кўрсатиш; Count – жойлашган объектлар сони.



2.4-расм.



2.5-расм.

4. Group (Гурух) – саҳна объектлари гурухини яратиш буйруғи.

5. Views (Проекциялар) – тасвирланадиган объектларни бошқариш, экранга чиқишиларни созлаш, эксперт режимини ишга солиш (Expert Mode [Ctrl+X]) – фактат кўринадиган экран билан ишлаш.

6. Create (Яратиш) – объектлар яратиш ускунаси, буйруқлар панелидаги Create бандига ўхшаш.

7. Modifiers (Модификаторлар) – объектларни ўзгартириш учун ускуна, буйруқлар панелидаги Modify бандига ўхшаш.

8. Character (Персонаж) – сүяклар тизимини яратиш (Bones) ва скелетли деформациялар орқали турли хилдаги объектларнинг анимациялари билан ишлаш буйруғи.

9. Reactor (Реактор) – ёрдамчи объектларни яратиш, улар ёрдамида сув юзаси, қаттиқ ва эгилувчан жисмлар, тўқималар ва бошқа уч ўлчовли жисмларнинг реал физик хусусиятлари моделлаштирилади.

10. Animation (Анимация) – анимацияларни бошқаришнинг турлича алгоритмларини ифодалаган назоратчилар ёрдамида анимацияланувчи объектлар яратиш буйруғи.

11. Graph Editors (График мұхаррир) – ушбу банд саҳна объектлари билан ишлаш жараёнини оптималлаштиришга йўналтирилган бир неча мұхаррирлардан таркиб топади: Track View (Трекларни кўриш) – анимацияланган объектларни таҳрирлаш; Schematic View (Тузилмаларни кўриш) – саҳнадаги алоҳида объектларнинг бир-бири билан иерархик алоқаси; Particle View (Бўлакни кўриш) – бўлакнинг мураккаб тизимини яратиш.

12. Rendering (Визуаллаштириш) – саҳнани визуаллаштириш ишларига, яъни кучайтирилган ёруғлик, видеомонтаж эфектлари (Video Post), атроф мұхит эфектлари (туман, олов, ҳажмий ёруғлик)ни яратишга мўлжалланган буйруқлар. (Material Editor) Материаллар мұхаррири ойнасини чақириш.

13. Customize (Созлаш) – дастур параметри ва интерфейси элементларини созлаш. Созлаш имконияларидан фойдаланиб фойдаланувчи интерфейсда ўзининг вариантини яратиши, яъни буйруқлар панелида керакли тугмаларни кўшиши, буйруқларни чақириш учун қайноқ тугмалар комбинациясини ўзгартириши ва бошқа амалларни бажариши мумкин.

14. MAXScript – MAXScript дастурлаштириш тилида сценарий ёзиш буйруқлари.

15. Help (Маълумот) – маълумотлар тизими, шунингдек мазкур график мұхаррин ҳақида ахборот беради.

Буйруқлар панелининг тузилиши:



1. Create (Яратиш) саҳифаси : Ушбу саҳифада турлича икки ва уч ўлчовли объектлар яратиш буйруқлари, бўлаклар тизими, ёруғлик манбаси, камера, ёрдамчи объектлар, ҳажмий деформациялар ва бошқалар жойлашган.




2. Modify (Ўзгартириш) саҳифаси : Ушбу саҳифада яратилган объект параметрлари (узунлик, кенглик, сегментлар сони ва б.), шунингдек геометрик объектларни ўзгартириш учун ускуналар рўйхати (модификаторлар) жойлашган.



3. Hierarchy (Иерархия) саҳифаси : Ушбу саҳифада объект координатасининг локал марказини ўзгартириш буйруғи жойлашган. Бундан ташқари, бу ерда обьектларнинг инверсияли кинематикаси билан ишлаш буйруқлари бўлади.

4. Motion (Харакат) саҳифаси : Ушбу саҳифа анимацияланган объектлар билан ишлашга мўлжалланган.

5. Display (Дисплей) саҳифаси : Ушбу саҳифада саҳна объектларини вақтингачалик яшириш ва қайд қилиш буйруқлари жойлашган.



6. Utilities (Утилиталар) саҳифаси  : Ушбу саҳифада саҳна объектлари билан ишлаш учун қўшимча утилиталар жойлашган. Масалан: reactor – динамик объектлар яратиш, MAXScript – сценарийларни дастурлаштириш ва б.

Буйруқлар панелидаги объектлар билан ишлашда, объектлар ҳақидаги ахборотлар ва уларни таҳирлаш учун буйруқлар жойлашган (rollouts) бўлмалари пайдо бўлади. Ҳар бир бўлма ўз номига ҳамда “+” (ёпиш бўлмаси) ва “-” (очиш бўлмаси) белгиларига эга .

2.6-расм.

3-амалиёт. 3D Studio Max дастурида стандарт объектлар таснифи

Create (яратиш) буйруқлар панели. стандарт объектлар таснифи

Create (яратиш) буйруқлар панели график жиҳатдан бош менюнинг бир хил номдаги бандларини такрорлайди (дублирует) ва проекция ойналарида турлича объектларни яратиш имконини беради.

Create (яратиш) буйруқлар панелининг асосий элементлари (3.1-расм):


1. Бир хил темада жамланган ҳар хил объектлардан ташкил тоган еттига тугма: Geometry (Геометрия) – геометрик объектлар яратиш; Shapes (Сплайнлар) – икки ўлчовли геометрик фигуralар яратиш; Lights (Ёрглик) – ёритиш манбаларини яратиш; Cameras (Камералар) – саҳнада камера яратиш; Helpers (Ёрдамчилар) – саҳна билан ишлашни енгиллаштирувчи визуаллашмаган объектларни яратиш; Space Warps (Фазовий деформациялар) – саҳнадаги ўзгарувчан объектларнинг (бомба, тўлқин, гравитация ва б.) белгиланган қонуниятлари бўйича визуаллашмаган объектларни яратиш; Systems (Системалар) – параметрик системалар яратиш (сүяклар симуляцияси, қуёш нури ва б.).

2. Турли тоифадаги объектларни яратиш рўйхати – ушбу рўйхатдаги турлича бандларни ташлашда Object Type (Объект тuri) таркибий бўлмаси ўзгаради.

3. Object Type (Объект тuri) бўлмаси – объектларни яратишга хизмат қиласди. Изоҳ: Объект яратиш учун тегишли тугма устига сичқончанинг чап тутмасини босиш керак (у сарик рангга ўтади). Объектлар яратиш ҳолатини ўчириш учун, фаол проекция ойнасининг ихтиёрий жойига сичқончанинг ўнг

тутгасини босиш зарур. Масалан: Box тутгаси устига босилганда “Кути” типидаги объект яратилади ва фаоллаштирилган Box тутгаси вактинча ўчирилмайди.

4. Name and Color (Ном ва ранг) бўлмаси – ушбу бўлмада яратилган объектнинг номи ва рангини ўзгартириш мумкин. Агарда бир хил типдаги объектлар яратилса, дастур уларни турли коэффициентлардаги бир хил номлар билан ўзлаштиради, масалан: Box01, Box02 ва б. Объект номини ўзгартириш учун, мазкур бўлмада берилган ном ўрнига объектнинг ўз номини киритиш лозим. Яратилган объект рангини ўзгартириш учун, объект номи рўпарасидаги ранг устига сичқончанинг чап тутгасини босиш керак ва пайдо бўладиган ойнадан зарурий ранг танланади.




3.1-расм. Create (яратиш) буйруқлар панели.

5. Яратиладиган объектнинг ўзгарувчан параметрлари бўлмаси: Creation Method (Яратиш методи), Keyboard Entry (Клавиатурадан киритиш), Parameters (Параметрлар).

Объектлар яратишнинг ўзига хос хусусиятлари

Яратилган геометрик объектлар ўзида ичи бўш қобиқларни визуал тасвирлайди (5.29расм), аслида бу факат компьютернинг тезкор хотирасида сақланадиган рақамлар ва формулалар тўпламидир. Объект қанча мураккаб ва бутун саҳна яхлит бўлса, уни визуаллаштиришга шунча кўп вақт керак бўлади. Саҳнанинг мураккаблиги объектларнинг ўзини геометрик тузилишларига, реалистик материаллар ва



Standard primitives (стандарт примитивлар), extended primitives (кенгайтирилган примитивлар) тиридаги объектлар яратиш


Create панели остида примитив яратиш тұгмасини босғанда объект параметри бўлмаси пайдо бўлади. Объект яратилгандан сўнг уни ўзгартириш учун Modify (Ўзгартириш)  саҳифасига ўтиш ва керакли параметрларни киритиш лозим.

Амалда барча примитивлар учун умумий параметрлар сегментлар (Segments) сони ҳисобланади. Баъзи бир объектлар учун сегментлар сони узунлик, кенглик ва асос бўйича алоҳида кўрсатилади, шунингдек томонлар сони берилади (масалан, цилиндрда томонлар сони (Sides), баландлик (Height) ва асос (Cap) бўйича сегментлар сони кўрсатилади).

Изоҳ: Примитивлар полигонлар (Polygons) – кўпбурчаклардан ташкил топади, объектнинг қанчалик даражада силлик бўлиши унинг томонлари сонига боғлиқ.

Сегментлар сони объектнинг мураккаблигига ва компьютер қувватига боғлиқ равищда ўзгартирилиши зарур, акс ҳолда дастур “музлаш” ҳолатига тушиши мумкин. Масалан, шар сирти учун 60-80 сегментлар етарли.

Баъзи примитивлар (шар, цилиндр, ҳалқа ва б.) Slice On (ушбу вариант рўпарасига назорат белгисини кўйиб уни қўшиш), Slice From (дан бўлак) ва Slice To (гача бўлак) каби параметрлар билан Slice (Бўлак) параметрига эга бўлади. Slice From ва Slice To рақамли қийматларга боғлиқликда объект “парча”сини яратиш имконини беради (3.3-расм).



3.3-расм.

Кўпгина примитивлар учун Smooth (текислаш) буйруғи мавжуд – у объект ёқларини силлиқлайди.

Яна бир умумий параметрлар Creation Method (Яратиш методи) ва Keyboard Entry (Клавиатурадан киритиш) бўлмалари ҳисобланади. Яратиш методи объектни ёки марказдан (Center) ёки чеккадан (Edge) яратиш имконини беради.

Проекция ойналаридан бирида объектлар яратишдан ташқари, Keyboard Entry (Клавиатурадан киритиш) бўлмаси ёрдамида примитивларни объект параметри ва уча ўқ бўйича координаталар сонини белгилаш орқали яратиш мумкин. Координаталар ва параметрлар киритилгандан сўнг (масалан, шар примитиви учун радиус) Create (Яратиш) тұгмасини босиши керак. Бундай усул аниқ тузилишни ишлаб чиқишига имкон туғдиради.


Shapes туридаги икки ўлчовли объектлар яратиш

Сплайнлар (Spline) – бу ёпиқ ва очиқ контурларни ташкил қилувчи икки ўлчовли эгри чизиклар хисобланади. Ушбу эгри чизиклар ўзида объектлар тайёрланишини намоён этади, қайсики кейинчалик махсус буйруқлар орқали уч ўлчовли объектларга ўзгаради.

Сплайнлар яратиш тоифасига кириш учун Shapes (Шакллар) тугмасини босиши керак бўлади.

Стандарт примитивларда бўлгани сингари, аксарият сплайнлар умумий бўлмага эга бўлиб, уларга қуидагилар тегишли:

1. Rendering бўлмаси – сплайнни визуаллаштирилаётган объектга ўзгартиради (дастлаб яратилган сплайн визуаллашиш ойнасига кўрсатилмайди). Объект визуаллашадиган бўлиши учун Enable In Renderer (Визуаллаштиришда фаол) параметрини ўрнатиш керак. Enable In Viewport (Проекция ойнасида фаол) параметри – проекция ойналарида объектни тасвирлайди.



3.4-расм. Чапдан ўнгга: 1. Визуаллаштирилмаган сплайн доира (Circle);
2. Radial тури бўйича визуаллаштирилган объект; 3. Rectangular тури бўйича визуаллаштирилган объект.

Сплайнни ҳажмий ва визуаллашувчан қилишнинг икки хил усули мавжуд: 1. Radial (Радиалга хос) – бу ҳолатда Thickness (Қалинлик), Sides (Томонлар сони) ва Angle (Бурчак) каби параметрлар белгиланади; 2. Rectangular (Тўртбурчак) – сўраладиган параметрлар: Length (Узунлик), Width (Кенглик), Angle (Бурчак), Aspect (Кўриниш) – узунлик ва кенглик ўртасидаги нисбат (3.4-расм). Изоҳ: Белгиланган қалинликдаги визуаллашадиган сплайнни Editable Mesh (Таҳрирланадиган каркас)да ўзгартириш мумкин ва у билан уч ўлчовли объект сифатида ишлаш мумкин.

2. Interpolation (Интерполяция) – ушбу бўлмада сплайн сегментларини ташкил этувчилар сони берилади. Сегментлар сони қанча кўп бўлса, объект шунча силлиқ бўлади. Масалан: Агар сплайнда “доира” қадамлар (Steps) сони нол деб берилса, у ҳолда ромга эга бўлинади. Adaptive параметри ёқилган бўлса, дастурнинг ўзи сплайнни силлиқлади.

3. Parameters (Параметрлар) бўлмаси – сплайннинг таҳрирланадиган параметрлари.


Объектлар билан ишилаш

Объект яратилгандан сўнг, уни таҳрирлаш ва глобал координаталар системасига кўчириш мумкин.

Объектни танлаш учун, унга сичқончанинг чап тугмасини босиш керак. Танланган объект аломатлари – ёқларнинг оқ ранг тусига кириши ва объектнинг локал координаталар системасида ўқларнинг пайдо бўлиши.

Агар саҳнада бир қанча турли-туман объектлар (геометрик объектлар, ёруғлик манбалари, камералар ва б.) бор бўлса, Select by name (Номи бўйича танлан) ойнасидан фойдаланиш қуладай бўлади.

Ускуналар панелидаги тегишли  тугма босилганда ойна очилади, унинг чап қисмида саҳнадаги барча объектлар рўйхати, ўнг қисмида эса танлаш фильтрлари жойлашган (3.5-расм). List Type (Рўйхат кўриниши) қисм менюсида, рўйхатдаги белгиланган тоифалардан назорат белгиларини олиб ташлаганда, тегишли объектлар ғойиб бўлади (масалан: камералар, ёруғлик манбалари ва б.). Ушбу ойнанинг пастги қисмидаги учта тугма қўйидагиларни амалга ошириш имконини беради: All (Барчаси) – рўйхатдаги барча объектларни танлаш; None (Ҳеч нарса) – танлашни бекор қилиш; Invert (Инверсия) – танланмаган объектлар ва тескарисини танлаш.



3.5-расм.

Select by name ойнасига ўхшашиб Selection Floater (Танлашнинг сузувчи ойнаси) ойнаси ҳисобланади ва у бош менюнинг Tools (Ускуналар) бандида жойлашган. У объектларни танлаш ва бир вақтда проекция ойналаридан ишлиш имкониятлари билан фарқланади (вақтинчалик режим).

Изоҳ: Саҳнада ва Select Objects ойнасида бир қанча объектларни танлаш учун, танлаш жараёнида Ctrl клавишини босиш (проекция ойнасида курсор тагида «+» белгиси пайдо бўлади) лозим. Объект танлашни бекор қилиш – Alt клавишини босиш (проекция ойнасида курсор тагида «-» белгиси пайдо бўлади), ёки танланган объектда Ctrl клавишини яна бир марта босиб фойдаланиш мумкин.

Проекция ойналарида бир қанча объектларни кесувчи рамка ёрдамида белгилаш мумкин. Бунинг учун проекция ойнасининг ихтиёрий соҳасида сичқончанинг чап тугмасини босиш ва танлашнинг узук чизиқли рамкаси пайдо бўлгунича курсорни силжитиш зарур.


Изоҳ: Ҳолат сатрида жойлашган Selection Lock Toggle  (Белгиланганларни блокировка қилиш) тугмаси, танланган объектларни саҳнадаги бошқа объектлардан блокировка ва манипуляция қилиш учун хизмат қиласи.

Объектни кўчириш ва трансформациялаш (ўзгартириш) учун


ускуналар панелида бешта тугма жойлашган:

1.  Select Object (Объектни белгилаш) [Q] – ушбу тугма босилган ҳолатда объектларни танлаш юз беради.

2.  Select and Move (Белгилаш ва күчириш) [W] – белгиланган объектлар жойини ўзгартиради. Объектни бошқа жойга күчириш учун унинг локал координаталар системасидан фойдаланиш лозим. Агар ўқлардан бири танланса, ушбу ўқ бўйича объект аниқ күчирилади (масалан: катта аниқлик билан юқорига ёки пастга). Объектни эркин күчириш учун ўқлар ўртасидаги сариқ квадратни танлаш зарур (3.6-расм).



3.6-расм. Объектни күчириш.




3.7-расм. Объектни буриш.

3.  Select and Rotate (Белгилаш ва буриш) [E] – объектни ўз ўқи ёки бошқа танланган координата маркази атрофида айлантиради. Объект атрофида учта доира пайдо бўлади, уларнинг ҳар бири координатанинг белгиланган ўқига мос келади (доира ранги тегишли ўқ рангига устма-уст тушади). Объектни буриш учун мос доирани танлаш ва буришни амалга ошириш зарур (3.7-расм).

4. Select and Scale (Белгилаш ва масштаблаш) [R] – танланган объект масштабини ўзгартиради. Объектни бир жинсли масштаблаш (бир вақтда барча ўқлар бўйича) ёки бир жинсли бўлмаган масштаблашни амалга ошириш мумкин (3.8-расм). «Белгилаш ва масштаблаш» тугмаси ўзида суриладиган панелни ифодалайди.

Объект масштабини ўзгартиришда унинг стандарт параметрлари ўзгармайди (масалан: “шар” обьекти масштабини катталаштиришда сиз унинг бирламчи радиусини ўзгартирмайсиз). Бу кейинчалик модификаторларни қўллаш ва loft обьектларни яратишга таъсир этиши мумкин.



3.8-расм. Объектни масштаблаш.

5. Select and Manipulate (Белгилаш ва ўзгартириш) – кўчириш, буриш ва масштаблаш режимларни ўрнатилган ҳолатда баъзи объектлар (шар ва б.) параметрларини манипуляциялаш имконини беради.

Ҳар бир объект Object Properties (Объект хусусияти) ойнасида келтирилган хусусиятлар тўпламидан иборат. Ушбу ойнани чақириш тўртингчи менюдан «Properties ...» бандини танлаб, ёки бош менюдаги Edit тоифасидан Object Properties бандини танлаб амалга ошириш мумкин. General (Асосий хусусиятлар) сахифасида пайдо бўладиган ойнада қуйидаги қисм менюлари жойлашган: Object Information (Объект ҳақида ахборот) – объект номи, ранги, координаталари ва б.; Interactivity (Интерактивлик) – объектни яшириш ва мустаҳкамлаш; Display Properties (Дисплей хусусиятлари) – объектни ярим шаффоф қилиш имконияти (See-Through), унинг учларини кўриш (Vertex Ticks) ва б.; Rendering Control (Визуаллашни бошқариш) – визуаллашдан объектни чиқариш (Renderable бандида назорат белгисини олиб ташлаш), соялар тасвирланишини ўчириш (Cast Shadows) ва б.; G-Buffer – объектнинг индивидуал номери (видеомонтаж эфектларини яратишда керак); Motion Blur (Харакатдаги хираласиши).



4-амалиёт. Compound objects (таркибли объектлар)

Compound objects (таркибли объектлар)

Таркибли объектлар турли тоифада объектлар яратиш рўйхатидаги Geometry (Геометрия) тоифасида жойлашган ҳамда объектлар геометрияси устида турли операцияларни амалга ошириш, шунингдек сплайнлардан фойдаланган ҳолда объектлар яратиш имконини беради.

Морфинг (morph)

Морфинг объект учларини интерполяциялаш (жойни алмаштириш) орқали бир объектни бошқа объектга ўзгартириш жараёнини ифодалайди. Морфингнинг дастлабки объекти базавий (base) объектдир, морфинг қилиш объектлари эса – нишонга олинадиган (target) объектлардир.

Базавий ва нишонга олинадиган объектлар учларининг сони бир-бирига мос келиши керак, чунки морфинг жараёнида учлар қандай бўлса шундайлигича қолади, шунчаки уларнинг фазодаги координаталари ўзгаради. Шу сабабли объект морфингини амалга ошириш учун унинг нусхаларини тайёрлаш ҳамда унинг геометриясини ўзгартириш зарур.

4.1-расм.

Морфинг ёрдамида персонаж мимикасини, балиқ сузгичларининг тебраниши ва бошқаларни яратиш мумкин. Балиқ сузгичларини тебратаетган лахзани яратиш учун жами қуйидаги иккита объект зарур: базавий объект – сузгичлари юқорига кўтарилиган балиқ ҳамда нишонга олинадиган объект – сузгичлари пастга туширилиган “балиқ” нусхаси. Шундан сўнг морфинг амалга оширилади, яъни базавий объектнинг учларини нишонга олинган объектнинг учларига алмаштириш ҳисобига балиқ сузгичларининг пастга йўналаётган анимацияси ҳосил бўлади.

Morph буйруғи фаоллаштирилганда, Create (яратиш) саҳифасида Pick Targets (Нишонларни кўрсатиш) ва Current Targets (Жорий нишонлар) бўлмалари пайдо бўлади. Улар қуйидаги параметрларга эга (4.1-расм):

1. Pick Target (Нишонни кўрсатиш) – базавий объект танлангач, анимация югирувчисини (бегунок) кўчириш, Pick Target тугмасини босиш ва нишонга олинадиган объектни танлаш (базавий объект нишонга олинган объект шаклини ҳосил қиласи ва Morph Targets (Морфинг нишонлари) рўйхатида унинг номи пайдо бўлади) зарур. Шунингдек ушбу бўлмада дубликатнинг оригиналга боғлиқлигини танлаш мумкин: Move параметри танланган оригинални ўчириб ташлайди.

2. Create Morph Key (Анимация калитини яратиш) буйруғи Morph Targets рўйхатида танланган объект анимацияси калитларини яратиш имконини беради.

3. Delete Morph Key (Анимация калитини ўчириш) буйруғи анимация калитларини Morph Targets рўйхатидан ўчиради.

Бул операциялари (boolean)


Boolean типидаги объектлар ўзида объектларни бирлаштириш, айриш ва кесиштиришга ҳос бўлган бул операцияларини ифодалайди. Ушбу буйруқ қўллангач, объект ўз геометрик хусусиятларини йўқотади ва бул типидаги объектга айланади.

Бул операциясини қўллаш учун объектни танлаш (“Операнд-А”), Boolean буйруғини фаоллаштириш, сўнгра Pick Booleans (Бул объектларини танлаш) бўлмасида иккинчи объектни (“Операнд-В”) кўрсатиш зарур.

Operands (Операциялар) бўлмасида бул операциялари типини танлаш мумкин (4.2-расм):

1. Union (Бирлаштириш) – икки объект бирлашади. Агар бир-бiri билан кесишиш, “Операнд-А” “Операнд-В”ни кесиб ташлайди.

2. Intersection (Кесишиш) – бу ҳолда олинган объект ўзида дастлабки объектлар кесишиши натижасини ифодалайди.



4.2-расм. Бул операциялари: 1. Дастлабки объектлар; 2. Union (Бирлаштириш); 3. Intersection (Кесишиш); 4. Subtraction (A-B) (A-B айириш); 5. Subtraction (B-A) (B-A айириш); 6. Cut (Кесиш): Refine (Деталлаштириш), Split (Ажратиш); 7. Cut (Кесиш): Remove Inside (Ичкаридан ўчириш); 8. Cut (Кесиш): Remove Outside (Ташқаридан ўчириш).

3. Subtraction (A-B) (A-B айириш) – “Операнд-А” объектини “Операнд-В” объектидан айириш.

4. Subtraction (B-A) (B-A айириш) – “Операнд-В” объектини “Операнд-А” объектидан айириш.

5. Cut (Кесиш) – “Операнд-В” объекти чегарасидан кесиш текислиги сифатида фойдаланиб, “Операнд-В” объектини “Операнд-А” объектидан кесиб олиш. Қуйидаги тўрт вариантга эга: Refine (Деталлаштириш) – “Операнд-А” объекти “Операнд-В” объекти билан кесишган жойда янги учлар ва ёқларни яратади; Split (Ажратиш) – Refine буйруғи каби ишлайди, аммо бир объектда иккита элемент яратади; Remove Inside (Ичкаридан ўчириш) – “Операнд-В” объекти ичкарисида жойлашган “Операнд-А” объектининг барча ёқларини ўчириб ташлайди; Remove Outside (Ташқаридан ўчириш) – “Операнд-В” объекти ташқарисида жойлашган “Операнд-А” объектининг барча ёқларини ўчиради.

Display/Update бўлмаси объектларнинг акс этишини, шунингдек бул операциялари натижаларининг кўлда ёки автоматик тарзда ўзгаришини назорат қилади.

Loft обьектларини яратиш

Loft обьекти ўзида сплайнлар ёрдамида қурилган ҳажмий жисмни ифодалайди. Loft обьектларини яратиш учун қуйидаги икки таркибий қисм бўлиши зарур: йўллар (Path) ва кесишмалар (Shapes).


Loft обьектини яратиш: Сплайн танланиб Loft буйруғи фаоллаштирилади, шундан сўнг Creation Method (Яратиш методи)

бўлмасидан Get Path (Йўл танлаш) тугмаси (агар аввалдан кесишиш танланган бўлса) ёки Get Shape (Кесишишни танлаш) тугмаси (агар йўл танланган бўлса) босилади ва тегишли сплайн танланади.

4.3-расмда “устун” loft обьектини яратиш қўрсатилган. Уни қуришда йўл сифатида Line (Чизик) сплайнидан ҳамда қўйидаги учта кесимдан фойдаланилган: 1. Restangle (Тўғрибурчак); 2. Circle (Доира); 3. Star (Юлдуз) (4.3-расм, а)).

Изоҳ: Loft обьектини қуриш сплайннинг асосий нуқтасидан бошланади. Ушбу нуқта 0% қийматига тўғри келади ва сплайннинг 100% қийматига мос келадиган охирги нуқтасида тугайди (4.3-расм, б)). Танланган йўл бошланғич ва охирги нуқтага эга бўлиши керак, доира ва эллипс типидаги сплайнлар ҳолида йўлнинг бошланғич ва охирги нуқтаси бир-бирига мос келади. Donut (ҳалқа) типидаги сплайндан йўл сифатида фойдаланиб бўлмайди, чунки у бошланғич ва охирги нуқтага эга эмас.

Йўл танланиб ва loft буйруғи фаоллаштирилгач Get Shape тугмаси босилган ва (1) кесма танланган, шундан сўнг бутун йўл (1) “кесим билан қопланади” – Box (Кути) типидаги ҳажмий жисмга эга бўлинади. Сўнгра Path Parameters бўлмасида бешга teng қиймат берилди (йўлда жойлашган сариқ крест тегишли қийматга кўчди), яна Get Shape тугмаси босилди ва биринчи кесим танланди (йўлнинг ушбу қисмида обьект тўғри бурчакли кесим ҳосил қилиши учун). Кейин Path Parameters бўлмасида ўнга teng қиймат берилди ва иккинчи кесим танланди. Натижада 0 дан 5% гача қисмдаги обьект тўғрибурчакли кесимга айланди, 5 дан 10% гача қисмдаги тўғрибурчакли кесим айлана кесимига ўтди ва 10 дан 100% гача қисмдаги обьектнинг кесими айлана кўринишида қолди. Шундан сўнг ушбу алгоритм бўйича “устун” обьекти моделлаштирилди (4.3-расм, в)).



4.3-расм. “Устун” loft обьектини яратиш.

5-амалиёт. 3D Studio Max дастури модификаторлари. Объектларни қуриш (Mesh, Poly, Patch, Splain, Nurbs модельлаштиришлари)

Модификаторлар

Create саҳифасида жойлашган геометрик объектлар, кейинчалик таҳрирлаш учун мўлжалланган ярим тайёр объектлар ҳисобланади. Яратилган примитивларни ўзгартирлиш учун ушбу график пакетда ускуналар мавжуд бўлиб, у ўзида модификаторлар деб ҳам аталадиган буйруқлар тўпламини ифодалайди.


Модификаторларнинг ҳар хил турлари мавжуд: объект шаклини ўзгартирувчи, объектга материалларнинг жойлашишини назорат қилувчи, деформацияланувчи сиртлар ва б.

Modify (ўзгартериш) саҳифасининг тузилиши

Modify (Ўзгартериш) саҳифаси объект ва модификаторлар параметри билан ишлашга мўлжалланган (5.1-расм).

Modifier List рўйхатидан модификаторни объектга қўллаш мумкин. У танланган объект номи остида, ёки бош менюнинг Modifiers бандида жойлашади.

Модификаторлар рўйхати уч тоифадан таркиб топган: Selection Modifiers (Танлаш модификаторлар) – ушбу модификаторлар объектнинг тарқибий қисмларини танлаш ва таҳрирлаш учун мўлжалланган; World–Space Modifiers (Глобал-фазовий модификаторлар) – дунёвий координаталар системасидан фойдаланувчи модификаторлар рўйхати (Соч ва мўйнани яратиш (Hair and Fur), объектга материални масштаблаш (Map Scaler) ва б.); Object–Space Modifiers (Объектли-фазовий модификаторлар) – объектнинг локал координаталар системасидан фойдаланувчи модификаторлар рўйхати.



5.1-расм. Modify (Ўзгартериш) саҳифасининг тузилиши.

Объектга қўлланилган модификаторлар рўйхати, шунингдек объектнинг ўзини параметрлари модификаторлар **стекида** (Modifier Stack) жойлашган. Объектга қўлланилган барча модификаторлар **стекнинг юқори қисмида**, пастги қисмида эса объектнинг ўзини параметрлари жойлашади.

Объектни таҳрирлаш жараёнида қўлланилган модификаторларнинг ихтиёрий бирига қайтиш ва унинг параметрларини ўзгартириш мумкин. Модификатор номидан чапда турган лампочка белгиси объектга унинг аксланишини ёқиш/ўчириш имконини беради. Модификаторлар ҳолатини ўзгартариш мумкин, бунинг учун рўйхатдан ихтиёрий модификаторни танлаш, сичқончанинг чап тугмасини босиш ва уни рўйхатнинг керакли жойига олиб ўтиш зарур.

Модификаторларни бир вақтда бир қанча объекларга қўллаш мумкин. Ушбу ҳолатда ҳар бир танланган объектлар стекида модификатор номи қия босма ёки қалин ҳарфлар билан ёзилади (қўллаш усулига боғлик) ва унинг параметрларини ўзгартариш барча танланган объектларга таъсир қиласди.

Модификаторлар стеки рўйхатига сичқончанинг ўнг тугмасини босиш қўшимча менюни чақиради. Унинг ёрдамида модификатордан нусха олиш (Copy) ва уни бошқа объект стекига қўйиш (Paste) мумкин. Ушбу менюнинг Collapse All (Хаммасини ўчириш) буйруғи барча модификаторларни ўчиради ва объектни таҳриланадиган каркасга ўзгартирали (Editable Mesh). Бу компьютер хотирасини тозалаш учун зарур (ҳар бир модификатор ўзининг индивидуал параметрларини таҳрирлаш учун хотирадан фойдаланади).

Кўпгина модификаторларда параметрларни таҳрирлаш учун умумий буйруқлар мавжуд, улардан бири Limits (Лимитлар) қисм менюси ҳисобланади. Мазкур буйрук юқорида (Upper Limit) ва пастда (Lower Limit) чекловчи текисликни белгилайди, объектга ушбу модификаторнинг таъсир этиши тарқалмайди.

Аксарият модификаторларни қўллашдан сўнг, модификатор берилган объектни қандай ўзгартариши устидан назоратни амалга оширадиган чекловчи контейнер (Gismo) объект атрофида пайдо бўлади. Gismo ҳолатини таҳрирлаш учун стекда модификатор номи рўпарасиги «+» белгисини босиш керак, ва очиладиган иерархияда (Gismo) ост объектни ёки чекловчи контейнер марказини (Center) танлаш зарур.

Стек остида белгиланган модификаторни таҳрирлаш учун бешта тугма жойлашган (5.1-расм):

1. Pin Stack (Стекни белгилаб қўйиш) – ушбу тугmani фаоллаштирганда, белгиланган модификатор параметрлари кириш мумкин бўлиб қолади, ҳаттоқи бошқа объект танланган бўлса ҳам.

2. Show end result on/off toggle (Охириги/оралиқ натижани кўрсатиш) – агар ушбу тугма босилса, у ҳолда стекда модификаторлар бўйича кўчиришда, барча модификаторларни қўллашнинг якуний натижаси ҳар доим кўринадиган бўлади.

3. Make Unique (Ягона қилиб тайёрлаш) – ушбу тугма босилгандан сўнг, объект бошқа нусхаланган объектлар ўртасида алоқани ўзади ва ягона бўлади.

4. Remove modifier from the stack (Стекдан модификаторни ўчириш) – танланган модификаторни ўчиради.

5. Customize Modifier Sets (Модификаторлар тўпламини ўзгартириш) – очиладиган менюда модификаторларни фаоллаштириш учун тугмалар тўпламини белгилаш, шунингдек модификаторлар рўйхатига тўпламларни кўшиш мумкин.

Объектларни модельлаштириши

Фақат битта модификатор ёрдамида реал персонажлар, мебел, автомобиль ва бошқа предметларнинг мураккаб моделини яратиш амалда мумкин эмас. Бунинг учун ҳайкалтарошга ўхшаб объектларни яратиш ва уларнинг геометрияси билан бевосита ишлаш керак.

Ҳайкалтарош мрамор парчаси ёки гилни тегишли ускуналар билан қайта ишлайди. Виртуал ҳайкалтарош (моделер) мос ускуналардан фойдаланиб объектни ташкил этувчилари билан ишлайди.


Моделлаштиришга киришиш учун, бошланғич геометрик примитив зарур, қайсики параметрик объект (parametric object) ҳисобланиб таҳрирланувчи объектга айлантирилади (editable object). Ушбу ҳолатда у ўзининг дастлабки параметрларини йўқотади (масалан: шардаги радиус) ва ягона виртуал каркас бўлади.

Объектни қайта ишлаш учун, проекция ойналаридан бирида уни танлаб олиш зарур, сўнгра сичқончанинг ўнг тутмасини босиш ва тўртинчи менюнинг transform қисм менюсидан Convert To: (...га қайта ишлаш:) буйругини танланади (5.2-расм).

3D Studio Max дастурида уч ўлчовли объектлари кўришнинг тўртта ҳар хил турларидан фойдаланилади, уларнинг ҳар бири ўзига хос имкониятларга эга:

1. Editable Mesh – таҳрирланадиган каркас.
 2. Editable Poly – таҳрирланадиган учбурчак.
 3. Editable Patch – таҳрирланадиган қийқим.
 4. NURBS (Non–Uniform Rational B–Spline)
- Бир жинсли бўлмаган рационал Б-сплайн.


Сплайнлар ҳам параметрик ва таҳрирланадиган объектлар (Editable Spline) ҳисобланади.



5.2-расм.

Оддий мисолда модельлаштириш стулнинг хомаки нусхасини яратишга хизмат қилиши мумкин. 5.3-расмда яратишнинг икки хил вариантни келтирилган:

Биринчи вазиятда (5.3-расм, а) стул обьекти олтига Box примитивидан таркиб топган.



a)

б)

5.3-расм. “Стул” объектининг хомаки нусхасини моделлаштириш:
а) Модел олтита примитивдан ташкил топган; б) Модел полигонларни таҳрирлаш орқали яратилган.


Иккинчи ҳолатда (5.3-расм, б) сегментлар сони билан берилган битта Вое объекти яратилди: узунлик бўйича тўртта полигон, кенглик бўйича тўртта полигон, баландлик бўйича битта полигон. Сўнгра у Editable Mesh обьектига конвертерланди.

Кейинги қадамда пастдан (объект четлари бўйлаб) тўртта полигон танланди ва Extrude (Чиқариш) буйруғи ёрдамида стулнинг оёқлари яратилди. Сўнгра юқоридан тўртта четги полигонлар танланди ва яна ўша Extrude буйруғи ёрдамида стулнинг суянчиғи ясалди.

Агар сиртнинг бир қисми проекция ойнасида кўринмаса, бу нормалнинг камерадан йўналтирилганлиги билдиради. Сиртнинг кўринишини ёқиш учун обьект хусусияти (Properties) ойнасидан Backface Cull (Орқа сиртни акс эттириш) параметри рўпарасидаги назорат белгисини ўчириш зарур.

Нормаллар билан ишлашда иккита модификатордан фойдаланилади: Edit Normals (Нормалларни таҳрирлаш) ва Normal (Нормал).

Edit objects (таҳрирланувчи обьектлар) ост обьектлардан ташкил топган, таҳрирлаш ёрдамида моделлаштириш жараёни амалга ошади. Ост обьектларни икки хил усулда танлаш мумкин:



- Объектнинг тўртинчи менюсида (сичқончанинг ўнг тугмаси), tools1 (Ускуналар 1) қисм менюси.

- Modify сахифасидаги стекда иерархияни очиш ва керакли ост обьектни танлаш, ёки Selection (Танлаш) бўлмасида тегишли тутмани босиш зарур (5.4-расм).


NURBS дан ташқари барча таҳрирланувчи обьектлар талайгина бир хилдаги бўлмаларга эга, уларнинг параметрлари обьект турига боғлиқ равишда фарқ қиласи: Selection (Танлаш) – ост обьектларни танлаш бўйича тутма ва буйруқлар; Edit Geometry (Объект геометриясини таҳрирлаш). 5.4-расм.

Сплайнларни моделлаштириши


Editable Spline объекти таҳрирлаш учун ости объектга эга: Vertex (Учлар); Segment (Сегмент) ва Spline (Сплайн) (5.5-расм).

Сплайн яратиш жараёнида ҳар хил турдаги учлардан фойдаланилади, бу бевосита сплайннинг силлиқ ёки кескин ўтишларга эга бўлишига боғлиқ (5.6-расм).

1. Corner (Кескин ўтиш) – берилган учларда сегментлар ўртасидаги ўтиш қиррали бўлади.



5.5-расм. Editable Spline объекти.



5.6-расм. Учлар тури.

2. Smooth (Силлиқ ўтиш) – кейинги уч олдинги учга боғлиқ равища сегментлар орасидаги силлиқ ўтиш автоматик белгиланади.

3. Bezier (Безье) – уринма векторларга боғлиқликда силлиқ ўтиш, силлиқлаш қийматини мустақил белгилаш имконини беради.

4. Bezier Corner (Синиқ чизиқли Безье) – Безье уни уринма векторга алоҳида кўчирилиши мумкин.

Ҳар бир сплайн бош нуқтага эга (First Point), айнан у орқали Loft объектлар яратиш, йўналиш бўйича объектларнинг ҳаракатланиш анимацияси ва бошқалар бошланади (5.6-расм).


Учлар типини алмаштириш учун, танланган учда сичқончанинг ўнг тутмасини босиш ва tools1 (ускуналар 1) қисм менюсидан тегишли типни танлаш зарур.

Editable mesh (таҳрирланувчи каркас) объектларини моделлаштириши

Editable Mesh объектлари ўзида геометриянинг анча кенг тарқалган турини ифодалайди ва бошқа график муҳаррирларга экспорт қилиш учун қулай.

Таҳрирланадиган каркаслар учбурчакли ёқларга бўлинган полигонлар (тўртбурчаклар)дан ташкил топади ва таҳрирлаш учун бешта ости объектларга эга: Vertex (Уч); Edge (Қирра); Face (Ёқ); Polygon (Кўпбурчак); Element (Таркибий қисм) (5.7-расм).

Surface Properties (Сирт параметрлари) бўлмасида ости объектларни акс эттиришни бошқариш бўйича параметрлар жойлашган.




5.7-расм. Editable Mesh объекти.

Editable poly (тахрирланувчи кўпбурчак) объектларини моделлаштириши

Тахрирланадиган объектларнинг иккинчи кўриниши, тўртбурчакли ёқлардан ташкил топган ва Editable Mesh обьектига нисбатан анча универсал бўлган Editable Poly (тахрирланувчи учбуручаклар) ҳисобланади.

Editable Poly ост обьект Editable Mesh обьектидагилар билан бир хил, факат битта хусусиятни ҳисобга олмагандан: Face (ёқ) ост обьектнинг ўрнига обьект четлари Border (Чегара) тахрирланади (5.8-расм).



5.8-расм. Editable Poly обьекти.


Edit ... (... – танланган ост обьектлар) ва *Geometry* (Геометрия) бўймасидаги ускуналарнинг баъзи тутмаларидан ўнгда хусусиятлари ўзgartариш ойнасини чақириш учун қўшимча тугма жойлашган.

Editable patch (тахрирланадиган парча) обьектларини моделлаштириши Editable Patch обьектлари ўзида ёпиқ сплайнлар билан бирлаштирилган

парчалар (Patch) түпламини ифодалайди. Шу сабабли, бундай объектлар дастлаб силлиқланган (“резинали”) ҳисобланади, шунингдек тезкор хотирадан кам жой эгаллади.

Face (ёқ) ост объект ўрнига, Editable Patch туридаги объектлар Patch (Парча) ост объект, шунингдек объект учларида эгри чизиқларни белгилаш имконини берувчи, чизиқли векторни ўзида ифодалайдиган ноёб Handle (Тутгич) ост объектга эга бўлади (Editable Patch объектларида учларнинг тури Bezier (Безье) ҳисобланади) (5.9-расм).

Editable Patch объектларини икки усулда яратиш мумкин: 1. Тўртинчи менюдан фойдаланиб объектни конвертациялаш; 2. Create (Яратиш) саҳифасида турли объектларни яратиш рўйхатидан, Quad Patch (тўртбурчакли парчалардан ташкил топган юза) ва Tri Patch (учбурчакли парчалардан ташкил топган юза) объектларини яратиш имконини берувчи Patch Grids (Қийқимли тўр) бандини танлаш керак.



5.9-расм. Editable Patch обьекти.

Nurbs (non-uniform rational b-spline) обьектларини моделлаштириши

NURBS қисқартмаси бир жинсли бўлмаган рационал В-сплайн (non-uniform rational B-spline) сифатида тушунилади ва қўйидагиларни англатади:

1. Бир жинсли бўлмаган (Non-Uniform) – NURBS обьекти учлари оғирликларга эга. Уч оғирлигини ўзgartириш обьект геометриясига таъсир кўрсатади.

2. Рационал (Rational) – NURBS обьекти математик формулалар ёрдамида тавсифланади.


3. Б-Сплайн (B-Spline) – уч ўлчамли фазода эгри чизиқ ихтиёрий йўналишда шаклини ўзgartириши мумкин.

NURBS обьекти, коида сифатида, органик юзаларни (одамлар, хайвонлар, ўсимликлар ва б.) яратиш учун ишлатилади, чунки унинг

геометрияси ўзида эгри чизиқ ва сиртлар тўпламини ифодалайди. Ушбуларга боғлиқ ҳолда, узилишга эга ва ўткир бурчаклар остида кесишувчи NURBS сиртларини яратиш амалда мумкин эмас. 5.10-расмда иккита обьект келтирилган, улардан бири NURBS обьекти, иккинчиси Editable Mesh обьекти ҳисобланади.

NURBS обьектлари уч ўлчовли сиртларга ва икки ўлчовли сплайнларга бўлинади.

NURBS сплайнларини яратиш буйруклари, Create (Яратиш) сахифасида Shapes (Сплайнлар) обьектлар тоифасидаги NURBS Curves (NURBS эгри чизиқлари) қисм менюсида жойлашган.



5.10-расм. Чапда: NURBS обьекти; Ўнгда: Editable Mesh обьекти.

6-7-амалиёт. 3D Studio Max дастурида материаллар яратиш ва Тахрирлаш, 3D Studio Max дастурида саҳнага ёруғлик бериш, 3D Studio Max дастурида камералар билан ишлаш

Текстура ва материал тушиунчаси

Саҳна обьектлари моделлаштирилганидан сўнг кейинги босқич уларга материалларни ўзлаштириш ҳисобланади. Тайёр яратилган материаллар орқали обьектлар ўзига хос хусусиятларига эга бўлади: “шкаф” обьекти – тахтали, “бутилка” обьекти – ойнали, “қошиқ” обьекти – металли бўлади ва х. Шунинг учун реалистик материалларни яратиш жараёни етарлича мураккаб ва обьектни ўзини яратишга нисбатан кўп вақт талаб қиласди.

Материалларни икки кўринишга ажратиш мумкин (6.1-расм):

1. Жонсиз – ойна, метал, мато, резина ва бошқалар.
2. Жонли – тери қопламаси, ўсимлик ва бошқалар.




6.1-расм. Жонли ва жонсиз материаллар.

Жонли материалларни яратиш мураккаб, чунки тери бир қанча қатламлардан ташкил топган, уларнинг ҳар бири ўз даражасидаги шаффоффлик, ранглар ва текстураларга эга бўлади. Бундан ташқари қонталаш, ажин, баданни қоплаган тук, қон томирлари ва бошқалар каби қисмларни ҳисобга олиш лозим.


Жонсиз материаллар ҳолатида акслантиришнинг физик жараёнини ва материал сиртидан ёруғлик нурининг синишини тўғри моделлаштириш зарур.

Ноёб материал яратиш учун график муҳаррирларни яхши билиш керак (Adobe Photoshop ва б.), чунки аксарият материалларни яратиш уларга текстураларни ўзлаштириш билан бошланади. Текстура ўзида растрли тасвирларни (ёки видеоролик) ифодалайди, қайсики модел қисман (нақш кўринишида) ёки тўлиқ (объект тасвир билан “қопланади”) ўзлаштирилади (6.2-расм). Растрли тасвирлардан фойдаланишда, уларнинг ўлчами ва сифатини ҳисобга олиш лозим.




6.2-расм. “Шар” объектини текстурага ўзлаштирилиши.

Қачонки текстура объектга “боғланса”, кўшилиш чизиги пайдо бўлади (6.3-расм, а). Кўшилиш чизиқларини йўқотиш учун кўшилиш чизиқлари бўлмаган текстуралардан фойдаланилади (6.3-расм, б), қайсики объектга ҳар қанча такрорланишлар бўлса ҳам кўшилиш чизиқлари кўринмайди.



6.3-расм. Кўшилиш чизиклари бўлган (а) ва бўлмаган (б) текстура.

Растри тасвирлардан фойдаланишнинг яна бир усули маскалар (Mask) кўйиш ҳисобланади.



6.4-расм. Ёрлик кўйиш учун маскадан фойдаланиш.

Маска (Mask), қоида сифатида, бошқа тасвир қисмини беркитиш ёки тасвир қисмига бирор-бир объектни кўйиш учун зарур бўлган оқ-қора тасвирни ўзида ифодалайди. Маскада қора ранг шаффофф (интенсивлиги 0%), оқ ранг хира (интенсивлиги 100%) ҳисобланади (6.4-расм).

Реалистик материал яратиш


Материал яратишда унинг ҳақиқий физик хусусиятларини ҳисобга олиш керак. 3D Studio Max дастурида куйидаги параметрлар бошқарилади:

1. Объект ранги. Фон ёруғлигига таъсир, объект ўзини-ўзи ёритиши, бошқа объектлардан рангни акс этиши (метал материаллар) ҳисобга олинади.

2. Шуълалар. Шуълалар ўлчами, ёрқинлиги ва сони бошқарилади. Изоҳ: Предметга 90^0 бурчак остида тушувчи ёруғлик нури ойнали шуълани яратади (ёруғликнинг энг юқори интенсивлиги). Тушиш бурчагининг ўзгариши ва нурнинг акс этишига мувофиқ, соя соҳасига бир текис оқиб ўтувчи диффузион (қоришган) тарқалиш соҳаси юзага келади (6.5-расм).

3. Объект шаффоғлиги.

Реалистик материаллар яратиш учун фақатгина сифатли тасвирларни кўйишнинг



ўзи етарли бўлмасдан, қуидаги параметрларни ҳисобга олиш зарур:

6.5-расм.


1. Ёруғлик нурининг акс этиши ва синиши жараёни.
2. Материалнинг бир жинсли эмаслиги ва ёйилиш даражаси (чанг, ифлос, кир, доғ, қурум, ўйиқ, ёриқ, занг, металларнинг оксидланиши ва б.). Изоҳ: Ифлосланган, қирилган объектларни яратиш учун турли нуқсонлар ифодаланган қўшимча текстуралардан фойдаланилади, сўнгра улар маска сифатида объектга қопланади.

6.6-расмда “Больтлар” объектлари материалини яратишнинг учта даражаси келтирилган.

1. Нореалистик – Reflection (Шаффоффлик) параметрида метал текстурасини ўзида ифодаловчи Metal_ChromeFast стандарт материалидан фойдаланилган.

2. Реалистик – занглаган металнинг сифатли текстураси, шунингдек нуқсонли текстура (металдаги қирилган жой ва б.) ишлатилган реалистик материал яратилган.


3. Гиперреалистик – мазкур объектни яратиш учун метал объектга ёруғлик нурининг акс этиши ва синиши ҳисобга олинган V-ray альтернатив визуализаторидан фойдаланилган.



6.6-расм. Реалистик материал яратиш.

Материалларни таҳрирлаш (material editor)

Материалларни яратиш ва таҳрирлаш Material Editor (Материалларни таҳрирлаш) ойнасида амалга оширилади (6.7-расм). Бу ойнани бош менюдаги Rendering (Визуаллаш) бандидан ёки ускуналари панелига тугмачани босиш орқали чақириш мумкин.



6.7-расм. Material Editor ойнасининг тузилиши.

Материалларни таҳрирлаш (Material Editor) ойнасининг таркиби:

1. Юқорида жойлашган меню таҳрирлаш буйруқларидан таркиб топган.
2. Материал ячекаси – ҳар бир ноёб материал ўзининг ячекаси ва номига эга бўлади. Янги материал яратиш учун кейинги ячекани танлаш ва ҳаракатларни бажариш зарур. Материаллардан нусха олиш мумкин, бунинг учун материал берилган ячекага сичқончанинг чап тугмаси босилади ва уни бошқа ячекага кўчирилади. Шундан сўнг материал номи ўзгартирилади, агарда ушбу материал бошқа объектга қўлланилса, дастур қуидаги сўровли ойнани экранга чиқаради: Replace It (материални ўзгартириш) ёки Rename the material (Материал номини ўзгартириш).

Материал ячекасига сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда, ушбу ячекада обьектни буриш (Drag/Rotate), алоҳида ойнада ячекани катталаштириш (Magnify...), шунингдек ячекалар сонини ўзгартириш (Sample Windows) имконини берувчи қўшимча меню чақирилади.

4. Material Editor ойнасининг пастги қисмида материал яратишга мансуб бўлган бўлмалар жойлашган.

3D Studio Max дастурида саҳнага ёргулик бериш

Саҳна ёргулигини яратиш

Реал саҳнани яратиш учун объектларни моделлаштириш ва уларни

материаллар билан қоплаш етарли эмас. Белгиланган соҳада объектларни бир-бири билан қоришириш зарур. Бунинг учун ёруғлик ва табиий эфектлар (туман, нур ва б.) бериш охирги визуаллаштириш учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Реал ҳаётда ёруғликнинг учта тури мавжуд:

1. Табиий ёруғлик (куёш нури).
2. Сунъий ёруғлик (олов, турли хил чироқлар ва б.).
3. Комбинацияланган ёруғлик (табиий ва сунъий ёруғликнинг турлича бирикиши).

3D Studio Max график муҳаррири ёруғликнинг юқорида келтирилган барча кўринишларини, шунингдек ташқи муҳит эфектларини ҳам яратиш имконини беради.

Ёруғликнинг базавий жойлашуви

Сунъий ёруғликнинг классик жойлашуви белгиланган, бу эса фотосаноат, кинематография, телевидения ва бошқа соҳаларда кенг кўлланилади.

У ўзида ёруғликнинг учта манбасини белгиланган тартибда жойлашувини ўз ичига олади (7.1-расм).

1. Асосий ёруғлик (Key) – йўналтирилган ёруғлик, унинг ёрдами билан саҳнада асосий ёруғлик яратилади. Энг юқори интенсивлик (жадаллик)га эга ва одатда тахминан 45^0 бурчак остида жойлашади.

2. Тўлдирувчи ёруғлик (Fill) – саҳнага чуқурлик ва реаллик беради. Асосий ёруғликга нисбатан кам интенсиликга эга.

3. Орқа, бўлувчи ёруғлик (Kicker) – саҳнада объектларнинг орқа томонини ёруғликни таъминлайди. Асосий ёруғлик манбасидан юқорида ва қарама-қарши томонда жойлашади.



7.1-расм. Ёруғликнинг базавий жойлашуви: 1. Асосий ёруғлик (Key);
2. Тўлдирувчи ёруғлик (Fill); 3. Бўлувчи ёруғлик (Kicker).

Бундай жойлаштириш универсал ҳисобланмайди, виртуал фазони ёритиш учун ёруғликнинг зарурий шароитларини (куёшли кун, ғира-шира ёруғлик, камин орқали ёритилган хона ва б.) ўзида аниқ ифодалаш, сўнгра


кераклича сондаги ёруғлик манбаларини жойлаштириш лозим.

3D Studio Max дастурида ёритиш

Аввал бошдан яратилган объектлар индамаслик бўйича ўрнатилган ва таҳрирлаш учун рухсат бўлмаган ёруғлик манбалари билан ёритилади. Customize бош менюсидаги Viewport Configuration ойнасида иккита ёруғлик манбасини бериш мумкин (2 Lights). Ёруғлик манбаси яратилгандан сўнг, индамаслик бўйича ўрнатилган ёруғлик йўқолади.

3D Studio Max дастурида ёруғлик манбаларининг уч тури мавжуд (Lights бандида Geometry бўлмаси) (7.2-расм):

1. Standard (стандарт) – саккизта ёруғлик манбаси, тегишли дастурий бирликларда имитацияланувчи (ўхшатиб ишлаш) сунъий ёруғлик.
2. Photometric (фотометрик) – реал ўлчов бирликларига (интенсивлик ва температура) асосланган саккизта манба.
3. Визуаллаштиришнинг алтернатив тизими учун маҳсус яратилган ёруғлик манбаси (V-ray ва б.). Тегишли визуализатор ўрнатилганидан кейин пайдо бўлади ва фақат у билан бирга ишлатилади.



7.2-расм. Сахнани турличи манбалар билан ёритиш: а) Индамаслик бўйича ёритиш; б) Стандарт манбалар; в) Фотометрик манбалар.

Бундан ташқари, қўёшли (Sunlight) ва кундузги (Daylight) ёруғликга ўхшаш яна иккита манба мавжуд.

Ёруғликнинг стандарт манбалари (standard)

Ёруғликнинг стандарт манбалари йўналтирилган, озод ва барча йўналиши манбалардан таркиб топади.

Йўналтирилган манба Target Spot (конуссимон йўналтирилган) конус шаклидаги тузилмага эга ва нишон йўналишини (Target), ёрқин доғлар доираси (Hostpot/Beam) ва ёритишнинг ташқи доирасини (Falloff/Field) белгиловчи ёруғлик манбаларидан (Spot) таркиб топади (7.3-расм). Ёритиш доираси ва ёрқин доғлар доираси орасидаги масофа қанча катта бўлса, ёруғлик соҳасидан соялар соҳасига ўтиш шунча енгил бўлади.


Target Spot йўналтирилган манбани яратишда проекция ойналаридан бирини босиш, сўнгра нишонни яратиш учун курсорни олиб бориш зарур (Target).

Free Spot (озод конуссимон) манбаси Target Spot манбасига ўхшаш

бўлиб, унда нишон йўналишини белгилашнинг имкони йўқ. Free Spot озод манбасини яратиш учун проекция ойналаридан бирини босиш керак.

Target Direct (тўғри чизиқли йўналтирилган) ёруғлик манбаси Target Spot манбасидаги ташкил этувчиларга эга. Ундан фарқли жиҳати ёрқин доғлар доираси (Hotspot/Beam) ва ёритишишнинг ташқи доиралари (Falloff/Field) манба ўқига параллел эканлиги ҳисобланади.

Free Direct (озод тўғри чизиқли) манба – Target Direct манбасига ўхшашиб, фақат унда нишон йўналишини белгилаш йўқ.



7.3-расм. Target Spot (конуссимон йўналтирилган) ёруғлик манбаси.

Omni (барча йўналишли) ёруғлик манбаси барча йўналишларда ёруғлик нурини тарқатади (электр лампочкасига ўхшатиб ясалган). Omni манбасини яратиш учун проекция ойналаридан бирини босиш етарли (сариқ тетраэдр кўринишидаги белги пайдо бўлади).

Skylight манбаси (осмон ёруғлиги) кундузги ёруғлик имитациясини яратади (кўпинча, Light-Tracer глобал ёруғлик элементлари билан ишлатилади).

mr Area Omni ва mr Area Spot манбалари mental ray визуализаторлари билан биргаликда ишлатилади ва белгиланган соҳадан ёруғлик нурларини тарқатиш имконини беради. Бу эса реалликни ва визуаллаштириш учун зарур бўлган вақтни оширади.

Ёруғлик манбаси яратиб бўлингандан сўнг унинг параметрларини Modife (Ўзгартириш) панелидаги манба хоссаларини қўйидаги ўзгартириш бўлмаларида тўғрилаш мумкин:

1. General Parameters (Асосий параметрлар) бўлмаси: Ёруғлик манбасини ёқиши/ўчириш (On параметри рўпарасига назорат белгиси), шунингдек ёруғлик манбасини танлаш.

Shadows (Соялар) қисм менюсида сояларни ёқиши/ўчириш (On параметри рўпарасига назорат белгиси) белгиланади, шунингдек ташлаб

юбориладиган соялар кўринишини танлаш амалга оширилади.

3D Studio Max дастурида сояларнинг беш хил кўриниши мавжуд:

– Area Shadows (Ҳажмий соя) – баъзи соҳада ётувчи (тўғри бурчак, думалок ва б.) бир меъёрда тақсимланган манбалар гуруҳидаги битта манбани алмаштириш ҳисобига объектдан тушадиган сояни ҳисоблаш амалга оширилади. Area Shadows бўлмасида керакли соҳа танланади, шунингдек чиқариб танланадиган соянинг сифати ва сўниши қўрсатилади.


– Shadow map (Соялар харитаси) – визуаллаштириш жараёнида саҳнага қопланадиган растр тасвиirlар яратилади. Shadow Map Params (Соялар харитаси параметри) бўлмасида соялар харитасининг ўлчами (Size) берилади.

– Ray Traced shadows (нурларнинг йўналишини белгилаш орқали яратиладиган соялар) – алоҳида ёруғлик нурларини саҳна объектларида аксланиши ва шаффоф муҳитда синишини ҳисобга олиб ёруғлик манбасидан камера объективигача ўтиши назарда тутади.

– Adv. Ray Traced (кучайтирилган йўналишларни белгилаш орқали яратиладиган соялар) – Ray Traced shadows га нисбатан муҳаррирлаш учун кўпроқ параметрларга эга.

– Mental ray Shadow map – соянинг ушбу тури mental ray визуализаторидан фойдаланишда яратилади.

General Parameters бўлмасининг қўйи қисмида Exclude тугмаси жойлашган, бу тугма ёруғлик манбасидаги объектлар ва сояларни киритиш/чиқариш имконини берувчи параметрлар ойнасини очади (7.4-расм).



7.4-расм. Чапда: Exclude/Include ойнаси параметрлари; Ўнгда: ёруғлик манбасидан саҳнадаги иккита объектни чиқариш натижаси.

3D Studio Max дастурида камералар билан ишлаш

Камера яратилиши ва ундан фойдаланиши


Растрли тасвиirlар ва видеолавҳаларни визуаллаштириш аслида виртуал фото ва видеотасвир ҳисобланади, шунинг учун саҳна билан

ишилашда “Камера” (Camera) типидаги объектлардан фойдаланилади. Сахнада турли ракурсларни ёзиб борувчи ҳар қанча сондаги камераларни ўрнатиш мумкин.

3D Studio Max дастурида иккита кўринишдаги камераларни яратиш мумкин (Камерани яратиш тутмаси Geometry/Геометрия бандидаги Cameras (Камералар)):

1. Target (Йўналтирилган камера). Камераларнинг ўзи (Camera), нишон (Target) ва камеранинг кўриш майдони (FOV – Field of View)дан таркиб топади (8.1-расм).

2. Free (Эркин камера). Йўналтирилган камера ўхшаш, аммо бунда нишон (Target) қисми мавжуд эмас.



8.1-расм. “Йўналтирилган камера” обьекти (Target).

Йўналтирилган камерани яратиш Target Spot ёруғлик манбасини яратишга ўхшаш: дастлаб камеранинг ўзи яратилади, сўнgra сичқончани босиши орқали нишон яратилади.

Изоҳ: Create Camera From View (Perspective проекциялаш ойнасида камерани яратади) буйруғи бош менюнинг Views (Кўринишлар) бандида жойлашган ва Perspective (Перспектива) кўринишидаги йўналтирилган камерани яратиш имконини беради.

Проекциялашнинг ихтиёрий ойнасида камерадан кўринишга ўтиш мумкин. Бунинг учун проекция ойнаси номи устига сичқончанинг ўнг тутмасини босиши ва тушувчи менюдан Views (Кўринишлар) банди – Камера номи (Camera01)ни танлаш зарур.

Камерани икки хил усулда бошқариш мумкин:

1. Буриш ва кўчириш буйруқлари ёрдами билан проекциялаш ойнасида;
2. Экраннинг ўнг томон пастги қисмида жойлашган проекциялаш ойналарида бошқарув тутмаларидан фойдаланиб.

Проекциялаш ойнасида камераларни бевосита бошқариш стандарт кўринишга кўпроқ ўхшаш, фақат унда қуидаги буйруқлар мавжуд эмас:

Камерани бошқариш буйруқлари

№	Тугма	Номланиши	Тавсифи
1	1.  2.  3. 	1. Dolly Camera (камерани кўчириш); 2. Dolly Target (Нишонни кўчириш); 3. Dolly Camera + Target (Камера ва нишонни кўчириш);	Камерани учта турлича усуллар билан кўчиради, саҳна обьектларини яқинлаштириш ёки ўчириш
2		Field-of-View (Кўриш майдони)	Камеранинг кўриш майдонини ўзгартиради
3		Perspective (Перспектива)	Перспективаларни катталаштириш ёки кичрайтириш
4		Roll Camera (Камерани буриш)	Камерани ўз ўки атрофига буриш
5	1.  2. 	1. Orbit Camera (Орбита бўйича ҳаракат); 2. Pan Camera (Камерани панорамалаштриш)	Камерани нишон атрофига буриш

Камералар параметрларини таҳрирлаш иккита бўлма ёрдамида амалга оширилади:

1. Parameters (Параметры) бўлмаси.

Ушбу бўлмада камеранинг кўриш майдони (FOV) ўлчамини ўзгартириш, шунингдек Stock Lences қисм менюсида белгиланган фокусли масофадан виртуал обьективни алмаштириш мумкин.

Камеранинг кўриш майдони (FOV – Field of View) градусларда ўлчанади ва кўриш бурчагини характерлайди.


Фокус масофаси (focal length) ўзида плёнка ва камера обьективи орасидаги масофани намоён этади ва обьективни алмаштирганда ўзгаради. Фокус масофаси 50 мм бўлган обьектив инсон қўзидаги сингари, худди шундай кўриш бурчагини таъминлайди.

Environment Ranges (Мухитни чеклаш) қисм менюсидан яқин (Near Range) ва узоқ (Far Range) диапазонларни киритиш ёрдамида мухит эффиқти (туман, ҳажмий ёруғлик)нинг тарқалишини назорат қилиш мумкин (8.2-расм).

Clipping Planes (узоқлилиги бўйича камера кўринишидаги обьектларни ўчириш) параметридан фойдаланиш, фақатгина Near Clip (кесиб олинган соҳанинг яқин текислиги) ва Far Clip (кесиб олинган соҳанинг узоқ текислиги) текисликлари ўртасида маълум бўлган обьектларни саҳнада кўринадиган қилиш имконини беради.

Multi-Pass Effect (Кўп миқдорда визуаллаштириш) қисм менюси иккита параметрга эга:

1. Depth of Field (Үта равшанлик чуқурлиги) – орқа планда жойлашган объектларнинг хиралашини ҳисобга олиб, олд фондаги объектни ажратиш имконини беради (8.3-расм). Depth of Field Parameters (Үта равшанлик чуқурлиги параметрлари) бўлмасида куйидаги параметрлар кўрсатилади: Focal Depth (Фокус чуқурлиги); Total Passes (орқа пландаги объектларни хиралаштириш учун зарур бўлган визуаллаштириш сони) ва б.



8.2-расм. Environment Ranges (Мухитни чеклаш) параметридан фойдаланиш.



8.3-расм. Depth of Field (Үта равшанлик чуқурлиги) параметридан фойдаланиш.

2. Motion Blur (Ҳаракатланишдаги хиралашиш) – объектлар ҳаракатини уларнинг хиралашиши ҳисобига (масалан: вертолёт паррагининг айланиши) имитациялади. Depth of Field (Үта равшанлик чуқурлиги) ускуналари билан бир хил параметрга эга.

Тасвирни визуаллаштириши

Визуаллаштириш (Rendering) ўзида яратилган саҳнанинг барча параметрлари ҳисобга олинган растрли тасвир, видеолавҳа ёки сценарийнинг матнли файлини намоён этади. Шу сабабли проекция ойналарида ёруғлик манбаларининг соялари, мураккаб материаллар ва мухит эфектлари кўрсатилмайди.

Изоҳ: Саҳнанинг мураккаблигига боғлиқ равища визуаллаштириш параметрлари вариацияланади (тасвирнинг охирги файлини яратиш жараёнини тезлатиш учун).


Визуаллаштиришни бошқариш тугмалари ускуналар панелининг ўнг қисмида жойлашган (Toolbar).

Визуаллаштириш вақтида визуаллаштиришнинг жорий ҳолатини назорат қилувчи Rendering ойнаси пайдо бўлади. Ойнанинг юқори қисмидаги иккина линейкалар Total Animation (Барча анимация) ва Current Task: Rendering Image (Жорий вазифа: Тасвирни визуаллаштириш) визуаллаштириш жараёнининг боришини акс эттиради. Rendering Progress (Визуаллаштириш **йўли**) қисм менюсида жорий визуаллаштирилаётган кадр (Frame) экс этади, шунингдек визуаллашнинг бошланиши ва якунланиш вақтининг тахминий ҳисоби бажарилади.

Quick Render (Тезкор визуаллаш) тугмаси босилганда Frame Window (Фрейм) ойнасида тасвирнинг визуаллашиши амалга ошади (8.4-расм), бу эса

саҳнанинг охирги тасвирини кўриш имконини беради.

Ушбу ойна ёрдамида олинган тасвирни график файл кўринишида (Save Bitmap тугмаси (Растр тасвирларни сақлаш)) сақлаш, визуаллаштириш натижаларини таққослаш учун мазкур ойнанинг дубликатини яратиш (Clone Render Frame Window (Фреймни такрорлаш) тугмаси), шунингдек турли ранг каналларини кўшиш ва олиб ташлаш мумкин.



8.4-расм. Frame Window (Фрейм) ойнасининг тузилиши.

Изоҳ: Quick Render (Тезкор визуаллаш) тугмаси ўзида суриладиган панелни ифодалайди, иккинчи буйруқ реал вақт режимида Frame Window (Фрейм) ойнасида материалларнинг ўзгаришини кўриб чиқиш имконини беради.

Render Type (Визуаллаштириш типи) рўйхати визуаллаштиришнинг турли вариантларини танлаш имконини беради:

1. View (Кўриниш) – проекциянинг фаол ойнасида визуаллаштириш.
2. Selected (Белгиланган) – танланган объектларни визуаллаштириш.
3. Region (Соҳа) – визуаллаштириш тугмаси босилганда, фаол кўриниш экранида кесувчи рамка пайдо бўлади, унинг ёрдамида визуаллаштириладиган соҳа белгилаб олинади.
4. Crop (Кесиб олиш) – Frame Window (Фрейм) ойнасида танланмаган қисмни кейинчалик кесиб олиш орқали белгиланган соҳани визуаллаштириш.
5. Blowup (Кучайтириш) – танланган соҳа визуаллаштиришнинг барча ойнасини ўзида тўлдиради.
6. Box Selected (“Параллелепипед” типида белгилаш) – белгиланган объектларни визуаллаштириш. Визуаллаштириш тугмаси босилганда тасвирнинг кенглиши (Width) ва (Height) баландлиги ўлчамларини сўровчи ойна пайдо бўлади.

7. Region Selected (Белгиланган соҳа) – белгиланган объект атрофида соҳани визуаллаштиради.

8. Crop Selected (Белгиланганларни кесиб олиш) – белгиланган объект бўйича соҳани кесиб олиш.

V. БҮЛІМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Case study

Кейс стади 1870 йилда Гарвард университетида, кейинчалик 1920 йилда Гарвард бизнес мактабида қўлланилган. Кейслар типологияси асосий манбалари, сюжетли мавжудлиги, вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги, кейс объекти, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ҳарактерга эгалиги, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, дидактик мақсади, тақдим этиш усулига кўра ажаратилади.

Кейс методини амалга ошириши босқичлари:

- Кейс билан танишув;
- Асосий муаммони ажратиб олиш;
- Фоялар йифиш ва излаш;
- Кейс ечимини тавсия қилган фояларни таҳлил қилиш;
- Кейс ечими ва тавсиялар

Кейслар типологияси

Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари бўйича	Бевосита объектда
	Таълим жараёнида
	Илмий-тадқиқотчилик фаолиятида
Сюжет мавжудлиги	Сюжетли
	Сюжетсиз
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	Ўтмиш ва бугун
	Аввал бўлиб ўтган воқеа
	Истиқболга йўналтирилган
Кейс объекти	Алоҳида объектга
	Ташкилий
	Кўп объектли
Материални тақдим этиш усули	Ҳикоя
	Эссе

	Таҳлили маълумот
	Журналистик
	Ҳисобот
	Очерк
	Фактлар мажмуи
	Статистик материаллар
	Хужжатлар
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	Саволли Топшириқ тарзида
Дидактик мақсадлари	Муаммо, ечим, концепция Бирор мавзуга бағишиланган тренинг Таҳлил ва баҳолов Муаммони ажратиш, ечиш, бошқарувга доир қарорлар қабул қилиш
Тақдим этиш усулига кўра	Босма Электрон Видео-кейс Аудио-кейс Мультемедиа-кейс

Кейснинг педагогик паспорти:

- Педагогик аннотация;
- Кейс;
- Таълим олувчига услугубий кўрсатмалар;
- Ўқитувчи-кейсолонгнинг кейс ечими бўйича варианти;
- Ўқитишнинг кейс технологияси

Кейс технологиясини амалга оширишида ўқитувчи фаолиятининг босқичлари:

- тайёргарлик босқичи;

- асосий босқич: кейс технологиясини амалга ошириши
- таҳлилий, баҳоловчи босқич

Кейслар билан ишлаш методикаси

Вазият 1. Педагог ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўллаши мақсадга мувофик. Ўқув модули вазифасидан келиб чиқиб талабаларни ўқитиш жараёнида олиб борадиган фанидан электрон таълим ресурсини яратиши керак. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини чуқур билгани, талабалар билан ишлаш кўникмаларини қўллаган ҳолда мультимедиали ўқув модулини яратиш босқичларини амалга ошириши ва натижада охирги маҳсулот мультимедиали ўқув маҳсулотини тақдим этиши лозим. Яратиладиган ўқув модули учун дастурий, техник таъминот ва усусларни танлаши, танловини тушунтириб бериши лозим бўлади.

Қуйидаги саволларга жавоб берииши керак:

2. Мавзу қандай тақдим этилиши лозим?
3. Ўқув материалини тингловчига етказишида мультимедиани қандай қўллаш керак?
4. Қандай техник воситалар керак бўлади?
5. Мультимедиали ўқув материали яратишида қайси дастурий воситалардан фойдаланамиз?
6. Ўқув материалини беришида мультимедианинг қандай элементларидан фойдаланамиз?
7. Мультимедиали ўқув материалининг замонавий интерфейси ва дизайни қандай бўлади?
8. Якуний мультимедиали маҳсулот қайси форматда сақланади?
9. Мультимедиали ўқув материалининг тақдимоти қандай амалга оширилади? (уни кенг оммага таништириш ва имкониятларини реклама қилиш)

Кейс аннотацияси. Бевосита объектда олиб бориладиган сюжетли, ўтмиши ва бугунги кунни боғлаш асосидаги, топшириқ тарзидаги, босма ҳамда кўп объектли кейс ифодаланган.

Услубий күрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Гоялар иигиши;
- 4) Тұғри қабул қилинган гояларни излаши;
- 5) Тұғри қабул қилинган гоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бүйіча тавсиялар беріши керак.

Үқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бүйіча варианти:

Үқув жараёнида құллаш учун мультмедиали үқув модулини яратиш учун техник воситалар, дастурий воситалар ва яратиш усулларини танлаш ва асослаш лозим

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тұғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бүйіча таклифлар

Вазият 2. Ўқув модулидан яратилган мультимедиали ўқув маҳсулотининг тақдимотини ўтказиши учун мультимедиали тақдимот яратиши керак. (уни кенг оммага таништириши ва имкониятларини реклама қилиши)

Кейс аннотацияси. Бевосита обьектда олиб бориладиган сюжетли, ўтмиши ва бугунги кунни боғлаши асосидаги, топшириқ тарзидаги, босма ҳамда ҳикоя кейс ифодаланган.

Услубий қўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Гоялар йигиши;
- 4) Тўғри қабул қилинган гояларни излаши;
- 5) Тўғри қабул қилинган гоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бўйича тавсиялар берниши керак.

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианти:

- Мультимедиали илова муаллифи сифатида яратилган мультимедиали ўқув маҳсулотининг тақдимотини учун тақдимот материалларини яратиши лозим. Бунда тақдимот вақтга қатъий риоя қилинган ҳолда нутқнинг кириши, асосий ва якунловчи қисми яратилиши мақсадга мувофиқ.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тұғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бүйічта таклифлар

Вазият 3. Үқув модулида овозли элементтерни яратиши керак. Үқув материалини түшүнтиришида баъзи бўлимлари овозли файллар билан бойитиши мақсадида педагог үқув материалини овоз форматида яратиши лозим.

Кейс аннотацияси. Ўтмиши ва бугунги кунни боғлаш асосидаги, саволли, босма ҳамда кўп обьектли, ҳикоя кейс ифодаланган.

Услубий қўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Ғоялар иигизиши;
- 4) Тұғри қабул қилинган ғояларни излаши;
- 5) Тұғри қабул қилинган ғоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бүйічта тавсиялар бершиши керак.

Үқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бүйічта варианти:

- Бунда үқитувчи үқув жараёнида талабалар билан ишилаш кўникумаларини қўллаган ҳолда мультимедиали үқув материалининг овозли үқув материалини яратиши лозим.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Түғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

VI. БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР
РҮЙХАТИ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.— Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.—279б.
- 3.Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.— Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.—192 б.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.—М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004.
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.
11. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.— Т.: Fan, 2010.–686с.
4. Альберт Д.И., Альберт Е.Э. Самоучитель Macromedia Flash MX 2004. – СПб.: БХВ-Петербург, 2005.
5. Дегтярев И. CakewalkSonar. Microsoft Windows XP системасида овоз ёзиш — М.: 2002
6. Джилетт М. Игра со светом: Введение в сценическое освещение. – Mountain View: «Mayfield Publishing», 1989.
7. Драгунский В.В. Цветовой личностный тест: Практическое пособие. – Минск, 1999.
8. Килпатрик Д. Свет и освещение. – М., 1988.
9. Лапин Е.В. DVD типини тайёрлаш ва ёзиш.. — М.: «Вильямс», 2006. — С. 320. — ISBN 5-8459-1064-1
10. Самоучитель Macromedia Flash Professional 8. – СПб. :БХВ-Петербург, 2006.
11. Певнев А.Е., Труфанов В.Ф. Всемирное вещательное ТВ. Стандарты и системы. – М: РФТВ, Горячая линия-Телеком, 2005.
12. Птачек М. Цифровое телевидение. Теория и практика. - М.: РФТВ, Горячая линия -Телеком, 1990.

13. Рихтер Г.С. Цифровое радиовещание. –М: РФТВ, Горячая линия-Телеком, 2004.
14. Стиренко А.С. 3ds Max 2009/3ds Max Design 2009. Самоучитель. –ДМК Пресс, 2008.
15. ChumachenkoI.3ds Max.,Ed.2th,rev.and add.- Moscow:NT-Press, 2004. –544p.
16. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Uch o`lchovli modellashtirish, Ilm ziyo, Toshkent, 2012.
17. Nazirov SH.A., Nuraliyev F.M., Tillayeva M.A., Rasulbayev M.M. Flash texnologiyalari, Cho`lpon, Toshkent, 2012.
18. J. Lee, B. Ware. Three-dimensional graphics and animation. -2nd ed. -M.Williams, 2002. – 640 p.
19. GiambrunoM.Three-dimensional graphics and animation. -M.Williams, 2003. – 640p.
20. LeeK.3ds Max:The Artof three-dimensional animation. Platinum Edition.-K.:DiaSoft2005. - 896p.
21. PekarevLDTutorial3ds Max.- St. Petersburg.: BHV-Petersburg, 2003. – 336p.
22. RatnerP.Three-dimensional modeling and animationof man.-M.Williams,2005. -272p.
23. TozikV.,A.Mezhenin3ds Max8.Three-dimensional modeling and animation. - St. Petersburg.: BHV-Petersburg, 2006. –900p.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.
4. Тошкент ахборот технологиялари университети: www.tuit.uz, e-tuit.uz
5. www.ziyonet.uz
6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги: www.mitc.uz
7. www.lex.uz
8. www.egovovernment.uz
9. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
10. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
11. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>